

ЎЗБЕКИСТОНРЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙВАЎРТАМАХСУСТАЪЛИМВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

“ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ”КАФЕДРАСИ

“СОҲА ИҚТИСОДИЁТИ ВА МЕНЕЖМЕНТИ”

ФАНИДАН

МАЪРУЗАЛАРМАТНИ

Қарши 2022

Ш.О.Амиркулов Соҳа иқтисодиёти ва менежменти фанидан иқтисодий таълим
йўналишлари талабалари учун маърузалар матни. –Қарши: ҚарМИИ типография , 2022
йил, 136 бет.

Тақризчилар:

А.Б.Қурбонов “Инновацион иқтисодиёт” кафедраси
доценти.и.ф.н.

Х.С.Муҳитдинов “Бизнес ва инновацион менежмент
кафедраси профессори, и.ф.д.

“Инновацион иқтисодиёт” кафедрасининг 202_йил “_____”

_____даги

_____ -сонли мажлисида муҳокама қилинган.

Маърузалар матни Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти ўқув- услубий
Кенгашининг 202_йил “_____” _____даги _____ -сонли қарорига
мувофиқ ўқув жараёнига татбиқ этиш учун тавсия этилган.

1-мавзу. Корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари (2 соат)

- 1.1. Корхоналар моҳияти ва фаолиятнинг асоси
- 1.2. Корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари
- 1.3. Корхона фаолиятининг ички ва ташқи муҳити

1. Корхоналар моҳияти ва фаолиятнинг асоси

Корхона – ижтимоий ишлаб чиқаришнинг бош бўйни бўлиб, унда илмий иқтисодиётнинг асосий иқтисодий масалалари ҳал этилади.

Маҳсулотлар яратиш ва хизматлар кўрсатиш муайян технологик жараёнлар, меҳнат куrollари материаллари, одамларнинг билими ва кўникмалари ижтимоий меҳнат тақсимои ва кооперациялашга асосланган ҳолда мустақил амалга ошириладиган тизимга айтилади.

Корхона иш ўринларини беради иш ҳақи тўлайди солиқлар тўлаш йўли билан давлат ва ижтимоий дастурларни амалга оширишда қатнашади.

Айнан корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнлари ва ишчини ишлаб чиқариш воситалари билан ўзаро алоқаси амалга оширилади.

Корхона ўз фаолиятини ўзи бошқаради, ишлаб чиқарилган маҳсулотни олинган соф фойдани солиқ ва бошқа тўловларни тўлагандан сўнг қолган қисмини тасарруф этади.

Корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ва ассортименти, хилма-хиллиги, хом ашё етказиб берувчилар ва ҳаридорлар нархларни шакллантириш, ресурслардан тежамли фойдаланиш, кадрларни қўллаш, юқори унумли техника ва технологиядан фойдаланиш масалалари ҳал этилади.

Корхона фаолиятининг самарадорлиги ишлаб чиқаришни қуйидагича ташкил этиш шаклларига эга:

Концентрациялаш, бир жойга жамлаш;

Ихтисослаштириш;

Кооперациялаш;

Ишлаб чиқаришни мураккаблаштириш каби усуллардан фойдаланишга боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан, **корхона** бу - ҳуқуқий шахс мақомига эга, мустақл равишда хўжалик фаолияти юритувчи субъект бўлиб, ўзига тегишли бўлган мол-мулкдан фойдаланиш асосида истеъмолчилар (харидорлар) талабини қондириш ва даромад (фойда) олиш мақсадида маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқаради ва сотади ёки айирбошлайди.

Корхона – ижтимоий талабларни қондирувчи ва соф фойда олиш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқарувчи, ишлар бажарувчи, хизмат кўрсатувчи мустақил хўжалик юритувчи иқтисодиёт субъектидир.

Корхонанинг марказий ҳолати қуйидаги ҳолатларга боғлиқ:

- корхона инсон ҳаётини ташкил этишнинг асосий шаклидир. Бу эрда ходим ўзининг ижодий салоҳиятини англайди, ижтимоий ишлаб чиқаришга ҳисса қўшади; бу эрда у ўзини ўзи ва оила аъзоларини молиявий таъминлаб берганлиги учун мукофот олади;
- корхона турли хил иштирокчилар ўртасида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнида ривожланадиган ишлаб чиқариш муносабатларининг асосий субъекти вазифасини бажаради;
- корхона нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ташкилот ҳамдир, чунки унинг пойдевори шахс ва меҳнат жамоасидан иборат; корхонада жамият, мулкдор, жамоа ва ишчининг манфаатлари ўзаро боғлиқ, уларнинг қарама-қаршиликлари ишлаб чиқилган ва ҳал қилинган;
- ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширадиган корхона табиий муҳитга таъсир кўрсатиб, инсон яшаш жойининг ҳолатини белгилайди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг турли тармоқ ва соҳаларида турли хил мулкчилик шаклига эга бўлган 300 мингта хўжалик фаолияти юритувчи субъект мавжуд бўлиб, улардан қарийб 280 мингини кичик корхоналар ҳамда микрофирмалар ташкил этади. Корхоналарнинг энг катта қисми савдо ва умумий овқатланиш (34%), қишлоқ хўжалиги (41%), саноат (9,4%) ва қурилиш (56%) соҳаларида рўйхатга олинган. Жами корхоналар миқдорида нодавлат секторининг салмои катта бўлиб, 82 %ни ташкил қилади.

Замонавий корхона-мустақил ҳўжалик юритувчи субъект бўлиб, уларнинг ишлаб чиқариш воситалари ва бошқа мулклари режали иқтисодиёт шароитларидагидек давлатнинг ўзигагина тегишли бўлмайди. Шу сабабли корхоналар *мулкчилик шаклига* кўра, давлат ва нодавлат, *тармоқ белгиларига* кўра, машинасозлик, энергетика, металлургия, нефть ва газ саноати, қурилиш комплекси, озиқ-овқат, енгил саноат, савдо ва ҳоказолар, *ишлаб чиқариш миқёси ва ходимлар сонига* кўра, йирик, микрофирма ва кичик, *фаолият юритиш муддатига* кўра, узлуксиз, мавсумий ва узлукли корхоналарга бўлинади.

Бироқ ушбу белгилардан қатъи назар, деярли ҳар бир корхона **Низом** асосида фаолият юритади. Низомда корхонанинг номи, манзилгоҳи, юқори турувчи органи ва бу органнинг номи, Низом жамғармаси, банк муассасаларидаги реквизитлари, корхона раҳбариятининг лавозимлари, раҳбар шахсларнинг мажбуриятлари, тузилмавий бўлинмалар рўйхати, ҳисобот тартиби ва ҳоказолар кўрсатилган бўлади.

Агар Низомда корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий функциялари белгиланган бўлса, унинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолияти таркибига асосий ва айланма фонтлар, пул маблағлари ва бошқа активлар кирувчи **Низом жамғармасига** таянади. Низом жамғармаси қонунга асосан корхонани ташкил қилиш жараёнида муассислар - давлат, ҳуқуқий ва жисмоний шахслар томонидан шакллантирилади. Корхона ривожланиши ва ишлаб чиқаришнинг кенгайиб бориши, даромад ҳажми ва бошқа молиявий тушумларнинг ортиши натижасида Низом жамғармаси кўпайтирилиши мумкин. Умуман олганда, Низом жамғармаси корхонанинг иқтисодий барқарорлиги ва молиявий жиҳатдан бақувватлигини акс эттиради.

Корхонани турли белгиларига кўра тавсифлаш мумкин:

- *ишлаб-чиқариш ва техника муносабатларида корхона* – бу, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ва турлари, уларни тайёрлаш технологиясига миқдор ва сифат жиҳатидан мос келувчи машиналар тизими;
- *иқтисодий муносабатларда корхона* – бу, турли категориядаги ходимлар ўртасида уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари асосида юзага келувчи муносабатлар ;
- *ташкилий-ҳуқуқий муносабатларда корхона* ҳуқуқий шахс сифатида фаолият юритади;
- *молиявий-иқтисодий муносабатларда корхона* – бу, тармоқнинг мустақил бўлини бўлиб, ўз-ўзини молия билан таъминлаш, ўз-ўзини бошқариш, яъни бозор муносабатлари таъминлигида фаолият юритади.

Амалдаги қонунчиликка асосан корхона давлат рўйхатидан ўтганидан кейингина ҳуқуқий шахс сифатида тан олинади. Давлат рўйхатидан ўтиш учун биринчи ўринда қуйидаги ҳужжатлар аҳамиятга эга бўлади: муассиснинг аризаси; корхонанинг Низоми; корхонани ташкил қилиш ҳақида қарор ёки муассислар шартномаси; давлат божини тўлаганлик ҳақида қвитансия ва бошқалар.

Корхона ўзига хос бўлган маълум хусусиятларга эга:

биринчидан, корхона ўзига тегишли ва ҳўжалик бошқарувидаги хусусий мулкка эга бўлиб, ушбу мулк унинг фаолияти моддий-техникавий имкониятларини, иқтисодий мустақиллиги ва ишончилигини таъминлайди;

иккинчидан, корхона кредиторлар, жумладан, давлат билан ўзаро муносабатлардаги мажбуриятлар юзасидан ўз мулки билан жавоб бериш хусусиятига эга бўлади;

учинчидан, корхона ҳўжалик айланмасида ўз номидан ҳаракат қилиши мумкин, яъни қонунга асосан ҳўжалик фаолияти юритувчи ҳамкорлар, маҳсулот (иш, хизмат) истеъмолчилари, хом ашё ва асбоб-ускуна етказиб берувчилар ҳамда бошқа ҳуқуқий ва жисмоний шахслар билан шартнома тузиш ҳуқуқига эга;

тўртинчидан, корхона қонунчиликка асосан судда даъвогар ва жавобгар сифатида қатнашиш ҳуқуқига эга;

бешинчидан, корхона мустақил баланс ёки сметага эга бўлиб, ишлаб чиқариш ва маҳсулот савдоси харажатларини ҳисобга олиб боради ҳамда давлат органлари томонидан белгиланган тартибда ўз вақтида ҳисоботларни тақдим этади;

олтинчидан, корхона ўз номига эга бўлиб, унда корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўз аксини топади.

Хар бир корхонанинг фаолияти ишлаб чиқариш, қайта ишлаб чиқариш ва муомала жараёнларидан иборат бўлади. Корхонанинг ишлаб чиқариш соҳасидаги фаолияти - янги маҳсулотни ишлаб чиқаришга тайёрлаш ва ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришда намоён бўлади. Қайта ишлаб чиқариш соҳасидаги фаолият - ишчи кучини ёллаш, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ишлаб чиқариш воситаларини янгилаш ва кенгайтириш жараёнларида акс этади. Муомала соҳасидаги фаолият эса ишлаб чиқаришнинг моддий-техника таъминотини ташкиллаштириш, маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотиш ва фойдаланилган ишлаб чиқариш воситаларининг даромад шаклида қайтиб келишида кўзга кўринади.

Корхоналарни ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида тадқиқ этишда уни ташкил қилувчи иккита таркибий қисм - тизимнинг ўзи(корхона) ва ушбу тизим фаолият юритувчи ташқи муҳитни кўриб чиқиш лозим. Корхонанинг ички муҳити ишлаб чиқариш воситалари, пул маблағлари, ахборотлар ва инсон ресурсларидан ташкил топади.

Бозор иқтисодиёти шароитларида корхоналар **фаолиятининг асосий йўналишлари** қуйидагилар ҳисобланади:

- * бозор ва унинг ривожланиш истиқболларини комплекс равишда ўрганиш ёрдамида, харидорларнинг маҳсулот ва хизмат турларига мавжуд ва юзага келиши мумкин бўлган талабларини аниқлаш;
- * маҳсулотнинг янги моделлари ва намуналарини яратиш бўйича илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил қилиш;
- * харидорлар талабларига мос келувчи товарларни ишлаб чиқариш;
- * ишлаб чиқаришни режалаштириш, дастурлаш, мувофиқлаштириш ва молиялаштириш;
- * маҳсулотни тақсимлаш ва сотиш тизимини ташкил қилиш ва уни мукаммаллаштириш;
- * корхонанинг барча фаолиятини, жумладан, ишлаб чиқариш, сотиш, реклама, техник хизмат кўрсатиш ва ҳоказоларни бошқариш.

Албатта, замонавий корхоналарнинг кўп қиррали фаолияти юқорида санаб ўтилган йўналишлар билангина чекланиб қолмайди. Амалиётда улар фан-техника тараққиёти ва давлат томонидан амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг янги талаблари билан тўлдирилиши мумкин. Бироқ, юқорида айтиб ўтилганлардан қатъи назар, хўжалик ривожланишининг ҳар бир босқичида корхоналар фаолияти қуйидаги вазифаларни бажаришга қаратилиши зарур:

- корхона эгасининг даромад олиши;
- истеъмолчиларни ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан таъминлаш;
- ходимларни иш ҳақи билан таъминлаш;
- корхонага яқин жойларда яшовчи аҳоли учун иш жойлари яратиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;
- корхона фаолиятида тўхтаб қолишга йўл қўймаслик;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш шакллари мукаммаллаштириш;
- ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида тежамкорликка риоя қилиш.

Хўжалик фаолиятининг жорий ва истиқболдаги вазифаларини бажариш корхоналардан қуйидаги функцияларни амалга оширишни талаб қилади:

- * ишлаб чиқариш ва шахсий истеъмол учун маҳсулотларни тайёрлаш;
- * маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб бериш ва сотиш;
- * сотувдан кейин хизмат кўрсатиш;
- * ишлаб чиқаришнинг моддий-техника асосини таъминлаш;
- * ходимлар меҳнатини ташкил қилиш ва бошқариш;
- * солиқларни тўлаш, бюджетга тўланувчи ихтиёрий ёки мажбурий бадал ва тўловларни амалга ошириш;
- * амалдаги стандартлар, нормативлар ва давлат томонидан чиқарилган қонун-қоидаларга риоя қилиш.

Бу функциялар корхоналарнинг ҳажми, қайси тармоққа мансублиги, ижтимоий инфратузилманинг мавжудлиги, маҳаллий ҳокимият идоралари билан муносабатларга асосланиб аниқлаштирилади. Бугунги бозор иқтисодиёти ва фан-техника тараққиёти корхоналарнинг

амалга оширувчи функцияларини кенгайтириши ҳамда уларнинг фаолиятидаги ишлаб чиқариш кўрсаткичларини янада яхшилаш учун янги вазифалар белгилаб бериши мумкин.

Хар бир корхона бошқа корхоналардан аввало ишлаб чиқараётган маҳсулот, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг тавсифи ва миқёси, жойлашиши, миллий иктисодиётининг бошқа тармоқлари билан алоқалари ва бошқа кўрсаткичлари билан фарқ қилади. Бироқ буларнинг барчаси ишлаб чиқаришни ташкил этиш, режалаштириш ва бошқариш масалаларини хар бир корхона учун индивидуал тарзда алоҳида ишлаб чиқиш керак, дегани эмас, албатта. Алоҳида корхоналар гуруҳига нисбатан қўллаш мумкин бўлган умумий қарорларни тайёрлаш мумкинлиги назарий ва амалий жиҳатдан исботлаб берилган.

Бу билан корхоналарнинг ишлаб чиқариш, меҳнат ва бошқарувни ташкиллаштириш масалаларини бир хил типда ҳал қилиш мумкин бўлган гуруҳларини аниқлаш мақсадида уларни таснифлашнинг мақбўллигини изоҳлаш мумкин.

Корхоналарнинг энг муҳим хусусиятлари уларнинг қайси тармоққа қарашлилиги; ҳажми; ишлаб чиқаришнинг турли жабҳаларини қамраб олганлиги; ихтисослаштириш даражаси ва бир типдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш миқёси; ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш усули ҳамда уни механизациялаш ва автоматлаштириш; ташкилий-ҳукуқий шакллари прогнозлаштиришга боғлиқ бўлади.

Қайси тармоққа қарашлилигига кўра корхоналар ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш (машинасозлик, кўмир қазиб чиқариш, суғурта ва ҳоказо) соҳаларига мансуб бўлиши мумкин.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури ва кўринишига кўра, корхоналар саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, молия-кредит ва бошқаларга бўлинади.

Технологик умумийлигига кўра, корхоналар ишлаб чиқариш жараёнини узлуксиз ва дискрет равишда, кимёвий ёки механик жараёнларнинг устунлиги асосида юритувчиларга бўлинади.

Тайёр маҳсулотнинг мақсадларига кўра, барча корхоналар иккита катта гуруҳга бўлинади: ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчилар ва истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар.

Фойдаланилувчи хом ашё турига кўра, саноат корхоналари қазиб чиқарувчи ва қайта ишловчи корхоналарга тақсимланади.

Йил давомида ишлаш муддатига кўра, корхоналар мавсумий ва йил бўйи фаолият юритувчиларга бўлинади.

Ҳажмига кўра, корхоналар йирик, микрофирма ва кичик корхоналарга тақсимланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 30 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрельдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Фармонида асосан ишлаб чиқариш тармоининг ўртача йиллик ходимлари сони 20 кишигача бўлган ҳамда хизмат кўрсатиш ва бошқа ноишлаб чиқариш соҳасидаги ўртача йиллик ходимлари сони 10 кишигача бўлган; улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишидан ошмаган корхоналар **микрофирмалар** қаторига киритилади.

Кичик корхона ҳисобланади:

- енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочни қайта ишлаш, мебел саноати ва қурилиш материаллари саноатида 100 кишигача ишлайдиган;
- машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларида 50 кишигача ишлайдиган;
- фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳаси (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида 25 кишигача ишлайдиган корхоналар.

Ихтисослашув даражасига кўра, корхоналар ихтисослашган, универсал ва аралаш корхоналарга бўлинади. Ихтисослашган корхоналар қаторига номенклатураси чекланган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар, универсал корхоналар қаторига турли хил маҳсулот

ишлаб чиқарувчи корхоналар, аралаш корхоналар таркибига эса ихтисослашган ва универсал корхоналар ўртасидаги оралиқ гуруҳни ташкил қилувчи корхоналар киритилади.

Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш усулларига кўра, корхоналар ишлаб чиқаришнинг оқим, партияли ва доналаб ишлаб чиқариш усуллари устувор турувчи корхоналарга бўлиниши мумкин.

Ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш даражасига кўра, корхоналар тўлиқ ва қисман автоматлаштирилган ёки механизациялаштирилган, қўл-машина ва фақат қўл меҳнатига асосланган корхоналарга бўлинади.

Хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жараёнларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш мамлакатимизда янги ташкилий-ҳуқуқий турдаги - қўшма, ижара, ҳиссадорлик, хусусий, оилавий, кооператив ва бошқа корхоналарнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Интеграция жараёнларини амалга оширувчи корхоналар қуйидаги мақсадларни кўзлайди:

- * ресурслардан янада самаралироқ фойдаланишга эришиш;
- * кооперация асосидаги алоқаларини янгилаш ва мустаҳкамлаш;
- * мамлакатдаги корхоналарнинг ташқи бозорга чиқиши;
- * ишлаб чиқаришга инвестицияларнинг янги шакллари жалб этиш;
- * ички ва ташқи бозордаги рақобатда муваффақият қозониш мақсадида нарх ва сотиш бўйича ягона сиёсат юритиш.

Корхонани ташкил қилиш тамойиллари

Янги корхонани ташкил қилиш қуйидаги ташкилий тамойиллар асосида амалга оширилади:

- корхонани ташкил қилиш фикрининг пайдо бўлиши;
- корхона таъсисчиларини танлаш;
- таклиф қилинаётган маҳсулотга бозордаги талабни ўрганиш;
- корхона низом жамғармасини тузиш учун молия манбаларини аниқлаш;
- корхонанинг таъсис ҳужжатлари ва бизнес-режасини тайёрлаш;
- давлат рўйхатидан ўтиш;
- муҳр, штамп ва бошқа реквизитларни тайёрлаш;
- солиқ идораларида рўйхатдан ўтиш.

Ўзбекистон Республикасининг "Корхоналар тўғрисида"ги қонунига асосан, корхоналар мулк эгаси ёки у тайинлаган вакиллик идораси, меҳнат жамоаси ёки таъсисчилар гуруҳининг қарори бўйича белгиланган қонун-қоидаларга асосан ташкил қилиниши мумкин.

Корхона жорий ва ҳисоб-китоб рақамлари очиш ва улар тўғрисидаги ҳолатларни тасдиқлаш ҳуқуқига эга бўлган, муштарак ҳуқуқий шахс мақомидаги шўба корхоналари, филиаллар, ваколатхоналар, бўлим ва бошқа ташкилий бўлинмаларни ташкил қилиши мумкин.

Корхона қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда маҳсус давлат идораларидан рўйхатга олинган кундан бошлаб ташкил қилинган ҳисобланади ва ҳуқуқий мақомга эга бўлади.

Янги корхона ташкил қилишдан асосан қуйидаги мақсадлар кўзланади:

- истеъмолчилар талаб қилаётган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уни сотишдан фойда олиш;
- ишлаб чиқаришга иш билан банд бўлмаган аҳолини жалб қилиш ва шу орқали иш билан таъминлашдаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш;
- ишлаб чиқаришга мавжуд қўшимча ресурсларни жалб қилиш;
- фан-техника ютуқларидан фойдаланган ҳолда янги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш;
- яқка тарзда ёки ҳамкорликда фаолият юритиш учун кичик корхона ташкил қилувчи алоҳида фуқаролар ёки шахслар гуруҳи аъзоларининг шахсий эҳтиёжларини қондириш
- ишлаб чиқаришни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳамда бозор муҳитини кенгайтириш.

Таъсис хужжатларини тайёрлаш корхонани ташкил этиш ва кейинги фаолият юритиш жараёнидаги муҳим босқичлардан бири ҳисобланади. Таъсис хужжатлари фаолият юритувчи корхоналарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда шароитларини ифодалайди.

Корхоналар фаолиятини тартибга солишчи қонун хужжатларида икки хил таъсис хужжатлари белгилаб берилган:

1. Корхона Низоми;
2. Таъсис шартномаси.

Таъсис хужжатлари

Низом асосида ёки факат таъсис шартномаси асосида, бир вақтнинг ўзида Низом ва таъсис шартномасига асосан фаолият юритиш мумкин.

Корхонанинг таъсис шартномаси қилинув асосида тузилади, Низом эса таъсисчилар томонидан тасдиқланади.

Корхона Низоми асосий таъсис хужжати бўлиб, унда корхонанинг ташкилий ҳуқуқий шакли, номи ва манзилгоҳи, Низом жамғармасининг микдори, даромадларининг таркиби ва тақсимланиш тартиби ҳамда корхона фондларини ташкил қилиш тартиби, корхонани тугатиш ва қайта ташкил қилиш тартиби қўрсатилиши шарт. Корхона Низоми унинг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради. Корхона тўғри ва тўлиқ тайёрланган Низом асосида маҳаллий ҳокимият идораларида рўйхатга олинади, кейин ўз муҳрига эга бўлади ва бошқа ҳисоб рақами очиш ҳуқуқини қўлга киритади. Ўз муҳри ва ҳисоб рақамига эга бўлмаган корхона ҳуқуқий шахс ҳисобланмайди ва мустақил корхоналар қаторига кирмайди.

Таъсис шартномаси корхонанинг ташкил қилиниши ва яқка тарзда ёки ҳамкорликдаги фаолиятининг бошланишини тавсифловчи хужжатдир.

Таъсис шартномасида корхонани ташкил қилиш тартиби, даромад ва харажатларни қатнашчилар ўртасида тақсимлаш шартлари, иштирокчиларни корхона таркибидан чиқариш фаолият тартиби белгилаб қўйилади.

Корхона мулкни шакллантириш ва ундан фойдаланиш Низом ва Таъсис шартномасининг муҳим қисми ҳисобланади.

"Корхоналар тўғрисида"ги қонунга асосан қуйидагилар корхона мулкни шакллантиришнинг манбалари ҳисобланади:

- "таъсисчиларнинг пул ва моддий қўринишдаги бадаллари;
- "махсулот сотишдан ва бошқа турдаги фаолиятдан олинган даромадлар;
- "қимматбаҳо қоғўзлардан олинган даромадлар;
- "банклар ва бошқа кредиторлардан олинган кредитлар;
- "бюджетдан олинувчи маблағлар (дотация), капитал қўйилмалар;
- "корхона, ташкилот ва фуқароларнинг бегараз ва хайрия бадаллари, шунингдек,
- "алмашиш, мерос ва совға тариқасида олинувчи мулк;
- "қонун билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Корхона жойлашган манзилгоҳи бўйича давлат идораларида рўйхатга олинган қондан бошлаб ташкил қилинган ҳисобланади, хужжатлар 10 қон мобайнида Молия вазирлигига ягона давлат реестрига қиритиш учун тақдим этилади.

Республикада охириги йилларда қичик бизнес ва хусусий корхоналар фаолиятини ривожлантириш ва унинг самарали фаолият қўрсатишини таъминлашга қаратилган қулай ҳуқуқий муҳитни шакллантириш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш механизмларини имкон қадар соддалаштириш мақсадида қатор қонунлар қабул қилинди, мавжудларига ўзгартиришлар қиритилиб, янада такомиллаштирилди.

Хозирда Республикада қичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнидаги муносабатларини тартибга солишчи бир қатор қонун хужжатлари мавжуд. Жумладан:

" Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси (44 - модда).

" Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни (17, 18 - моддалар);

" Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрдаги "Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги қонуни (19, 49 - моддалар);

" Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги 2003 йил 20 августдаги 357 - сон қарори;

" Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 22 мартдаги "Хукукий шахслар бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги 153 - сон қарори;

" Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 июлдаги Ўзбекистон Республикасида "Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисида"ги 336 - сон қарорини айтиб ўтишимиз мумкин.

Корхонани давлат рўйхатидан ўтказишда куйидаги ҳужжатлар рўйхати қонун билан катъий белгилаб қўйилган. Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун куйидаги 7та ҳужжат талаб этилади:

" давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза;

" низом ва таъсис шартномасининг нотариал тасдиқланган икки асл нусхаси, агар жамият бир шахс томонидан таъсис этилган бўлса, у томонидан ва нотариал тасдиқланган низом;

" туман (шаҳар) ҳокимлиги ваколатли орган томонидан берилган фирма номи тўғрисидаги гувоҳнома;

" муҳр ва штамп эскизлари уч нусхада;

"мутахассисларнинг ҳар бири томонидан таъсис ҳужжатларида кўрсатилган ўз улушининг камида 30 фоизи низом фондига қўшилганлигини тасдиқловчи банкнинг маълумотномаси.

Тадбиркорлик субъектининг низом фонди ёки унинг бир қисми мулкый улуш (кўчмас мулк, асбоб-ускуналар, бошқа мол-мулклар) ёки интеллектуал мулк ҳисобига шакллантирилган тақдирда банк маълумотномаси талаб этилмайди, таъсис ҳужжатларида низом фондини шакллантириш манбалари кўрсатилиши муассислар ниятининг тасдиғи ҳисобланади.

Хукукий шахслар бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун куйидаги 5 та ҳужжат талаб этилади:

- давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза ва белгиланган шаклда тўлдирилган рўйхатга олиш картаси;

- бирлашма низоми ва таъсис шартномасини тасдиқлаш тўғрисидаги таъсис йиғилиши (конференцияси) баённомаси;

- бирлашма низоми ва таъсис шартномасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;

- бирлашма почта манзилини тасдиқловчи ҳужжат;

- рўйхатдан ўтказиш йиғими тўланганлигини тасдиқловчи банк тўлов ҳужжати.

Низом фонди тўлик хорижий инвесторлар томонидан шакллантириладиган корхоналар, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва хорижий сармоя иштирокидаги бошқа ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун эса куйида келтирилган 7 та ҳужжат талаб этилади:

" давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза;

"хорижий муассис тўғрисида хукукий шахс рўйхатдан ўтказилган жойдаги савдо реестридан кўчирма ва Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси томонидан белгиланган тартибда легализация қилинган, булар мавжуд бўлмаган тақдирда, муассис рўйхатдан ўтказилган давлат Ташки ишлар вазирлигида, мазкур мамлакатнинг Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасасида ёки дипломатик ваколатхонасида легализация қилинган, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлигининг Консуллик бошқармасида тасдиқланган банкнинг тавсия хати (Ўзбекистон Республикасида доимий яшамайдиган жисмоний шахслар банкнинг тавсия хати ва ўз паспортларига оид маълумотлар нусхасини тақдим этадилар);

" корхона таъсис ҳужжатлари (Низом ва таъсис шартномаси)нинг нотариал тасдиқланган йиғими тўланганлиги тўғрисида банк тўлов ҳужжати;

" шаҳар (туман) хокимликларининг ваколатли органлари томонидан берилган фирма номи тўғрисидаги гувоҳнома;

" муҳр ва штамп эскизлари (уч нусха).

Корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўлимига шахсан ёки почта орқали топширилиши мумкин. Давлат рўйхатидан ўтиш учун корхонани ташкил қилиш тўғрисидаги қарор, корхона Низоми (таъсис шартномаси) ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб берилувчи ҳужжатлар тақдим этилади. Рўйхатга олиш 30 кун мобайнида амалга оширилиши лозим.

Рўйхатга олиш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

- " корхонани рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза;
- " таъсис шартномаси ёки корхонани ташкил қилиш тўғрисидаги қарор;
- " корхона Низоми;
- " таъсис шартномаси ёки корхонани ташкил қилиш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган Низом жамғармасининг камида 50% миқдоридаги қисми тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- " Давлат божини тўлаганлик ҳақида гувоҳнома;
- " Монополияга қарши муассасанинг корхонани ташкил қилишга розилигини тасдиқловчи ҳужжат;
- " Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси ёки унинг қуйи идоралари розилиги ҳақидаги ҳужжат.

Ишлаб чиқаришнинг барқарор эмаслиги, молиявий қийинчиликлар, сурункали зарар кўриш ва тўлов қобилиятининг йўқолиши корхоналарни тугатиш ёки қайта ташкил қилишга асосий сабаб.

Корхонани тугатиш ва қайта ташкил этиш (бирлаштириш, қўшиш, бўлиб юбориш, ажратиш, қайтадан тузиш), корхона мол-мулки эгасининг ёки шундай корхоналарни тузишга ваколатли бўлган идоралар қарорига биноан, ёхуд суд ёки хўжалик судининг қарорига биноан амалга оширилади. Синган корхоналарни тугатиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.


1. Корхона олти ой мобайнида молиявий - хўжалик фаолиятини амалга оширмаган тақдирда тугатилади ва солиқ органлари тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикасининг Адлия Вазирлиги ҳамда жойлардаги давлат ҳокимияти органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар рўйхатидан чиқарилади.

2. Корхонани қайта ташкил этиш ва тугатиш чоғида ишдан бўшатилаётган ходимларга Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя этилишига кафолат берилади.

3. Корхона давлат рўйхати реестридан чиқариб юборилган пайтдан бошлаб қайта ташкил этилган ёки тугатилган ҳисобланади.

4. Корхона бошқа корхона билан қўшилган тақдирда мазкур корхоналарнинг ҳар бирига тааллуқли барча мулкӣ ҳуқуқлар ва мажбуриятлар қўшилиши натижасида вужудга келган корхонага ўтади. Бир корхонанинг бошқа бир корхонага қўшилиши чоғида унинг барча мулкӣ ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қўшиб олган корхонага ўтади.

5. Корхона бўлиб юборилган тақдирда қайтадан ташкил этилган корхонанинг мулкӣ ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ана шу бўлиб юбориш натижасида вужудга келган янги корхоналарга бўлиб юбориш ҳужжатлари (баланси)га мувофиқ тегишли қисмларда ўтади. Корхонадан битта ёки бир нечта янги корхонани ажратиб чиқариш чоғида қайтадан ташкил этилган корхонанинг мулкӣ ҳуқуқлари, мажбуриятлари бўлиб юбориш ҳужжати (баланси)га мувофиқ тегишли қисмларда уларнинг ҳар бирига ўтади.



1.1 - расм. Банкрот корхонага нисбатан қўлланиладиган тадбирлар

6. Бир корхонани бошқа корхона қилиб ўзгартириш чоғида аввалги корхонанинг барча мулкӣ ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қайтадан ташкил этилган корхонага ўтади.

Корхонани тугатишни, мулкдор ёки мазкур мол-мулкни бошқаришга ваколатли орган тузадиган тугатиш комиссияси амалга оширади, банкротлик ҳоллари бундан мустасно. Хўжалик суди томонидан хўжалик юритувчи субъект банкротлиги тўғрисида қарор қабул қилинганда тугатиш комиссиясини шакллантириш ва унинг ишлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг "Банкротлик тўғрисидаги қонуни" билан белгиланади.

Банкрот корхоналарни қайта ташкил этиш куйидаги тартибда амалга оширилади:

"Корхонани тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган мулкдор суд (хўжалик суди) ёки корхонани барпо этишга ваколатли бўлган идора тугатиш тартиби ва муддатини, шунингдек қарз берганларнинг даъво қилиш муддатларини белгилайди. Бу муддат тугатиш эълон қилинган кундан бошлаб икки ойдан кам бўлмаслиги керак.

«Тугатиш комиссияси ёки корхонани тугатишни амалга ошираётган бошқа идора, корхона жойлашган ердаги расмий матбуотда уни тугатиш ва қарз берганларнинг даъволарини қабул қилиш тартиби ва муддати тўғрисида эълон беради. Тугатиш комиссияси (тугатишни амалга ошираётган идора) ана шу эълон билан бир қаторда корхонага дебиторлик қарзини ундириб олиш ва қарз берганларни корхона тугатилганлигидан хабардор қилиб, уларнинг даъволарини аниқлаш ишларини бажариши шарт.

"Тугатиш комиссияси (тугатишни амалга ошираётган идора) тугатилаётган корхонанинг мол-мулкни баҳолайди ва қарз берганлар билан ҳисоб-китоб қилади, тугатиш балансини тузади ва уни эгалик қилувчига ёки тугатиш комиссиясини тайинлаган идорага тақдим этади. Тугатиш комиссияси ўз айби билан етказилган зарар учун жавобгар бўлади. Зарарни ундириб олиш миқдорлари ва тартибини хўжалик суди белгилайди.

Қарз берганларнинг даъволарини кондириш.

Тугатилаётган корхонага қарз берганларнинг даъволари ана шу корхонанинг мол-мулкдан кондирилади. Бунда биринчи навбатда бюджет олдидagi қарзлар кондирилади ва тугатилаётган корхона тасарруфида бўлган ерларни қайтадан тиклаш харажатлари копланadi. Кредиторлар даъволарини кондириш тартиби ва навбати ҳамда банкрот бўлган хўжалик юритувчи субъектнинг мол-мулкни тақсимлаш Ўзбекистон Республикасининг "Банкротлик тўғрисида"ги қонуни билан белгиланади. Гаров қўйган ҳуқуқий шахс корхона қайта ташкил этилган ёки тугатилган ҳолда, гаров билан таъминланган мажбуриятларни бажариш муддатидан катъий назар, гаровдаги мол-мулкдан ҳақ ундириш ҳуқуқини олади.

1. Даъво қилиш учун белгиланган муддат ўтгандан кейин аниқланган ва қилинган даъволар биринчи навбатдаги даъволар, шунингдек, белгиланган муддатда маълум қилинган даъволар кондирилгандан кейин корхонанинг қолган мол-мулкдан кондирилади.

2. Мол-мулк етишмаганлиги учун кондирилмаган даъволар бекор қилинган деб ҳисоб қилинади. Тугатиш комиссияси (тугатишни амалга оширган идора) тан олмаган даъволар ҳам, агар қарз берувчилар даъвони тўла ёки қисман тан олмаслик тўғрисидаги хабарни олган кундан эътиборан бир ой муддат ичида ўз талаблари кондирилиши тўғрисида суд ёки хўжалик судига даъво қилмаган бўлсалар бекор қилинган деб ҳисобланади.

3. Корхонани тугатиш чоғида фуқарога шикастланганлиги ёки саломатлигига бошқа хил зарар етганлиги ёхуд ўлими муносабати билан шу корхонадан ундириладиган вақтинчалик тўловларга пул ажратилади.

4. Корхонани тугатиш чоғида меҳнат жамоаси аъзосининг кўшган хиссаси қарз берганларнинг даъволари низомда кўзда тутилган шартлари асосида белгиланган ва тартибда кондирилгандан сўнг унга пул шаклида ёки қимматли қоғозлар билан берилади.

5. Қарз берганларнинг ва меҳнат жамоаси аъзоларининг даъволари кондирилгандан кейин қолган мол-мулкдан мулкдорнинг кўрсатмасига биноан фойдаланилади.

6. Корхона қайтадан ташкил этилганида унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонуний ворисларига ўтади.

Саноат - моддий ишлаб чиқаришнинг энг йирик, етакчи тармоғидир. Унда меҳнат қуроллари (воситалари), меҳнат буюмлари ва халқ истеъмол товарларининг кўпчилик қисми яратилади; машина ва механизмларнинг барча турлари, бино ва иншоотларнинг конструктив элементлари ишлаб чиқарилади; ер ости бойликлари қазиб олиш амалга оширилади; минерал, ўсимлик ва хайвон ҳом ашёсига ишлов берилади, кенг истеъмол моллари тайёрланади ва х.к.лар.

Саноат миллий иқтисодиётининг барча тармоқларини ишлаб чиқариш воситалари, меҳнат қуроллари билан таъминлайди. Миллий иқтисодиёт, фан, маориф, маданият, соғлиқни сақлаш, спорт, туризм ва бошқа соҳалар ривожини саноатнинг тараққиёт даражасига боғлиқ.

Саноат жамиятнинг етакчи кучи бўлган ишчилар синфини ўзида бирлаштиради. Саноат ривожини туфайли унда банд бўлган ходимларнинг сони кўпаяди, уларнинг билими ва илми, маҳорати ортади, кадрлар салоҳияти юқори даражага кўтарилади.

Саноат соҳасида меҳнатни ижтимоий ташкил этишнинг энг олий тури бўлган концентрациянинг юқори даражаси ва шу асосда ижтимоий ишлаб чиқаришни уюштиришнинг илғор усуллари - маҳаллийлаштириш, ихтисослаштириш ва диверсификациялаш, кооперативлаштириш ва комбинациялаштириш соҳасида устунлик қилади.

Саноат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни қайта кўришнинг негизи ҳисобланади. Уни янги техника билан таъминлаш орқали фермер, ширкат, деҳқон хўжалиқларини ва бошқа шаклларда фаолият кўрсатаётган субъектларни иқтисодий ва маданий жиҳатдан юқори даражага кўтаришга, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муҳим тафовутларни йўқотишга, деҳқон меҳнатини индустриал меҳнатга айлантиришга ёрдам беради.

Саноат мамлакат мудофаа қобилиятининг моддий манбаи, дунёда тинчликни сақлашнинг муҳим омили, мамлакатлар мустақиллигини ва бирдамлигини таъминловчи муҳим соҳадир.

Феодализм тузумининг бошларида (VI-VIII асрларда) Фарғона билан Сўхда олтин, мис, темир, Илокда кўрғошин, қумуш, олтин, Шахрисабзда тоштуз қазиб чиқарилган.

Иккинчи жаҳон урушигача 500 дан ортиқ саноат корхоналари, жумладан, "Ташселмаш", Тошкент тўқимачилик комбинати, Чирчик электрокимё комбинати, Каттакўрғон ёғ заводи, Бекобод ва Куvasой цемент корхоналари қурилди. Нефть ва рангли нодир металллар қазиб чиқариш, қурилиш саноати маҳсулотларини тайёрлаш ривож топди.

2. Корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида хусусий мулк мулкчилиги шаклининг бошқа кўринишлари билан бир қаторда дахлсизлиги ва давлат томонидан муҳофаза қилиниши белгилаб қўйилган. Янги қонунчилик ҳужжатларида янги иқтисодий тушунча - корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли тушунчаси киритилган.

Корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари бу бозорда корхоналар фаолиятининг ҳуқуқий шартлари. Ҳуқуқий шаклларнинг хилма-хиллиги тадбиркорлик фаолияти учун капитални жалб қилиш усуллари диверсификация қилиш, шунингдек корхоналарни ҳар хил жавобгарлик шаклларида ҳимоя қилиш, шунингдек, бажарилаётган ишларнинг хавфлилигига, рақобат даражасига, бозорга кириш тактикасига қараб бозорда турли хил ҳаракатларни амалга оширишга имкон беради.

Корхоналарнинг қонун ҳужжатлари ва бошқа хўжалик ҳуқуқи нормаларида кўзда тутилган мулкчилиги шакли, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури ва ҳажми, капиталнинг

шаклланиши, турли хил фирмалараро уюшмаларга аъзо бўлиш усуллари ва олиб боровчи рақобатчилик курашлари билан фарқ қилувчи фаолият тавсифи ва мазмунига боғлиқ бўлган структуравий тузилишининг усул ва кўринишлари **хўжалик юритишнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини** ифодалайди.

Хозирги замон шароитларида давлат, муниципал, жамоа, индивидуал (оилавий, хусусий) турдаги корхоналар мавжуд бўлиб, улар ўзларига бириктириб қўйилган мулк тавсифи ёки тезкор (оператив) бошқарув ҳуқуқига кўра ҳам таснифланади.

Хўжалик фаолияти юритувчи ҳар бир субъект бир қатор ҳуқуқларга эга бўлиб, булар бир томондан, уларнинг ички ташкилотчилигини аниқлаб берса, иккинчи томондан, жисмоний ва ҳуқуқий шахслар ҳамда давлат билан ўзаро муносабатларини амалга оширишга кўмаклашади.

Корхоналар ҳуқуқий шаклининг ҳар бир кўринишида уларнинг эгалари, яъни хусусий мулк эгалари, корхона билан турли даражадаги алоқада бўладилар. Масалан, очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти эгалари корхона мулкнинг бир қисмигагина эгалик қилиш ҳуқуқига эгалар ҳамда бошқарув функцияларини амалга оширишда ҳам ўз акциялари микёсида иштирок этадилар.

Хўжалик ўртоқликларида (жамиятларида) эса мулк эгаси ва мулк яқинлаштирилган бўлиб, корхонани бошқаришда уларга бевосита иштирок этиш имконияти яратиб берилган.

Кенг тарқалган корхона шаклларида бири хўжалик ўртоқликлари бўлиб, улар ишонч асосидаги тўлиқ ўртоқлик (коммандит ўртоқлиги) кўринишида ташкил қилиниши мумкин.

Қонунга асосан иштирокчилари имзоланган шартномалар бўйича тадбиркорлик фаолияти юритувчи ҳамда уларга тегишли мулк жавобгарлигига эга бўлган ўртоқликлар - тўлиқ ўртоқликлар ҳисобланади.

Коммандит ўртоқлиги бир нечта фуқаролар ёки ҳуқуқий шахсларнинг ўзаро хўжалик фаолияти юритиш мақсадидаги шартномалар асосида бирлашуви натижасида пайдо бўлади.

Жамиятларнинг кўпчилигида капиталлар бирлаштирилган бўлади. Масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилиб, Низом жамғармаси ҳужжатларда (Низом ва таъсис шартномаси) белгилаб қўйилган улушларга бўлинган бўлади. Бундай жамият муассислари жамиятнинг мажбуриятлари учун жавобгар бўлмайдилар ҳамда жамият фаолиятида ўзлари киритган улушлар доирасида зарар кўришлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасида очиқ ва ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари мустақилликка эришилгандан кейин кенг фаолият кўрсатмоқда. Низом жамғармаси акцияларга тақсимланган жамият ҳиссадорлик жамияти ҳисобланади. Ҳиссадорлик жамияти аъзолари жамиятнинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар, бироқ ўзларига тегишли бўлган акциялар қиймати доирасида зарар кўришлари мумкин.

Ҳиссадорлик жамиятларининг ижобий жиҳатлари қаторига қуйидагилар киради: акциядорлик капиталининг тенг тақсимланган, эркин муомаладаги улушлар - акцияларга тақсимланиши; акциядорлар жамият мажбуриятлари учун жавобгарлигининг акциялар қиймати ҳажмида чекланганлиги; акциядорлик капиталининг ҳажми ва аъзолар сонини осонлик билан ўзгартириш имконини берувчи Низом асосида бирлашиш; умумий бошқарув вазифаларининг хўжалик фаолиятини бошқариш вазифаларидан алоҳида юритилиши ва ҳоказолар.

Иқтисодиётимиз олдида турган асосий вазифалардан бири саноат ишлаб чиқаришини жаҳон иқтисодиётида ўз ўрнига эга бўлган рақобатбардош корхоналар ташкил қилиш мақсадидаги тузилмавий қайта қуришдан иборат. Бунинг учун интеграция ҳамда турли ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхоналарни вақтинчалик ёки доимий равишда кооперация ёки концентрация асосида бирлаштириш амалга оширилади.

Кооперация жараёнида концерн, консорциум, хўжалик ассоциацияси каби ташкилий шакллар вақтинчалик ёки доимий равишда тузилиши мумкин. Ушбу тузилмавий бирликларининг моҳиятини қисқача кўриб чиқамиз.

Концерн умумий манфаатларга эга ҳамда шартномалар, капитал ва қўшма фаолиятда иштирок этиш билан боғлиқ бўлган корхоналарнинг йирик бирлашувини акс эттиради.

Консорциум компания ва банкларнинг вақтинчалик бирлашуви натижасида, йирик капитал талаб қилувчи лойиҳаларни амалга ошириш ёки маблағни биргаликда жойлаштириш

мақсадлари учун умумий келишувлар асосида юзага келади. Консорциум буюртмачилар олдидаги мажбуриятлар учун жавобгар ҳисобланади.

Хўжалик ассоциацияси жисмоний ёки ҳуқуқий шахсларнинг ўзаро ҳамкорлик юритиш мақсадида кўнгилли равишда бирлашувини англатади ва унда бирлашувга кирувчи субъектлар ўз мустақиллигини сақлаб қоладилар.

Корпорациялар умумий мақсадларга эришиш, ҳамкорликда фаолият юритиш мақсадида бирлашиб, мустақил ҳуқуқий субъект - ҳуқуқий шахсни ташкил қилувчи шахслар йиғиндисини тавсифлайди. Кўпинча улар акциядорлик (ҳиссадорлик) жамиятлари шаклида ташкил қилинади.

Корхоналарнинг концентрация асосида бирлашуви картел, синдикат, холдинг ва молия-саноат гуруҳлари кўринишида амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш соҳасидаги **картеллар** ишлаб чиқариш масалалари, нархлар, товарларни сотиш, ишчи кучини ёллаш ва шу каби масалалар бўйича келишувга асосланиб фаолият юритади.

Интеграциянинг бу шаклида корхоналар мустақилликни сақлаб қолган ҳолда кооперация асосида бирлашадилар.

Синдикат – тижорат фаолиятини (таъминот, сотиш, нархнинг пайдо бўлиши) ҳамкорликда ташкил қилишга асосланган бирлашмадир. Синдикат таркибига кирувчи корхоналар ҳуқуқий ҳамда хўжалик юритиш мустақилликларини сақлаб қоладилар.

Трестлар юқори даражада марказлашганлиги билан ажралиб туради. Унинг таркибига кирувчи корхоналар ишлаб чиқариш, тижорат ва ҳуқуқий мустақилликларини йўқотиб, ягона режа асосида фаолият юритади.

Холдинглар иштирокчиларнинг молиявий имкониятларини бирлаштириш ва мувофиқлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватлари билан ваизифаларни тезкор равишда амалга ошириш имконини берувчи бошқарувнинг самарали шаклини ифодалайди.

Якка тартибдаги тадбиркорлик

Ҳар қандай фуқаро юридик шахс ташкил қилмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. Бунинг учун фақат якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш талаб қилинади. Якка тартибдаги бизнес эгаси ўз мажбуриятлари учун мол-мулк билан шахсан жавобгар бўлади. Бу кичик дўконлар, хизмат кўрсатиш корхоналари, фермер (фермер) хўжаликлари, шунингдек юристлар ва шифокорларнинг касбий фаолияти учун кўплаб ташкилотлар учун энг кенг тарқалган бизнес шакли. Якка тартибдаги тадбиркорлар турли хил бизнес операцияларини амалга оширадилар ва ўз номларидан тижорат битимларини тузадилар. Шахсий бизнес эгаси фуқаролар учун фақат даромад солиғини тўлайди, чунки юридик шахс эмас.

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уларнинг фаолияти тўғрисида ҳисобот ошкор қилинмайди, шунинг учун уларнинг ҳақиқий аҳволи тўғрисида ишончли маълумотлар ҳар доим ҳам мавжуд эмас. Уларнинг бизнес шериклари учун, айниқса биринчи марта алоқада бўлганлар учун, бундай шерикнинг тўлов қобилияти ва ишончилигини текшириш осон эмас.

Чет элда бизнесдаги якка тартибдаги тадбиркорлар:

шахсий мулкчилик (АҚШ); якка тадбиркорлик (Канада, Буюк Британия); Eynzelunternehmung (Германия); Entreprise individuelle (Франция).

Ҳозирги вақтда турли шериклик фаолияти сезиларли ривожланишга эга -бизнес бирлашмалари.

Тўлиқ шериклик

Тўлиқ шериклик бу шерикчилик номидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ва ўз мажбуриятлари учун тегишли бўлган мулкка нисбатан жавобгар бўлган улар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ бир нечта фуқароларнинг биргаликдаги фаолият учун бирлашмасидир.

Тўлиқ шериклик иштирокчиларининг сони чекланмаган. Аммо одатда бу кичик корхона (2-4 иштирокчи). Улар тўлиқ шериклар деб аталади ва шартномага мувофиқ шахсан шерикликда

иштирок этишлари керак. Фойда ва зарарлар қатнашчилар ўртасида уларнинг қўшма капиталдаги улушига мутаносиб равишда ёки шартноманинг бошқа шартларига мувофиқ тақсимланади.

Тўлиқ шериклик юридик шахс эмас, шунинг учун ҳар бир тўлиқ шерик умумий мақсадга эришиш учун бошқалар билан келишган ҳолда мустақил ҳуқуқ субъекти сифатида ишлайди. Кредиторларнинг даъволари нафақат ишда инвестиция қилинган мол-мулкка, балки унинг барча иштирокчиларининг шахсий мулкига ҳам тааллуқли бўлиб, улар ҳар қандай иштирокчига тақдим этилиши ва унинг барча мулкига мурожаат қилиниши мумкин.

Тўлиқ шерикликнинг ишлаши учун бундай шароитлар, бир томондан, бизнес шерикларига битимнинг пухталигига ишончни кучайтиради, бошқа томондан эса бозорга киришга ёрдам беради.

Тўлиқ ширкатнинг фирма номи унинг барча қатнашчиларининг исмларини (исмларини) ва "тўлиқ шериклик" сўзларини ёки "ва компания" ва "тўлиқ шериклик" сўзларини қўшган ҳолда бир (ёки бир нечта) номини ўз ичига олиши керак.

Хорижий мамлакатларда тўлиқ шериклик қуйидаги номларга эга: умумий ҳамкорлик (АҚШ); Чексиз ҳамкорлик (Буюк Британия); Оффен Ханделсгеселсчафт (Германия); Сосиете эн ном коллективи (Франция).

Коммандит ширкат (буйруқ ширкати) шундай шартнома муносабатлари билан тавсифланади, бунда баъзилар шериклик номидан тадбиркорлик фаолиятида қатнашадилар ва ўз мол-мулклари (тўлиқ шериклар) билан биргаликда ва бир нечта жавобгар бўлади, бошқалари (коммандитлар) эса фақат ўз мол-мулклари билан қатнашадилар, таваккал қиладилар ва жавобгар бўлади. омонатларидаги ёқотишлар ва шерикликда қатнашмаслик.

Коммандит шериклик тузилиб, барча тўлиқ шериклар томонидан имзоланган ассотсиация тўғрисидаги меморандум асосида ишлайди. Унда шерикликнинг устав капиталини шакллантириш ва ўзгартириш шартлари, шунингдек фойда ва зарар тақсимоли бўлиши керак.

Компаниянинг номи тўлиқ шериклик номи билан бир хил тарзда, "имонда шериклик" ёки "буйруқ шериклик" сўзлари қўшилган ҳолда шакллантирилган.

АҚШ ва Буюк Британияда бундай корхоналар тўлиқ шериклик деб номланади, Германияда - Коммандит-геселсчафт, Францияда - Сосиете эн сомандите оддий.

Тўлиқ ва буйруқли шериклик одатда кичик компаниялар бўлиб, уларнинг молиявий фаолияти тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш талаб этилмайди.

Масъулияти чекланган жамият

Масъулияти чекланган жамият бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг энг кенг тарқалган ҳуқуқий шаклларида биридир. Бу фуқаролар ва (ёки) юридик шахсларнинг биргаликдаги иқтисодий фаолият учун бирлашмаси. Жамиятнинг таъсис ҳужжатлари унинг таъсисчилари томонидан имзоланган таъсис шартномаси ва тасдиқланган низомдир.

3. Технологик кўрсаткичлар маҳсулот ишлаб чиқариш ва таъмирлашда юқори меҳнат унумдорлигини таъминлаш учун дизайн ва технологик эчимларнинг самарадорлигини тавсифлайди. Ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва ишлатиш жараёнида оммавий ишлаб чиқариш, материаллар, маблағлар, меҳнат ва вақт харажатларини оқилона тақсимлашга эришиш мумкин.

4. Стандартлаштириш ва бирлаштириш кўрсаткичлари - маҳсулотларни стандарт, бирлаштирилган ва оригинал компонентлар билан тўйинганлиги. Асл маҳсулотлар қанча кам бўлса, ишлаб чиқарувчи ҳам, истеъмолчи учун ҳам шунча яхши бўлади.

5. Эргономик кўрсаткичлар - инсоннинг маҳсулот билан ўзаро муносабати ва маҳсулотни ишлатишда намоён бўладиган инсоннинг гигиеник, антропометрик, физиологик хусусиятлари тўплами.

6. Эстетик кўрсаткичлар - маълумотнинг экспрессивлигини, шаклнинг ратсионаллигини, композитсиянинг яхлитлигини, маҳсулотни тақдим этишнинг мукамаллигини ва барқарорлигини тавсифлайди.

7. Ташиш қобилиятининг кўрсаткичлари - маҳсулотларнинг транспортга мослашишини англатади.

8. Патент ҳуқуқи кўрсаткичлари - маҳсулотларнинг патент софлигини тавсифлайди ва рақобатдошликни аниқлашда муҳим омил ҳисобланади.

9. Ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш экологик хавфли бўлмаганда, одатда, масалан, телевизорлар, компакт-дисклар мавжуд бўлганда атроф-муҳит кўрсаткичлари умуман бўлмаслиги мумкин. Бу маҳсулотни ишлатиш ёки истеъмол қилиш пайтида юзага келадиган зарарли атроф-муҳит таъсирининг даражаси.

10. Хавфсизлик кўрсаткичлари - харидор ва техник хизмат кўрсатадиган ходимларнинг хавфсизлиги хусусиятларини тавсифлайди, яъни улар маҳсулотларни ўрнатиш, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, сақлаш, ташиш, истеъмол қилиш пайтида хавфсизликни таъминлайди.

Сифат соҳасидаги илғор маҳаллий ва хорижий корхоналарнинг замонавий сиёсати унинг ўзаро боғлиқлиги ва корхонанинг умумий сиёсатидан ажралмаслигидир. Товар сифатини ошириш стратегияси корхона стратегиясининг ажралмас қисмидир.

Калитли сўзлар

Ишлаб чиқариш, ижтимоий ишлаб чиқариш, ихтисослаштириш, йириклаштириш, комбинациялашган, оптимал ишлаб чиқариш, тармоқ, тамойил.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Ишлаб чиқариш жараёни тушунчаси ва моҳияти.
2. Корхонанинг ишлаб чиқариш тизими ва унинг асосий элементлари нималардан иборат?
3. Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш тамойилларини сананг.
4. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш принципларини ифодаланг.
5. Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш деб нимага айтилади?
6. Ихтисослаштиришнинг асосий шакллари қайсилар?
7. Ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш асосида самарадорликни оширишнинг энг муҳим масалалари нималардан иборат?
8. Ишлаб чиқаришни йириклаштириш деб нимага айтилади?
9. Йириклаштиришнинг афзалликлари ва камчиликлари?
10. Комбинациялаштириш деб нимага айтилади?
11. Оптимал ишлаб чиқариш ҳажми ва сотиш афзалликлари.
12. Ўртача йиллик кувватининг формуласини ифодалаб беринг.
13. Ишлаб чиқариш куввати омилларини таърифланг.
14. Ишлаб чиқариш куввати нималар қиради?
15. Маҳсулот сифатига тушунча беринг.

3-мавзу. Корхонанинг асосий фондлари ва ишлаб чиқариш қувватлари

1. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг иқтисодий моҳият ва аҳамияти
2. Асосий фондлар амортизацияси ва емирилиши
3. Асосий ишлаб чиқариш фондлардан фойдаланиш кўрсаткичлари
4. Асосий ишлаб чиқариш фондлардан фойдаланишни яхшилаш йўналишлари

1. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг иқтисодий моҳият ва аҳамияти

Асосий ва айланма фондлар корхона, тармоқ ва бутун миллий иқтисодиётининг ишлаб чиқариш фондларини ташкил этади.

Ишлаб чиқариш фондларининг асосий ва айланма фондларга бўлиниши асосида ишлаб чиқариш воситаларининг меҳнат воситаларига ҳамда меҳнат буюмларига бўлиниши ва уларнинг ишлаб чиқариш жараёнларида турлича қатнашуви ётади. Асосий ва айланма фондларнинг сифат таърифи қуйидаги жадвалда келтирилган.

4.1- жадвал

Асосий ва айланма фондларнинг сифат таърифи

Фарқловчи белгилар	Асосий фондлар	Айланма фондлар
---------------------------	-----------------------	------------------------

1. Ишлаб чиқариш жараёнида катнашиш тури	Меҳнат воситаси сифатида	Меҳнат буюмлари сифатида
2. Ишлаб чиқариш жараёнида катнашиш хусусияти	Ишлаб чиқариш жараёнида кўп марта қатнашади	Ишлаб чиқариш-нинг ҳар бир янги циклида тўла истеъ-мол қилинади (бир марта қатнашади)
3. Тайёр маҳсулотга қий-матини ўтказиш усули	Тайёр маҳ-сулотга бутун хизмат муддати давомида емирилган қийматини айрим қисмларга бўлиб ўтказади	Тайёр маҳсулотга ўз қийматини тўла ва бир йўла ўтказади
4. Натурал шаклининг ўзгариши	Хизмат муддатининг охири-гача ўз нату-рал шаклини сақ-лаб қолади	Натурал шаклини сақлаб қолмайди. Ўзининг жисмоний шаклини, кўпинча моддий таркибини ҳам бир йўла ўзгартиради

Саноатнинг асосий фондлари меҳнат воситалари бўлиб, улар ишлаб чиқариш жараёнида кўп марта қатнашади ва секин-аста емирилган сайин ўз қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга ўтказиб боради ҳамда ўз натурал шаклини сақлаб қолади. Хизмат муддати бир йилдан кам бўлган меҳнат воситалари асосий фондларга киритилмайди. Айланма ишлаб чиқариш фондлари бир ишлаб чиқариш жараёнида ўз қийматини тайёр маҳсулотга тўла-тўқис ўтказади ҳамда ўзининг моддий шаклини батамом ўзгартиради.

Асосий фондлар корхона ишлаб чиқариш воситаларининг бир қисми бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнида узоқ вақт иштирок этади ва ўзининг натурал моддий ҳолатини йўқотмайди ҳамда ўз қийматини тайёрланаётган маҳсулотларга қисмлаб ўтказиб боради. Асосий фондлар қийматини тайёрланаётган маҳсулотга ўтказиш жараёни амортизация деб, ушбу жараёнда тўпланган маблағлар амортизация ажратмалари деб аталади.

Иқтисодий мақсадларига кўра, асосий фондлар ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фондларига тақсимланади.

Асосий ишлаб чиқариш фондларига қуйидагилар киради:

- ишлаб чиқариш бинолари (цехларнинг ишлаб чиқариш корпуслари, деполар, гаражлар, омборхоналар, ишлаб чиқариш хоналари ва лабораториялар);
- иншоотлар (насос станциялар, туннеллар, кўприклар ва х.к.);
- ҳар хил энергия, суюк ва газсимон моддалар узатадиган узатувчи ускуналар;
- машиналар ва асбоб-ускуналар (энергияни, суюк ва газсимон моддалари ишлаш ва алмаштиришга мўлжалланган куч машиналари, генераторлар ва газогенераторлар, электрогенераторлар, буғ қозонлари, ҳаво компрессорлари);
- ишчи машиналар ва ускуналар (дастгохлар, пресслар, конвейерлар ва бошқа турли ёрдамчи асбоб-ускуналар);
- ўлчов ва тартибга солувчи асбоблар (лаборатория асбоблари, ҳисоблаш машиналари, компьютерлар);
- транспорт воситалари;
- фойдаланиш муддати бир йилдан кам бўлмаган ва қонунчиликда белгилаб қўйилган қийматлардаги асбоб ва ишлаб чиқариш инвентарлари.

Асосий ишлаб чиқариш фондлари ишлаб чиқаришда банд бўлган барча мутахассис ва ходимлар сони билан биргаликда корхонанинг ишлаб чиқариш аппарати деб аталади.

Асосий ишлаб чиқариш фондлари ишлаб чиқариш жараёнида бажарадиган вазифасига қараб актив ва пассив фондларга бўлинади. Фаол ишлаб чиқариш фондлари меҳнат буюмларининг тайёр маҳсулотга айланишида бевосита қатнашади. Қувват машиналари ва

ускуналар, генераторлар, трансформаторлар, ишчи машина ва ускуналар, тартибга солувчи асбоблар, технологик линиялар, меҳнат қуроллари.

Сушт фондлар ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этмайди, лекин ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда муҳим вазифани бажаради, меҳнаткашларнинг меҳнат қилишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб беради (бинолар, иншоотлар, жихозлар ва х.к.).

Ноишлаб чиқариш асосий фондлари корхона асосий фондларининг ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этмайдиган қисми бўлиб, ўз қийматини тайёр маҳсулотга ўтказмайди. Буларга корхона балансида турувчи турар жой, ошхона, профилакторий, клуб, болалар боғчаси ва яслилар, спорт-соғломлаштириш марказлари ва х.к. киради.

Ишлаб чиқариш микёсининг ўсиши натижасида корхона шартнома асосида ўзига керакли асосий фондларни ёллайди ва улар ижарага олинган хисобланади. Ижарага олувчи ва ижарага берувчи ўртасидаги мулк муносабатлари лизинг деб аталади.

Корхона асосий ишлаб чиқариш фондлари актив қисми улуши қанчалик юқори бўлса, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар микдори шунчалик катта бўлади. Машина ва ускуналарни ишлатиш муддати қанчалик юқори бўлса, корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати шунчалик паст бўлади. Маҳсулотлар сифати пасаяди, бекор туриб қолишлар ва талафотлар кўпаяди.

Хўжалик амалиётида асосий фондлар натурал ва қиймат кўринишида хисобга олинади. Натурал баҳолаш ишлаб чиқаришни техник жихатдан қайта қуроллантириш ва замонавийлаштириш, асбоб-ускуналарни таъмирлаш графикларини тузиш, таъмирлаш воситаларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш имконини берса, қиймат бўйича баҳолаш - асосий фондларни қайта ишлаб чиқариш ва режалаштириш, уларнинг мавжуд ҳажмини аниқлаш, амортизация ҳажмини белгилаш, асосий фондлар ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини таҳлил қилиш имконини беради.

Асосий фондларни баҳолашнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

" бошланғич қийматга - асосий воситаларни сотиб олиш учун сарфланган харажатлар, етқазиб бериш, ўрнатиш каби пул харажатларининг жами киради. Дастлабки баҳо асосий фондларнинг фойдаланишга топширган пайтда хисобга олинган дастлабки мувозанат нархини кўрсатади. Мисол. Генератор 150000 сўмга сотиб олинди. Уни корхонага етқазиб бериш учун 10000 сўм, ўрнатиш учун 20000 сўм сарфланди. Генераторларнинг дастлабки тўла нархи - 180000 сўмга тенг.

$$150000 + 10000 + 20000 = 180000 \text{ сўм}$$

" тикланган қиймати - асосий фондлар ёки уларнинг бирон-бир қисмини (бинолар, қурилмалар, машиналар, ишлаб чиқариш ускуналари) ҳозирги пайтдаги инфляция ва бошқа омилларни хисобга олган ҳолда баҳолаш. Баҳолашнинг бу усули объектнинг бугунги кунда қанча туришини кўрсатади. Мисол: Трансформатор 2005 - йилда 300000 сўмга сотиб олинган, худди шундай трансформатор 2007 - йил январ ойида 270000 сўмга сотиб олинди. Иккитатрансформатор мувозанат қиймати 570000 сўмни ташкил қилади. 2007 - йил январ ойида икклатрансформатор тикланган нархи 540000 сўм, чунки шу трансформаторнинг баҳоси 270000 сўмни ташкил қилган эди. Бу баҳо асосий фондларнинг маънавий эскирганлигини ва ейилганлигини хисобга олмайди.

" колдик қиймат - асосий фондларнинг эскиришини инобатга олган ҳолда, бирламчи ва қайта тиклаш қийматлари ўртасидаги фарқдир.

Мисол: Трансформаторнинг нархи 50000 сўм, ишлаш даври 8 йил у 5 йил ишлаб чиқаришда бўлган.

Трансформаторнинг колдик қиймати - 18750 сўмни ташкил қилади. Трансформатор нинг амортизация ажратмаси $50000/8 = 6250$ сўм. 5 йил давомида 31250 сўмлик қийматини тайёр маҳсулотга ўтказган $6250 \cdot 5 = 31250$ сўм. Колдик қиймат $50000 - 31250 = 18750$ сўм.

Асосий воситаларнинг корхона баланси ва хисоботларида акс эттирилувчи, хисобга олиш қиймати баланскыймати деб аталади. Асосий воситаларнинг колдик қийматини асосий воситалар баланс қийматидан эскириш суммасини айланиб топиш мумкин. Асосий фондларнинг тугатилиш қиймати бу - ишлаб чиқаришдан чиқарилган (тугатилган, йўққилинган, лом)

қийматидир. Иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш учун асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати ҳисобланади.

$$F_{o'r} = F_{y.b} + \frac{F_k \cdot n_1 - F_{ch} \cdot n_2}{12}$$

бу ерда:

$F_{o'r}$ - асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати;

$F_{y.b}$ - асосий фондларнинг йил бошига қиймати (баланс);

F_k - киритилган асосий фондлар қиймати;

F_{ch} - фондларнинг тугатилиш, ишлаб чиқаришдан чиқарилиш қиймати;

n_1 - асосий фондларни киритилгандан бошлаб ойлар сони;

n_2 - асосий фондларни чиқарилгандан бошлаб ойлар сони.

2. Асосий фондлар амортизацияси ва емирилиши

Асосий фондлар жисмоний ва маънавий жихатдан эскириши мумкин.

Жисмоний (моддий) эскириш - асосий фондларнинг бирламчи ҳислатларини ишлаб чиқаришда катнашишинатижасида йўқотиши ва табиий эскиришида юзага келади.

Маънавий эскириш - асосий фондларнинг кадрсизланиши ёки техник жихатдан муддатидан аввал иш қобилиятини йўқотишидир. Маънавий эскириш 2 хил кўринишга эга:

" асосий фондлар уларнинг ишлаб чиқариш қийматлари пасайиши натижасида кадрсизланади.

" асосий фондлар фан-техника тараққиёти таъсири остида янада самаралироқ фондларнинг пайдо бўлиши натижасида кадрсизланади.

Асосий фондларни қайта ишлаб чиқариш, яъни жисмоний ва маънавий жихатдан эскирган асосий фондларнинг ўрнини иқтисодий тўлдириш учун корхона бу воситалар қийматидан амортизацион ажратмаларни айириб ташлайди ҳамда бу ажратмалар кейинчалик харажатлар сифатида маҳсулот таннархига киритилади.

$$N_a = \frac{F_b - F_{ch}}{T_a * F_b} \cdot 100$$

бу ерда:

N_a - тўлиқ қайта тиклаш учун йиллик амортизация меъёри, %;

F_b - асосий фондларнинг бошланғич қиймати, сўм;

T_a - асосий фондларнинг меъёрий хизмат вақти, йил.

Йиллик амортизация ажратмалари (A_a) миқдори қуйидагича аниқланади.

$$A_a = \frac{F_b + T_k + M - F_{ch}}{T_a}$$

бу ерда:

T_k - хизмат муддати давомида капитал таъмирлашга сарфланган харажатлар;

M - модернизация қилишга сарфланган харажатлар.

Амортизация маблағлари асосий фондларни тўлиқ қайта тиклаш (реновация), капитал таъмирлаш ва ускуналарни модернизация қилиш учун алоҳида равишда йўналтирилади. Шу сабабли, амортизация меъёри икки қисмдан - фондларни реновация қилиш ($N_{t.t}$) ҳамда капитал таъмирлаш ва модернизация қилиш ($N_{k.t}$) дан иборат.

Биринчи ҳолда:

$$N_{t.t} = \frac{F_b - F_{ch}}{T_h * F_b} * 100\%$$

бу ерда:

T_h - асосий фондларнинг ҳақиқий хизмат қилиш вақти, йил.

Иккинчи холда:

$$N_{k,t} = \frac{T_k + M}{T_h * F_b} * 100\%$$

Ишлаб чиқариш жараёнида асосий фондлар аста-секинлик билан эскириши сабабли, уларнинг иш қобилиятини таъмирлаш орқали тиклаш зарурияти туғилади. **Асосий фондларни таъмирлаш капитал, ўрта ва жорий турларга бўлинади.** Бино ва иншоотларни таъмирлаш ўз мазмуни, талаб килинувчи муддат ва маблағларига кўра машина ва ускуналарни таъмирлашдан фарқ қилади.

Машина ва ускуналарни капитал таъмирлашда улар тўлиқ қисмларга бўлинади ва эскирган қисмлар алмаштирилади.

Ускуналарни икки марта капитал таъмирлаш орасидаги муддат таъмирлаш цикли деб аталади. Машина ва ускуналар махсус заводларда таъмирланади.

Ўртача таъмирлаш - техник мазмуни, мураккаблиги, бажариладиган иш хажми ва даврийлигига кўра, капитал таъмирлашдан фарқ қилади ҳамда сарфланувчи маблағ, вақт ва кучни нисбатан камроқ талаб қилади. Бу жараён корхонанинг ўзида амалга оширилади.

Жорий таъмирлашда, асосан, асбоб-ускуналар тозаланади, мойланади, текширилади, майда камчикликлари бартараф қилинади, яъни ускуналарнинг фойдаланишга доимий тайёрлиги таъминланади.

3. Асосий ишлаб чиқариш фондлардан фойдаланиш кўрсаткичлари

Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг икки гуруҳи мавжуд:

Биринчи гуруҳ - умумлаштирувчи ва қиймат кўрсаткичлари бўлиб, улар асосий фондларнинг турли гуруҳларини динамика ва статикада баҳолаш, таҳлил қилиш, захираларни аниқлаш ва башорат қилиш имконини беради. Бундай кўрсаткичларга фонд сиғими, фонд кайтими, фонд рентабеллиги ва бошқалар киради.

Иккинчи гуруҳ - хусусий ва натурал кўрсаткичлар бўлиб, кўпроқ, асосий ишлаб чиқариш фондларининг фаол қисми - ишчилар, машина ва асбоб-ускуналардан фойдаланиш билан боғлиқ.

Кўрсаткичларнинг бу гуруҳи таркибига қуйидагилар киради:

" асосий ишлаб чиқариш фондлари (машина ва асбоб-ускуналар) дан экстенсив фойдаланиш коэффиценти,

улардан вақт бўйича фойдаланиш даражаси;

" асосий ишлаб чиқариш фондлари (машина ва асбоб-ускуналар) дан интенсив фойдаланиш коэффиценти, улардан қувват бўйича фойдаланиш даражаси;

" асосий ишлаб чиқариш фондларидан интеграл фойдаланиш коэффиценти, барча экстенсив ва интенсив омиллардан биргаликда фойдаланиш.

Экстенсив коэффицент - дастгоҳларнинг бир давр ичида (ой, йил) ҳақиқий ишлаган вақтини режалаштирилган вақтга нисбати билан аниқланади.

$$K_{eks} = \frac{t_{haq}}{t_{rej}}$$

бу ерда:

t_{haq} - ҳақиқий фойдаланилган вақт; соат

t_{rej} - режага асосан фойдаланиш муддати; соат

Асбоб-ускуналарнинг экстенсив кўрсаткичини яхшилаш учун уларнинг сменали коэффицентини ошириш, сменалар орасида бекор туриб қолишларга барҳам бериш, дастгоҳларни таъмирлаш вақтини қисқартириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш зарур.

Ускуналарнинг сменалик коэффиценти - сутка давомида машина-сменаларнинг ўрнатилган ускуналар умумий сони ёки ишчи ўринларига нисбатидир. У қуйидагича аниқланади:

$$K_{sm} = \frac{MS}{A_{u.s}}$$

бу ерда:

MS – сутка давомида хақиқий ишлаган машина-сменалар йиғиндиси;

$A_{u.s}$ – ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг умумий сони.

Ускуналарнинг сменалилик коэффициентини аниқлашнинг яна бир йўли бўлиб, унга кўра корхоналарнинг бир эмас, икки ёки уч сменада ишлаши ва бунда ускуналарнинг барчасидан ҳам тўлиқ фойдаланилмаслиги кўзда тутилади. Масалан: цехда 300 дона ускуна ўрнатилган бўлиб, биринчи сменада 270 таси, иккинчи сменада эса 220 таси ишлаган. Ускуналарнинг сменали коэффициентини $1,63 (270+220) / (300)$ ни ташкил қилади.

Интенсив коэффициент - маълум бир вақт ичида хақиқий ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорини билдиради. У хақиқий ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматини режалаштирилган маҳсулот қийматига нисбати билан аниқланади.

$$K_{int} = \frac{ICH_{haq}}{ICH_{rej}}$$

бу ерда:

ICH_{haq} - хақиқий ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори;

ICH_{rej} - маҳсулот ишлаб чиқариш режаси.

Дастгоҳлардан интеграл фойдаланиш коэффициенти ускунадан интенсив ва экстенсив фойдаланиш коэффициентларининг кўпайтмаси орқали аниқланиб, унинг вақт ва қувват бўйича банд бўлишини мажмуавий тавсифлайди.

$$K_{integr} = K_{eks} * K_{int}$$

4. Асосий ишлаб чиқариш фондлардан фойдаланишни яхшилаш йўналишлари

Корхона асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни яхшилашнинг асосий йўналишлари сифатида куйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- " смена давомида ускуналар бекор туриб қолишини қисқартириш ва унинг олдини олиш;
- " ускуналарнинг сменалик коэффициентини ошириш;
- " бекор турувчи ускуналарни қисқартириш ва тугатиш;
- " таъмирлаш ва профилактика тадбирларини ўз вақтида ва сифатли равишда амалга ошириш;
- " ускуналарни эксплуатация қилувчи ходимлар малакасини ошириш;
- " ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ресурслар билан таъминлашни яхшилаш.

Асосий ишлаб чиқариш фондлари хажми ва улардан фойдаланиш даражаси корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати катталигини белгилайди.

Калитли сўзлар

Асосий фондлар, ўртача йиллик қиймати, амортизация, ишлаб чиқариш қуввати, ўртача йиллик қуввати, интенсив коэффициент, экстенсив коэффициент, актив, пассив.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Асосий фондларнинг моҳияти, аҳамияти, таркиби.
2. Иқтисодий мақсадига кўра асосий фондлар.
3. Асосий фондларни баҳолаш усуллари қандай?
4. Ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати деганда нимани тушунасиз ва у қандай ҳисобланади?
5. Асосий фондларнинг эскириш турлари қандай?
6. Амортизация нима? Амортизация ажратмалари деб нимага айтилади?
7. Таъмирлаш цикли деб нимага айтилади? Асосий фондларни таъмирлашнинг қандай турларини биласиз?

8. Асосий фондлардан фойдаланиш кўрсаткичлари қайсилар?
9. Экстенсив, интенсив ва интеграл кўрсаткичлар нимани аниқлайди?
10. Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни яхшилашнинг асосий йўналишларини сананг.

4- мавзу. Корхонанинг айланма маблағлари

Режа

1. Айланма фондлар ва айланма маблағлар: таркиби ва тузилиши
2. Айланма маблағлардан оқилона фойдаланиш
3. Айланма маблағлардан фойдаланиш кўрсаткичлари
4. Айланма маблағларни меъёрлаштириш. Айланишини тезлаштириш

1. Айланма фондлар ва айланма маблағлар: таркиби ва тузилиши

Корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил қилишда меҳнат куруллари ва иш кучидан ташқари, айланма маблағларга ҳам эга бўлишлари зарур. Айланма маблағлар ишлаб чиқаришнинг айланма фондлари ва муомала фондларини ташкил қилишга мўлжалланган пул маблағларидан иборат. Айланма маблағлар корхонанинг ҳисоб рақамида нақд пул кўринишида жамғарилади. Айланма маблағлар ишлаб чиқариш ва унинг узлуксизлигини таъминлашнинг моддий асоси ҳисобланади.

Корхонанинг айланма маблағлари айланма фондлар ва муомала фондларига тақсимланади.

Айланма ишлаб чиқариш фондлари корхона ишлаб чиқариш фондларининг бир қисми бўлиб, битта ишлаб чиқариш цикли давомида сарфланади ҳамда натурал шаклини ўзгартириб, ўз қийматини тўлиғича тайёр маҳсулот таннарихига ўтказилади.

Айланма ишлаб чиқариш фондлари ишлаб чиқариш жараёнининг мажбурий элементи ишлаб чиқариш харажатларининг асосий қисми ҳисобланади.

Айланма ишлаб чиқариш фондлари уч гуруҳга бўлинади:

- " ишлаб чиқариш захиралари;
- " тугалланмаган ишлаб чиқариш ва ярим тайёр маҳсулотлар;
- " келгуси давр харажатлари.

Ишлаб чиқариш захиралари - ишлаб чиқаришнинг узлуксиз давом этиши учун зарур бўлган ишлаб чиқариш воситалари хомашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёқилғи, харид қилинувчи ярим тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар, қадоқлаш ва ўров материаллари, эҳтиёт қисмлар, ёқилғи-мойлаш материалларидан иборат меҳнат предметлари.

Хом ашё деб, қазиб олиш ёки ишлаб чиқариш учун маълум даражада меҳнат сарфланган ва шу меҳнат натижасида бир қадар ўзгарган меҳнат буюмига айтилади. Ишлаб чиқариш жараёнида хом ашё тайёр маҳсулот ёки ярим фабрика хосил қилади.

Хом ашё ресурсларини хом ашёдан фарқ қилмоқ керак. Хом ашё ресурсларига мамлакатдаги фойдали қазилма конлари, ўрмон майдонлари, уй ҳайвонлари ва шу каби табиий бойликлар кирса, улар қазиб чиқарилган ёки ишлаб чиқариш учун меҳнат сарфлангандагина (Меҳнат воситаси ёрдамида овланган ҳайвонлар, қазиб олинган маъданлар, кесилган дарахтлар ва бошқалар) хом ашёга айланиши мумкин.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш - ишлаб чиқариш жараёнига кирган турли босқичларни ўтаётган ҳали тўлиқ маҳсулот ҳолига келмаган материаллар.

Ярим тайёр маҳсулотлар - технология жараёнларининг айрим босқичларини ўтган, лекин тайёр маҳсулотга айланиши учун кейинги битта ёки бир нечта ишлов бериш ва йиғиш босқичларини талаб қилувчи меҳнат буюмлари.



4.1-расм. Айланма маблағлар таркиби

Келгуси давр харажатлари - айна пайтда ишлаб чиқарилаётган, лекин келажакдаги махсулотларга мансуб бўлган янги турдаги махсулотларни тайёрлаш харажатлари (асбоб-ускуналарни қайта режалаштириш, махсулотларнинг янги турларини тайёрлашга сарфланувчи харажатларянги турдаги махсулотларни лойиҳалаш, тайёрлаш ва ўзлаштириш, мутахассисларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш хоналарини ижарага олиш).

Муомала фондлари корхонанинг тайёр махсулот захирасини яратиш учун мўлжалланган пул маблағлари, чек ва векселлар, акциядорларнинг қарзлари, турли хил дебиторлик қарзлари, банк ва кассаларнинг ҳисоб рақамларидаги маблағлардан иборат бўлади. Муомала фондлари ва айланма фондлари биргаликда корхонанинг айланма маблағларини ташкил қилади.

Айланма маблағлардан қуйидаги ҳолларда фойдаланилади:

- " хомашё, материал, эҳтиёт қисмлар ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил қилишда, зарур бўлган меҳнат предметлари сотиб олишда;
- " ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинувчи электр энергияси, ёқилғи каби ресурслар учун ҳақ тўлашда;
- " корхонани ташкил этиш ва фаолият юритиш даврида ойлик иш ҳақи тўланиши;
- " солиқ ва бошқа тўловларни тўлашда.

Айланма ишлаб чиқариш фондлари айланма маблағларнинг энг фаол қисми бўлса, муомала фондлари ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этмайди ҳамда янги истеъмол қийматини яратмайди. Айланма маблағлар доимо айланишда бўлиши зарур, уларнинг самарадорлиги ва корхона иктисодига таъсири шунда кўзга ташланади.

Айланма ишлаб чиқариш фондлари таркибий қисмлари ёки элементлари ўртасидаги фоизларда ифодаланувчи ўзаро муносабатлар айланма ишлаб чиқариш фондларининг тузилмасини ташкил қилади. Айланма ишлаб чиқариш фондлари ва муомала фондлари ўртасидаги фоизлардаги муносабатлар корхона айланма маблағларининг тузилмаси деб аталади.

2.Айланма маблағлардан оқилона фойдаланиш

Айланма маблағларнинг тўлиқ айланиши уч босқичдан иборат бўлиб, бу жараёнда махсулот ишлаб чиқарилади ва сотилади.

- " айланма маблағлар пул шаклидан товар захираларига айланади (П - Т);
- " ишлаб чиқариш, яъни махсулотни тайёрлаш жараёни (Т);
- " товар сотилади ва яна пул шаклини олади (Т - П) .

Айланма маблағлар шаклланиш манбаига кўра хусусий ва қарз маблағларга бўлинади. Хусусий айланма маблағлар доимо корхона ихтиёрида бўлиб, хусусий ресурслар, фойда ҳисобига шаклланади (иш ҳақи бўйича қарзлар, таъминотчилар ёки ҳамкорлар қарзлари, буюртмачилар тўлаган пуллар). Бу маблағлар хусусий маблағларга тенглаштирилган маблағлар ёки корхонанинг барқарор пасивлари деб аталади.

Қарзга олинган айланма маблағлар доимо ҳаракатда бўлмайди ҳамда корхонанинг махсулотларни сотишдаги қийинчиликлар, моддий-товар бойликлар билан таъминлаш, махсулот ишлаб чиқаришни ошириш, вақтинчалик эҳтиёжларни қоплаш учун фойдаланилади (банк кредитлари, кредиторлик қарзлари).

3.Айланма маблағлардан фойдаланиш кўрсаткичлари

Айланма маблағлардан самарали фойдаланиш кўрсаткичи:

- " айланиш коэффиценти;
- " юкланиш коэффиценти;
- " бир марта айланиш давомийлиги.

Айланиш коэффиценти айланма маблағларнинг маълум бир вақт давомида амалга оширувчи айланишини ифодалайди ёки айланма маблағларнинг ҳар бир сўмига тўғри келувчи сотилган махсулотларни кўрсатади.

$$K_a = \frac{S_m}{Q_a}$$

бу ерда:

K_a – айланиш коэффициенти

S_m – сотилган махсулот хажми, сўм;

Q_a – айланма маблағларнинг ўртача қолдиқ хажми, сўм.

Корхонанинг бир йил мобайнида сотилган махсулотлари хажми 1000000

сўмни ташкил қилади. Айланма маблағлар меъёри 250000 сўм, айланиш коэффициенти $K_a = 4$.

Айланма маблағларнинг юкланиш коэффициенти сотилган хар 1 сўм махсулотга сарфланган айланма маблағни ифодалайди.

$$K_{yu} = \frac{Q_q}{S_m}$$

Бир марта айланиш давомийлиги кунларда ўлчанади ҳамда шу даврдаги кунлар сонини айланиш коэффициентиға нисбати орқали ҳисобланади.

$$T = \frac{K}{K_a}$$

бу ерда:

K – кунлар сони (360, 90).

4. Айланма маблағларни меъёрлаштириш. Айланишини тезлаштириш

Айланма маблағлар меъёрлаштирилувчи ва меъёрлаштирилмайдиган турларга бўлинади.

Меъёрлаштирилувчи айланма маблағлар – корхона омборларидаги ишлаб чиқариш захиралари (хомашё, материаллар, ёқилғи), тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгуси давр харажатлари ва тайёр махсулотлар.

Меъёрлаштирилмайдиган айланма маблағлар – харидорга бериб юборилган тайёр махсулотлар, ҳисоб рақамидаги пул маблағлари.

Айланма маблағларни меъёрлаштириш корхонанинг узлуксиз ишлашини таъминлайдиган моддий бойлик ва бошқа ресурсларнинг минимал, лекин етарли захираларини шакиллантириш учун зарур бўлган пул маблағларини аниқлашда ифодаланади. Айланма маблағларнинг меъёрикуйдаги формула билан ҳисобланади:

$$N_{ay.m} = N_{ich.z} + N_{t.ich} + N_{t.m} + N_{k.d.x}$$

бу ерда:

$N_{ich.z}$ – ишлаб чиқариш захиралари;

$N_{t.ich}$ – тугалланмаган ишлаб чиқариш;

$N_{t.m}$ – тайёр махсулот;

$N_{k.d.x}$ – келгуси давр харажатлари.

Айланма маблағларни меъёрлаштириш ва айниқса, моддий ресурсларни сарфлаш меъёрларини белгилашда куйидаги тамойилларга амал қилиш лозим:

" меъёрларнинг прогрессивлиги ва динамиклиги;

" меъёрнинг иқтисодий ва ишлаб чиқариш-техникавий жихатдан асосланганлиги;

" хомашё, материал, ёқилғи, электр энергияси ва бошқа ресурслар ўлчамини тўғри танлаш;

" чиқиш ва йўқотишларнинг олдини олиш;

" эскирган меъёрларни қайта кўриб чиқиш ҳамда уларни фан-техника тараққиёти ютуқларига мос ҳолга келтириш.

Ресурсларни меъёрлаштиришда бир нечта усуллар қўлланилади:

" ўтган йиллар давомида амалда сарфланган ресурслар тўғрисидаги ҳисобот маълумотларини ўрганиш ҳамда бир неча йиллар давомида рўй берган пасайишларни ҳисоблашга асосланувчи статистика-тажриба усули;

" лаборатория тажрибаларига асосан яратилган ҳамда инструментлар ва ёрдамчи материаллар сарфланиши меъёрини аниқлашда қўлланиувчи лаборатория-техникавий усул;

" юзага келган ишлаб чиқариш шароитларидан ташқари бошқа корхоналарнинг илғор тажрибалари ва ютуқларини ҳам ҳисобга олиш имконини берувчи, моддий ресурслардан фойдаланишни меъёрлаштиришнинг мукамалроқ усули ҳисобланувчи ҳисоб-таҳлилий усул.

Айланма маблағларни меъёрлаштириш тадбирлари ишлаб чиқариш захираларини меъёрлаштириш, тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг оптимал катталиги, тайёр маҳсулот қолдиқлари ва келгуси давр харажатларини аниқлаш билан боғлиқ вазифаларни ечишга ёрдам беради.

Айланма маблағларнинг айланишини тезлаштириш, улардан самарали фойдаланиш қуйидагиларни талаб қилади:

" фан-техника тараққиёти ютуқларини кенг қўллаш;

" ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларида илмий жихатдан асосланган меъёр ва меъёрийлар тизимини яратиш;

" корхоналарни узоқ муддатли хўжалик алоқалари юритишга ўтказиш;

" маҳсулотлар, молиявий, моддий ва куч-қувват ресурсларининг сифат балансини тузиш;

" бошқариш тизимини ташкил этишнинг ва рағбатлантиришнинг оптимал шакллари қўллаш.

" технологик жараёнлаш яхшилаш;

" хом ашёни комплекс қайта ишлаш усулларини ривожлантириш;

" ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилаш.

Айланма маблағларнинг айланишини тезлаштириш учун уларни ишлаб чиқариш ва муомалада бўлиш муддатини қисқартириш керак. Айланма маблағлардан фойдаланишни яхшилаш, уларнинг айланишини тезлаштириш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим омилдир.

Мисол: корхона 10 млн. сўмлик айланувчи маблағга эга. Битта айланиш давомийлиги 90 кун. Демак, айланма маблағларнинг айланиш даражаси $K_a = 4$ га тенг.

$$K_a = \frac{360}{90}$$

Айланма маблағларнинг 1 сўмига 4 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади, корхона йил давомида 40 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради. Агар корхона бир айланиш давомийлигини 10 кунга қисқартирса, яъни Т - бир айланишнинг давом этиши 90 кун эмас 80 кун бўлса, унда айланиш даражаси $K_a = 4,5$ га тенг.

$$K_a = \frac{360}{80}$$

Корхона йил давомида 45 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради. Агар айланиш даражаси йилига 4,5 га тенг бўлганда 40 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган бўлса, унда кам миқдорда айланувчи маблағ талаб қилинади. 40 млн.: 4,5 = 8,888 млн.сўм, яъни 1,112 млн.сўм айланувчи маблағ бўшатиб олинади (10 млн.- 8,888 млн.).

Айланма маблағлар мутлак ва нисбий озод қилинади.

Мутлак озод қилиш корхонанинг айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини камайтиришни ифодалайди ҳамда мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланишга оид чора-тадбирлар ҳисобига амалга оширилади.

Мисол: Корхона айланма маблағларининг ўртача миқдори 2016-йилда 20 млн. сўмни ташкил қилган. 2017-йилда ишлаб чиқариш ҳажми ўзгармаган ҳолда 18 млн.сўм миқдорида эҳтиёж режалаштирилмоқда. Асосий воситаларнинг мутлак озод қилиниши 2 млн.сўмни ташкил этади.

Нисбий озод қилиш айланма маблағлар ҳажмининг ўзгаришини ҳамда сотилган маҳсулот ҳажмининг ўзгаришини акс эттиради. Уни аниқлаш учун ҳисобот йилида айланма маблағларга эҳтиёжни, маҳсулотни мазкур давр мобайнида сотиш бўйича ҳақиқий айланиш ҳамда ўтган даврдаги айланишини инобатга олган ҳолда ҳисоблаш зарур.

Калитли сўзлар

Айланма маблағлар, фаол, меъёрлаштириш, хом ашё, айланиш коэффициенти, юкланиш коэффициенти, бир марта айланиш давомийлиги, ишлаб чиқариш захиралари, давр харажатлари.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Айланма маблағлар нима?
2. Корхонанинг айланма маблағлари қандай фондларга бўлинади?
3. Айланма ишлаб чиқариш фондлари неча гуруҳга бўлинади?
4. Айланма маблағларнинг тўлиқ айланиши неча босқичдан иборат?
5. Айланма маблағлардан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари нима?
6. Меъёрлаштирилувчи ва меъёрлаштирилмайдиган айланма маблағлар.
7. Меъёрлаштиришда қўлланиладиган усуллар.
7. Айланма маблағлар айланишини тезлаштириш нималарни талаб қилади?

5-мавзу. Корхонанинг меҳнат ресурслари

Режа

1. Меҳнат ресурсларини таснифлаш
2. Меҳнат ресурсларининг таркиби ва тузилиши
3. Меҳнат унумдорлиги
4. Саноат корхоналарида иш ҳақини ташкил қилиш
5. Ишлаб чиқариш ресурсларининг ўзаро таъсир механизми

1. Меҳнат ресурсларини таснифлаш

Замонавий корхоналар фаолиятида меҳнат куруллари ва меҳнат предметларидан ташкари кадрлар ҳам катта аҳамиятга эга. Кадрлар ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этувчи уч асосий омилнинг асосийси ҳисобланади. Айнан кадрлар ишлаб чиқаришни бошқариб, жорий ва истиқболдаги ривожлантиришни амалга оширадилар. Кадрларнинг касбий малакаси канчалик юқори бўлса, корхоналарнинг иқтисодий ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари шунчалик юқори бўлади.

Меҳнат ресурслари деганда меҳнатга лаёқатли ёшда бўлган (Ўзбекистон Республикаси эркаклар учун 16 ёшдан 59 ёшгача, аёллар учун 16 ёшдан 54 ёшгача) аҳоли, шунингдек иқтисодда банд меҳнатга лаёқатли ёшда бўлмаган (ўсмирлар ва меҳнатга лаёқатли ёшдан юқори ёшдагилар) шахслар тушунилади.

Салоҳият(потенциал) тушунчаси лотин тилидан олинган бўлиб, имконият, куч-қувват маъносини англатади.

Кадрлар салоҳияти - меҳнат ресурсларининг умумий сони ва жинси, ёши, маълумоти, касбий кўникмалари, корхонанинг у ёки бу бўғинларида ва жамоатчилик ишлаб чиқаришида катнашиши билан ифодаланувчи меҳнат ресурслари ёки имкониятларини ифодалайди.

Кадрлар корхонада меҳнат билан банд бўлган ҳамда корхона шахсий таркибига кирувчи турли касбий - малакавий гуруҳлардаги ходимлар мажмуасидир. Корхонанинг меҳнат ресурслари унинг иш кучини тавсифлайди. Иш кучи - инсоннинг меҳнат қилишга жисмоний ва аклий қобилиятлари ҳисобланади. Бозор муносабатлари шароитида меҳнат қобилияти иш кучини товар холига келтиради. Унинг бошқа товарлардан фарқи:

- " ўз қийматидан ортик бўлган қиймат яратади;
- " уни жалб қилмасдан бирон-бир ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш мумкин эмас;
- " асосий фондлар ва айланма маблағлардан самарали фойдаланиш даражаси иш кучига боғлиқ.

Иш кучидан самарали фойдаланишга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади: ходимларнинг моддий манфаатдорлиги, атроф-муҳит, аклий, жисмоний ва асаблар кучланиши, бошқариш усуллари ва ҳ.к.

Корхона ходимларининг рўйхат бўйича таркиби қуйидагиларни ўз ичига олади:

- " саноат ишлаб чиқариш персонали (СИЧП) - асосий ва ёрдамчи цехлар, завод бошқаруви, лаборатория, илмий-тадқиқот ва тажриба-лойиҳалаштириш бўлимлари, ҳисоблаш маркази ходимлари;
- " ноишлаб чиқариш персонали - уй-жой, коммунал ва ёрдамчи хўжаликларда, соғлиқни сақлаш, профилактика ва таълим муассасаларида фаолият юритувчи ходимлар;
- " раҳбарлар - директор, директор ўринбосарлари, бош мутахассислар, бўлим бошликлари, яъни муҳандис-техник персонал (МТП);

" хизматчилар - хужжатларни тайёрлаш, ҳисоб-китоб ва назорат қилиш, хўжалик хизмати ходимлари (агентлар, ғазначилар, иш юритувчилар, котиблар, статистлар ва х.к.).

Корхона СИЧПнинг асосий ва кўп сонли қисмини ишчилар ташкил қилиб, улар махсулот ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва ускуналарга хизмат кўрсатишда катнашадилар, меҳнат предметларини ташиш ва махсулот тайёрлашни амалга оширадилар, қуриш-таъмирлаш ишларини бажарадилар.

Кадрларнинг корхонада ҳаракатланишини тавсифлаш учун қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобланади ва таҳлил қилинади:

Ишчиларни ишга қабул қилиш бўйича айланиш коэффиценти (K_{qq}):

$$K_{qq} = \frac{\text{ishga qabul qilingan personal soni}}{\text{personalning o'rtacha ro'yxat soni}}$$

Ишдан кетиш бўйича айланиш коэффиценти ($K_{i.k}$)

$$K_{ik} = \frac{\text{ishdan bo'shagan personal soni}}{\text{personalning o'rtacha ro'yxat soni}}$$

Кадрлар оқими коэффиценти ($K_{k.o}$)

$$K_{k.o} = \frac{\text{o'z xohishigako'ra, mehnat intizomini buzganlik uchun ishdan bo'shagan xodimlar soni}}{\text{personalning o'rtacha ro'yxat soni}}$$

Корхона персонали таркибининг доимийлик коэффиценти ($K_{p.d.t}$)

$$K_{p.d.t} = \frac{\text{butun yil davomida ishlagan personal soni}}{\text{personalning o'rtacha ro'yxat soni}}$$

Бозор муносабатлари шароитида корхонанинг кадрлар сиёсати.

Корхона ишлаб чиқариш фаолиятининг жорий ва истикболдаги стратегияси кадрлар сиёсати билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

- " иш кучини ёллаш, жойлаштириш ва режалаштириш;
- " ходимларни ўқитиш, тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- " кадрларни хизмат лавозимлари бўйича юқори поғонага кўтариш;
- " ёллаш шартлари, меҳнат ва унга ҳақ тўлаш шароитлари;
- " меҳнат жамоасида қулай рухий муҳитни яратиш.

Кадрлар сиёсати биринчи ўринда инсонни ишлаб чиқариш ва турмушдаги янги ахлоқини шакллантириш, иккинчидан, новаторлик ва юқори меҳнат унумдорлигига манфаатдорлигини ривожлантириши лозим.

Корхонанинг кадрлар сиёсати амалиётда факат ички вазифа ва муаммоларни ҳал қилишдан ташқари, бандлик соҳасида давлат сиёсатига таянади ва қуйидагиларни кўзда тутати:


- " фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқи ва касб танлаш эркинликларини амалга оширишда бир хил имкониятларга эга бўлишини таъминлаш;
- " фуқароларнинг меҳнат ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ишлаб чиқариш қобилиятларини ривойлантиришга бандлик соҳасидаги фаолиятни иқтисодий ва ижтимоий фаолиятининг бошқа йўналишлари билан уйғунлаштириш орқали кўмаклашиш;
- " меҳнат фаолияти даврида ва нафақага чиқкандан сўнг ҳам ходимларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш;
- " аҳоли бандлиги муаммоларини ечишда, қўшма корхоналар тузиш ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ лойиҳаларни амалга ошириш йўли билан халқаро ҳамкорлик юритиш ва бошқалар.

2. Меҳнат ресурсларининг таркиби ва тузилиши

Меҳнат ресурсларини шакллантириш манбалари қуйидагилардан иборат (расм 6.1):

Меҳнат ёшидаги меҳнатга қобилиятли аҳоли – яъни амалдаги қонунчиликда Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган ёш чегаралари оралиғида шахслар ва II гуруҳ ишламаётган ногиронлардан ва ишламаётган, ёши бўйича имтиёзли шартлар асосида пенсия олаётган фуқаролардан иборатдир.

Меҳнат ёшидан ўтган ишлаётган шахслар ва ишлаётган ўсмирлар меҳнат ёшига етмаган шахслар.



5.1.-расм. Меҳнат ресурслари

Иқтисодий фаол аҳоли (иш кучи) – бу аҳолининг товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун ўз ишчи кучини таклиф этишни таъминлайдиган қисми. Иқтисодий фаол аҳоли сони иш билан бандларни ва ишга жойлашишга муҳтож шахсларни ўз ичига олади.

Иш билан бандлар: а) пул билан тўланадиган ёки натура ҳолидаги ҳақ эвазига ёлланиб, шунингдек, ўз фаолияти эвазига қанча муддати ҳақ ёки даромад олишдан қатъий назар, фойда ёки оилавий даромад олиш учун ёлланмасдан ҳафтасига камида 2 соат мобайнида иш бажарганлар; б) касаллиги ёки жароҳатланганлиги туфайли, беморларга қараб туриш учун; йиллик меҳнат таътили ёки дам олиш кунларида; ўз иш жойидан ташқарида таълим олганлиги учун; маъмурият ташаббуси билан таъминоти сақлаб қолинган ёки сақланмаган ҳолда меҳнат таътилида бўлган ва бошқа шунга ўхшаш сабаблар билан вақтинча ишда бўлмаганлар; в) оилавий корхонада ҳақ олмасдан иш бажарган шахслар.

Иш билан банд бўлмаган, ишга жойлашишга муҳтож аҳоли – амалдаги қонунларга мувофиқ ишсизлар сифатида расман рўйхатдан ўтган (меҳнат органлари бандликка кўмаклашиш марказлари ташкил этадиган, ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иш билан банд бўлган даври ҳам қўшганда), шунингдек, меҳнатга қобилиятли ёшда бўлиб, вақтинча иш билан банд бўлмаган, ҳақ тўланадиган иши ёки даромд келтирадиган машғулоти бўлмаган, ё меҳнат органлари ёрдамида, ёки мустақил равишда фаол иш излаётган ва ўзларига иш таклиф этилиши биланок унга киришишга тайёр бўлган шахслардир.

3. Меҳнат унумдорлиги

Меҳнат унумдорлиги деб ишчи кучининг вақт бирлиги мобайнида маҳсулот яратиш қобилиятига айтилади ва ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (истеъмол қийматининг) сарфланган меҳнат миқдорига нисбати билан белгиланади. Сарфланган меҳнат миқдори эса ишланган вақт билан, киши куни, киши соати ва ҳ.к. билан белгиланади. Агар меҳнат унумдорлигини МУ, маҳсулотни М билан, сарфланган иш вақтини В билан белгиласак, меҳнат унумдорлиги қуйидагича аниқланади: $МУ = M/V$.

Меҳнат унумдорлиги сарфланган жонли меҳнатнинг ҳар бир бирлиги эвазига яъни киши куни, киши соати ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори билан аниқланади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун унга таъсир қиладиган омилларни ҳам билиш зарурдир. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга бир қанча омиллар таъсир қилади:

1. Илмий-техник тараққиётни тезлаштириш ва унинг натижаларини тезлик билан ишлаб чиқаришда қўллаш.

2. Ишлаб чиқаришни рационал жойлаштириш, ихтисослаштириш ва кооперациялаш.

3. Иқтисодиётнинг таркибий қисмларини ва унинг ташкилий бўғинларини ўзгартириш.

4. Ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш ва уларнинг фаоллигини ошириш.

5. Мавжуд табиий, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланиш, янги, арзон, сифатли хомашё ва энергия турларини, экинларнинг янги ҳосилдор навларини, чорва молларининг маҳсулдор зотларини топиб ишлаб чиқаришга жорий қилиш.

6. Кишиларнинг билим савиясини, малакасини ошириш, етук ишчи ва мутахассислар тайёрлаш.

Меҳнат унумдорлиги маълум иш вақти бирлиги мобайнида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг миқдори ёки маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган иш вақти билан ўлчанади. Меҳнат унумдорлигининг ўзгариши товар бирлиги қийматининг ўзгаришига сабаб бўлади. Меҳнат унумдорлиги ўсса, товар бирлигининг қиймати камаяди ёки аксинча, меҳнат унумдорлиги пасайса, товар бирлигининг қиймати ошади.

4. Саноат корхоналарида иш ҳақини ташкил қилиш

Корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлашни оқилона ташкил қилиш ходимлар фаолиятини рағбатлантириш, тайёр маҳсулот ва меҳнат бозорида рақобатчиликни, рентабелликни ва маҳсулотларнинг даромадлилигини таъминлаш лозим. Меҳнатга ҳақ тўлашни оқилона ташкил этишдан мақсад—унинг хажми ва ходимнинг корхона хўжалик фаолиятига меҳнат фаолиятида қўшган хиссасига мос келишини таъминлаш, яъни меҳнат ўлчами ва истеъмол ўлчами ўртасидаги мутаносибликни таъминлашдир.

Иш ҳақи - ҳар бир ходимнинг сарфлаган меҳнати миқдори ва сифатига мос равишда таксимланувчи ва ходим тасарруфига пул шаклида келиб тушувчи миллий даромаднинг бир қисмидир.

Ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ишлаб чиқариш жараёнига жалб килинган меҳнат ресурсларининг баҳосидир. **Иш ҳақи** - маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг корхона ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш учун сарфланувчи қисми.

Иш ҳақининг номинал ва реал турлари мавжуд:

Номинал иш ҳақи - ходимнинг маълум бир вақт мобайнида бажарган меҳнати учун ҳисобланган ва тўланган иш ҳақидир.

Реал иш ҳақи - номинал иш ҳақига сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори: реал иш ҳақи - номинал иш ҳақининг "истеъмол қобиляти" дир.

Корхоналарда иш ҳақи соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни ташкил этишда куйидаги тамойилларни инобатга олиш зарур:

- " адолатлилик, яъни бир хил меҳнат учун бир хил ҳақ тўлаш;
- " бажарилаётган ишнинг мураккаблиги ва меҳнат малакаси даражасини ҳисобга олиш;
- " меҳнатнинг зарарли шароитлари ва оғир жисмоний меҳнатни ҳисобга олиш;
- " сифатли, сидкидилдан меҳнат қилишни рағбатлантириш, йўл қўйилган йўқотишлар ёки ўз мажбуриятларига масъулиятсиз ёндашишни моддий жазолаш;
- " меҳнат унумдорлиги суръатини ўртача иш ҳақининг ўсиш суръатларига нисбатан тезроқ ўстириш;
- " иш ҳақи миқдорини инфляция суръатларига мос равишда мувофиқлаштириш;
- " меҳнатга ҳақ тўлашнинг корхона эҳтиёжларига тўлиқ жавоб берувчи илғор шакл ва тизимларини қўллаш.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай ва вақтбай усуллари мавжуд.

Меҳнатга ишбай ҳақ тўлаш ишлаб чиқарилган маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат) учун тўланадиган ҳақни англатади.

Корхоналарда факат ишбай эмас, балки ишбай - мукофотли ҳақ тўлашдан фойдаланилади. **Меҳнатга ишбай** - мукофотли ҳақ тўлашда ишчи бажарган ишига ҳақ олишдан ташқари, мукофотга ҳам эга бўлади. Мукофот асосан маълум бир кўрсаткичларга эришиш - маҳсулот

ишлаб чиқариш режасини бажариш, махсулот сифатини ошириш, хомашё ва материалларни тежаш ва шу кабилар учун берилади.

Меҳнатга вақтбай ҳақ тўлаш тариф тизимида кўзда тутилувчи ишлаб берилган вақт - календар вақт эмас, балки меъёрий вақт учун тўланадиган ҳақни англатади. Вақтбай - мукофотли ҳақ тўлашда ишчи ишлаб берган вақтига ҳақ олишдан ташқари, ушбу иш ҳақиға маълум бир фоиз хисобида мукофот ҳам олади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг аккорд усули ишбай ҳақ тўлашнинг бир тури бўлиб, моҳиятига кўра, бунда бажарилиши керак бўлган ишлар муддатини кўрсатган ҳолда баҳолаш амалга оширилади. Куйидаги ҳолларда аккорд ҳақ тўлаш тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Корхона бирор-бир буюртмани ўз вақтида бажара олмаса ва бунинг учун шартномага асосан катта миқдорда жарима тўлайдиган бўлса, корхонани тўхтаб қолишига сабаб бўлувчи фавқулодда вазиятлар (ёнғин, сел, зилзила, сув тошқини ёки жиддий сабабларга кўра асосий технологик линияларнинг ишдан чиқиш ҳоллари) рўй берганда алоҳида ишларни бажаришга зарурат туғилганда ёки корхонада янги асбоб-ускуналар ишга туширилганда.

Ишбай ҳақ тўлаш шаклида ишчининг иш ҳақи куйидаги формула бўйича топилади:

$$I_x = \sum_1^t H_m * n_s$$

буерда:

I_x - ишчининг ишбай иш ҳақи;

H_m - махсулот бирлигининг ишбай нархи, сўм;

n_s - бажарилган жараён ва тайёрланган детал ва буюмлар сони;

t - иш турларининг сони.

Мисол : ишчи ой давомида 420та буюм тайёрлади. Шундан 400та буюмнинг бир донаси 500 сўмдан ва 20 та буюмнинг бир донаси 3000 сўмдан. Ишчининг ойлик маоши 260000 сўм.

$$I_x = (400*500) + (20*3000) = 260000 \text{ сўм}$$

Ишбай нархни куйидаги формула бўйича аниқлаш мумкин:

$$H_m = \frac{T_s}{Q} \text{ ёки } H_m = \frac{V_{br} * T_s}{60}$$

буерда:

T_s - мазкур разрядли, соатли, ойлик тариф ставкаси.

Q - ишлаб чиқарилган махсулот сони.

V_{br} - махсулот бирлигини тайёрлаш учун кетган вақт нормаси.

Бозорда турли меҳнат сарфлари умумий, яъни ижтимоий зарур меҳнат сарфига келтирилади ва шу сарфнинг пулда ифодаланиши баҳони ҳосил қилади.

Бозорда сотувчи билан харидор ўртасидаги иқтисодий муносабат бўлганидан нархнинг шаклланишида ҳар икки томон иштирок этади. Харидор деганда, биз товар ва хизматларни истеъмол этувчилар - фуқаролар, ишлаб чиқаришни юргизиш учун ресурсларни сотиб олувчи корхоналарни тушунамиз.

Баҳоламнинг асосий турларига қуйидагилар киради:

" улгуржи баҳолар. Товарлар кўтарасига катта миқдорда сотилганда бу баҳолардан фойдаланилади. Бундай баҳони асосан улгуржи савдо-сотик олиб бориладиган савдо марказларида учратиш мумкин.

" чакана баҳолар. Товарлар бевосита истеъмолчиларга сотилганда фойдаланилади. Бу баҳо ўз ичига товар улгуржи нархини, чакана савдо ташкилотчиларининг харажати ва фойдасини олади.

" нуфузли баҳолар. Бу баҳолардан обрў талаб истеъмолчиларга товарлар сотилганда ва хизматлар кўрсатилганда фойдаланилади.

" дотацияли баҳолар. Бунда товарлар давлат бюджети ҳисобидан арзонлаштирилган баҳоларда олинади.

" давлат баҳолари. Бу ишлаб чиқарувчиларга давлат томонидан буюртма берилганда қўлланилади.

" мавсумий баҳолар. Бу мавсумий ишлаб чиқариладиган товарларга белгиланади.

" миллий ва жаҳон баҳолари-алоҳида товамнинг байналминал харажатлари. Бунда жаҳон бозоридаги талаб ва таклиф нисбати ҳисобга олинади.

" стандарт баҳолар. Харидор чўнтагидаги пулга қараб, маълум давргача ўзгармайдиган катъий стандарт нархлар қўлланилади.

" прејскурант баҳолар. Бу баҳолар сотувчи учун мўлжал баҳо, харидор учун билдиришлик ёки маълумот баҳо ҳисобланади.

" ишлаб чиқарган маҳсулотни сотиш учун музоқараларга тайёргарлик кўриш мобайнида тадбиркор энг аввало, ўзи учун макбул бўлган баҳо кўрсаткичларини аниқлашга ҳаракат қилади. Шу мақсадда у баҳони учга ажратади. Яъни максимал (енг юқори), минимал (енг паст) ва обектив баҳо.

" максимал баҳо - (сотувчи нуктаи назаридан) - бу музоқараларни шу баҳодан бошлаш мумкин бўлган кўрсаткичидир.

" минимал баҳо - (кўшилиши мумкин бўлган энг паст баҳо) - бу товар нархининг шундай кўрсаткичи, тадбиркор музоқаралар давомида ундан тушмасликка ҳаракат қилади.

" объектив баҳо - бу, таркибида ўртача сифат кўрсаткичларига эга бўлган у ёки бу тованинг ўртача баҳосидир.

8-мавзу. Корхона маҳсулотларига (хизматларини, ишларини) нархни шаклланиши (2 соат)

1. Нархнинг иқтисодий моҳият ва турлари

2. Корхонанинг нарх сиёсати

3. Нархнинг шаклланиш стратегияси ва усуллари

4. Тармоқда нархнинг шаклланиши

5. Нархни аниқлаш усуллари

8.1. Нархнинг иқтисодий моҳият ва турлари

Нарх муаммоси ва унинг ташкил топиши механизми иқтисодий назарияда энг мураккаб ва асосий ҳисобланади. Бозор иқтисодиётида нарх тизими асосий ташкилий куч сифатида намоён бўлади. Товарлар нархи тадбиркор учун асосий бир дастак ҳисобланади. У нархга қараб ўзининг шахсий эҳтиёжни қондириш йўлида ҳаракат қилади.

Сотувчи ва харидорнинг, алоҳида ишловчиларнинг, тадбиркорларнинг, тармоқларнинг, бутун жамиятнинг ва давлатнинг иқтисодий манфаатлари нархда акс эттирилган бўлади.

Нарх – товар қийматининг пулдаги ифодаси эканлигини қайд қилади.

Нарх – бу товар ва хизматларнинг фойдалилигини, яъни кишиларга наф келтиришини баҳолаш воситаси бўлиб, товар бирлиги учун тўланадиган пул миқдори билан ўлчанади.

Нарх товар учун олинadиган пул бирлиги миқдори сифатида аниқланади. Бунда икки хил нархни ажратиб кўрсатишади.

а) талаб нархи бу – нарх ҳар бир товар бирлигининг харидорларни ўзига жалб қила олиш қобилиятидир (маълум вақтда), истаклар кўпайса у пасаяди.

б) таклиф нархи – бу товар сотувга келиб тушган нархдир.

Нарх – талаб ва таклифнинг муайян нисбатида, товар (хизмати)ни ишлаб чиқаришга кетган иқтисодий ресурс харажатлари ҳамда унинг нафлилигининг пул кўринишида ифодаланишидир.

8.2. Корхонанинг нарх сиёсати

Бозор иқтисодиёти шароитида нарх бир қатор вазифаларни бажаради:

1. **Бозор мувозанатини таъминлаш.** Бунда нарх бозордаги талаб ва таклифга таъсир кўрсатиш орқали уларни мувозанат ҳолатига келтиради. Бозор нархи-бу мувозанатли нарх бўлиб, у бозорда талаб ва таклифларнинг мос тушганлигини билдиради.

2. **Иқтисодий регуляторлик функцияси.** Нарх бозор иқтисодиётининг асосий механизмидир. Ишлаб чиқарувчилар нарх ўзгаришига қараб иш юритадилар. У барометр каби бозор ҳолатини кўрсатиб туради. Масалан: «А» товарга бўлган талаб ошса нарх ҳам ошади, бу эса тадбиркорларни шу товарни ишлаб чиқаришга йўналтиради ва аксинча.

3. **Рақобат воситаси функцияси.** Маълумки рақобат ҳам бозор иқтисодиётининг ривожланишида асосий рол ўйнайди. Рақобат турларининг энг муҳимларидан бири бу нарх воситасидаги курашдир. Нархни пасайтириш орқали бу курашда ютиб чиқиш мумкин.

4. **Ҳисоб – китоб функцияси.** Нарх – бу алмашув қиймат, бошқача қилиб айтганда, товар учун тўланадиган пул миқдоридир. Шу асосида у ҳисоб-китоб функциясини бажаради.

5. **Социал ҳимоя функцияси.** Бозор иқтисодиётининг ўтиш босқи-чида ижтимоий ҳимоя вазифасини ўтовчи нархлар, аҳолининг кенг қатламларини ҳаётий зарур истъомолчилик товарлари билан минимал даражада таъминлаш мақсадида ҳам қўлланилади. **Қийматни ҳисобга олиш вазифаси.** Товарни ишлаб чиқаришга қилинган харажатлар, олинган натижалар ва унинг нафлилиги нарх ёрдамида ҳисобга олинади.

6. Таксимлаш вазифаси. Нарх воситасида даромадлар, маҳсулотлар ва иқтисодий ресурслар мулкдорлар, тармоқлар, соҳалар ҳамда ҳудудлар ўртасида тақсимланади ва қайта тақсимланади.

Эркин бозор иқтисодиётида нарх асосан талаб ва таклиф асосида ташкил топади.

Агар эркин бозорда таклиф қўп бўлса товарларнинг нархи пасаяди ва аксинча. Товар кам бўлса нарх кўтарилади. Агар талаб ва таклиф бир-бирига мос тушса бозорда мувозанат нарх ташкил топади. Бу нархни биз **бозор нархи** деб атаймиз.

Олдинроқ таъкидлаб ўтганимиздек, у товарнинг нархи бозорда, талаб ва таклиф, ишлаб чиқариш харажатлари ва нафлилиқ асосида ташкил топади. Бу **биринчидан**, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга, **иккинчидан**, товарнинг сифатини яхшилашга ундайди. Бу эса ўз навбатида рақобатда ютиб чиқишга имкон берса, иккинчи томондан аҳолини сифатли товарлар билан таъминлашга шароит яратиб беради.

8.3. Нархнинг шаклланиш стратегияси ва усуллари

Нархларни туркумлашга бир қатор мезонлар асос қилиб олинади. Булар нархларнинг иқтисодий мазмуни, тартибга солиниш даражаси ва амал қилиш доирасидир.

Иқтисодий мазмунига кўра нархлар қуйдаги турларга ажратилади.

- **Улгуржи нархлар.** Бу нархларда товарлар катта партияларда, кўтарасига сотилади. У таркибан ишлаб чиқариш харажатлари ҳамда улгуржи-савдо ташкилотлари харажатлари ва фойдасини ўз ичига олади.
- **Чакана нархлар.** Бу товарлар бевосита истеъмолчиларга сотиладиган нархлар. Чакана нарх ўз таркибига товарнинг улгуржи нархи ҳамда чакана савдо ташкилотлари харажатлари ва фойдасини олади.
- **Харид нархлари.** Бу нархлар давлат буюртмаси бўйича ишлаб чиқарилган товарларга белгиланади. Айрим ҳолларда бундай нархларга муайян устама ва имтиёзлар бўлиши кўзда тутилади.
- **Дотацион нархлар.** Давлат бюджети ҳисобидан арзонлаштирилган нархлардир.
- **Демпинг нархлар.** Бундай нархларда ишлаб чиқарувчилар бозордаги мавқеини мустаҳкамлаш ва рақибларини сиқиб чиқаришда фойдаланади. У бозорга «суқилиб кириш» нархи деб ҳам аталади.
- **Нуфузли нархлар.** Алоҳининг юқори даромад олувчи қатлами харид қиладиган нуфузли (обрў-талаб) товарларга белгиланади.
- **Таърифлар.** Турли хил хизматлар (телефон, транспорт, коммунал ва ҳ.к) баҳоси сифатида чиқади.

Тартибга солиниши даражасига кўра нархнинг қуйдаги турлари мавжуд бўлиши кўзда тутилади.

- **Қатъий белгиланган нархлар.** Маъмурий тарзда белгиланиб, бозор кучлари таъсир кўрсатмайди ва муайян давр давомида доимий бўлиб қолади.
- **Эркин нархлар.** Талаб ва таклиф таъсири остида вужудга келадиган бозор нархларидир.
- **Тартибга солинадиган нархлар.** Айрим товарларга давлат нархларнинг юқори (истеъмолчи манфаатини кўзлаб) ва қуйи (ишлаб чиқарувчи манфаатини кўзлаб) чегарасини белгилаганда, ҳамда молиявий ва кредитли дастаклардан фойдаланиб, нархга таъсир кўрсатганда ўз ўрнига эга бўлади.
- **Шартнома нархлари.** Ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи томонидан шартномада қайд қилинган нархлардир.

Амал қилиш доираси (бозор кўлами)га кўра ҳудудий, миллий ва жаҳон нархлари ажратилади.

- **Ҳудудий (минтақавий) нархлар.** Муайян ҳудудий бозорларда унинг доирасида амал қилувчи омиллар таъсирида шаклланади.
- **Миллий нархлар.** Алоҳида мамлакатлар доирасида ўртача ижтимоий сарф-харажатлар, миллий бозордаги талаб ва таклиф таъсирида шаклланади.

- Жаҳон нархлари. Муайян товарларни ишлаб чиқаришга кетган байналминал харажатларни, товарларнинг жаҳон андозаси талабларига мос келиши даражасини ҳамда халқаро бозордаги талаб ва таклиф нисбатини ўзида акс эттиради.

8.4.Тармоқда нархнинг шаклланиши

Нарх турли омиллар таъсирида шаклланади:

1. **Ишлаб чиқариш харажатлари.** У қанчалик кам бўлса нарх шунчалик паст бўлади ва аксинча. Товарнинг ишлаб чиқариш харажатлари устига ишлаб чиқарувчининг фойдасини қўйиб сотилиши, яъни ишлаб чиқарувчи таклиф қилган нархда сотилиши унга қилган харажатларни (моддий ва меҳнат харажатларини) жамият томонидан тан олинганлигини билдиради.

2. **Товарнинг нафлилиги, яъни унинг истеъмолчиларга фойдалилик даражаси.** Уларнинг эҳтиёжларини қондирилиш даражаси, юқори бўлса истеъмолчи юқори нарх тўлашга рози бўлади.

3. **Талаб ва таклифнинг нисбати, яъни бирор бир товарга талаб катта бўлсаю, у товарнинг таклифи кам бўлса нарх юқори бўлади ва аксинча.**

4. **Рақобат, у таклиф орқали нархга таъсир қилади.** Агар рақобатчилар кўп бўлса нарх пасаяди, агар оз бўлса, ўзаро тил бириктириб олсалар, нарх баланд бўлади. Демак, такомиллашган бозор шароитида ишлаб чиқарувчи бозор нархига таъсир кўрсата олмас экан, яъни нарх даражаси субъектнинг онг савияси, иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда бозор томонидан шаклланади. Бу ерда ишлаб чиқарувчи фойдасини нархни ўзгартириш ҳисобига эмас, балки ялпи даромад билан ялпи ишлаб чиқариш харажатлари ўртасидаги фарқни кўпайтириш ҳисобига олади.

Такомиллашмаган рақобат шароитида эса монополист нарх устидан муайян ҳукмронликка эга бўлади. Нарх устидан назорат қилиш миқёси ҳар хил бўлади.

Аммо бу ерда энг асосийси шуки, монополист доимо максимал фойда келтирадиган нарх ўрнатишга ҳаракат қилади.

Бу ерда талаб қонунини бир эсайлик: агар нарх ошса талаб миқдори пасаяди ва аксинча, нарх пасайса, талаб ортади. Бундан шундай хулосага келиш мумкин: агар монополист бозорни эгаллаб турган бўлса ҳам қўшимча маҳсулотнинг ҳаммасини сотиш учун у нархни тушириши керак. Демак, нарх устидан назорат қилиш бу абсолют нарса эмас, балки нисбийдир. Шунинг учун талаб абсолют эгилувчан бўлмайди (худди монополист ишлаб чиқараётган товарни бошқалар ҳам ишлаб чиқаради, бу эса монополистни ўз товари нархини туширишга мажбур этади).

Бозорда нарх устидан ҳукмронлик қилиш кўп жиҳатдан маҳсулотнинг тавсифига боғлиқ бўлади. Дифференциаллашган товар ишлаб чиқараётган монополист нархни ошириш имкониятига эга бўлади. Бу ҳар хил товарнинг ўрнини тўлдира олмайдиган маҳсулотдир.

Дифференциаллашган маҳсулот ишлаб чиқараётган монополист ҳам нархни оширишга, ҳам талабни камайишига йўл қўймаслиги мумкин. Чунки рақобатчилар нархни бир оз пасайтириш йўли билан мижозларни ўзига қарата олмайди. Чунки улар олдинги ишлаб чиқарувчининг маҳсулотига ўрганиб қолган бўлишлари мумкин.

Бундан шундай хулоса чиқади: маҳсулот дифференциаллашган шароитида нархнинг ташкил топиши ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, баъзида маҳсулот сифатидан, унинг миқдоридан катъий назар нархни ошириш, фойдани кўпайтириши мумкин.

Энди биз олигополия шароитида нархни ташкил топиш хусусиятини кўриб чиқамиз.

Реал (ҳақиқий) ҳаётда соф олигополистик ишлаб чиқариш жуда кам учрайдиган ҳол. Шунинг учун бозор тузилишининг олигополия атамасига боғлаб тушунтирсак анча мақсадга мувофиқ бўлади. Олигополия атамасининг сўзма-сўз таржимаси – **кўп бўлмаган сотувчилар** деган маънони билдиради.

Олигополия шароитида нарх асосан: товар сифатига, рекламасига, кейинчалик техник хизмат кўрсатишга боғлиқ бўлади. Нархни сунъий равишда пасайтириб ёки ошириб фойда олиш кийин, чунки у нархни пасайтирса, иккинчиси ҳам пасайтириши мумкин.

Иқтисодий ресурсларга нарх ташкил топиши ўзига хос хусусиятларга эга. Бу иқтисодий ресурсларга нарх даражасини белгилаб берувчи омиллар мавжудлиги билан боғлиқ. Булар қуйдагилар:

- Ресурсларнинг умумдорлиги;
- Мазкур ресурс ёрдамида ишлаб чиқариладиган товарларнинг бозор нархлари;
- Биргаликда фойдаланиладиган ресурсларнинг умумдорлиги ва бозор нархлари.

Ресурсларга талаб ҳосила талаб ҳисобланади. Шу сабабли бирор ресурс турига талаб миқдори унинг ёрдамида ишлаб чиқариладиган товарларга бўлган талабга боғлиқ бўлади.

Алоҳида олинган ресурслар (ер, ишчи кучи, капитал) нархига айнан шу ресурс турининг хусусиятлари ҳам таъсир кўрсатади.

8.5. Нархни аниқлаш усуллари

Бозор шароитига қараб ўзгармайдиган нархлар стандарт нархлар дейилади. Бунда нарх ўзгармасида, фойда кўпайиши мумкин, яъни бу нарх харидорга қулайлик туғдирувчи харажатларни қисқартириш йўли билан амалга оширилади.

Ўзгарувчан нархлар – булар бозор шароитига қараб оширилиб ёки камайтирилиб турилади. Бунда харажатларнинг энг муҳими талабнинг ўзгариши ҳисобга олинади. Масалан: янги товар модага кираётганда, унга талаб юқори, шунга кўра нархи баланд, у одатдаги товарга айлангач нархи ҳам арзонлаштирилади. Ёки қиш мавсуми бошланганида қишки кийимлар қиммат бўлиб, баҳорга бориб улар арзонлаштирилади. Нархларнинг ўзгариши маълум чегарада юз беради. Нархлар ўртасидаги фарқнинг миқдорий ўлчами нарх диапазони дейилади.

Монопол нархлар монопол мавқеига эга бўлган товарларга белгиланиб, ишлаб чиқариш баҳосидан юқори ёки паст бўлиши мумкин.

Тартибга солинадиган нархлар – бу юқори ва қуйи чегараси белгиланган нархлардир.

Иррационал нархлар ер, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси каби тибий ресурсларга белгиланадиган нархларни билдиради.

Яширин нархлар хуфийна бозорларда шаклландиган нархларни англатади.

Нарх диапазони. Турли нархлар оралиғининг пулдаги ифодаси.

Давлатнинг нархларга аралаштиш фаолияти лимитланган ва дотацияланган нархларни келтириб чиқаради.

Лимитланган нархларда давлат нархларининг юқори ва қуйи чегарасини белгилайди, улар шу доирада ўзгариши мумкин. Бундай нархлар ёрдамида давлат инфляцияни жиловлайди, нархни назорат қилади.

Дотацияланган нархларни бозори касод бўлганида фирмалар арзонлаштирадиган нархлар билан алмаштирмаслик керак. Дотацияли нархлар даромади паст оилалар, бева – бечоралар, ишсиз ва ногирон қабиларни минимал даражада таъминлаб туриш учун ишлатилади. Махсус арзонлаш-тирилган, аммо дотацияси бўлмаган нархлар ҳам борки, уларни белгилашда фирмалар, хайри – эҳсон ташкилотлари қатнашади. Мазкур ҳомийлар одатдаги нарх билан арзонлаштирилган нарх ўртасидаги фарқни ўз ҳисобидан қоплайдилар.

Бозорда нархлар даражаси ва нисбати бозор ҳолатини белгилайди. Нархлар даражаси уларнинг ўлчамидир. Нарх даражаси икки турга бўлинади: 1) Мутлоқ даража – бу нархнинг умумий миқдори бўлиб, маълум товарнинг қанча туришини кўрсатади. Масалан: маълум маркадаги автомашина 4000 динар, 15000 доллар, 80000 франк, 25000 марка, 15000 сўм туради. Бу мутлоқ миқдор, арзончиликни ҳам, қимматчиликни ҳам кўрсатмайди. Бунинг учун нисбий даражани билиш керак. 2) Нисбий даража – бу нархнинг харид қобилиятига нисбати, аниқроғи нархнинг харид қобилиятидаги ҳиссасини кўрсатади. У нарх харид пулини неча фоизини ташкил этишини кўрсатади. Масалан: деҳқоннинг бир ойлик маоши 200 минг сўм деб фараз қилайлик, 1 кг гўшт нархи 6 минг сўм. Демак, гўшт нархининг деҳқоннинг бир ойлик даромадидаги нисбати 3% ($6 \times 100 : 200$)га тенг. Шунингдек нархнинг қуйи ва юқори чегараси деган тушунчалар амал қилади. Нархнинг қуйи чегараси ҳеч бўлмаганда ишлаб чиқариш харажатларини қоплаши керак. Нархнинг юқори чегараси эса ишлаб чиқариш харажатларини қоплаб, иложи борица максимал фойдага эга бўлишни ўз ичига олади. Лекин бозор иқтисодиётида бозор харидорнинг измига

бўйсунди. Харидорнинг пули, унинг харид қобилиятини белгилайди, яъни сотувчилар нархни шу чегарагача оширишлари мумкин.

Давлатнинг нарх сиёсати – бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида нархларни эркинлаштириш ва миллий бозор нархларини жаҳон бозори нархларига яқинлаштиришга қаратилади.

Нархларни эркинлаштиришдан қуйдаги мақсадлар қўзланади:

- хом ашё билан маҳсулот айрим турлари нархлари ўртасидаги номутаносибликни юмшатиш;
- нарх билан аҳоли даромадлари ва корхоналар фойдаси ўртасидаги мутаносибликка эришиш;
- инвестицион товарлар, истеъмол товарлари ва хизматлар нархларининг оқилона нисбатини таъминлаш;
- ишлаб чиқариш воситалари, халқ истеъмол товарлари, бажарилган ишлар ва хизматларнинг эркин нархлари ҳамда тарифларига ўтиш;
- миллий бозор нархларини жаҳон бозори нархларига яқинлаштириш.

Нархларни эркинлаштириш-иқтисодий ислохотларнинг энг асосий йўналиш-ларидан бири бўлиб, ислохотларнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари кўп жиҳатдан шу муаммонинг ҳал этилишига боғлиқ бўлади. Нархларни эркинлаштириш хом ашё билан маҳсулот айрим турларининг нархлари, нарх билан аҳоли ва корхоналар даромадлари ўртасида мутаносибликка эришишга қандай ёндашилиши билан фарқланади. Шу ёндашувларга асосланиб, нархлар қуйидаги йўллар билан эркинлаштирилади:

а) нархларни бирданига ёки «эсанкиратадиган» тарзда қўйиб юбориш;

б) нархлар ўсишини сунъий равишда тўхтатиб қўйиш; в) нархни давлат томонидан бошқариш ва назорат қилишни маълум даражада сақлаб қолиш.

9-мавзу. Корхона фаолиятининг молиявий натижалари

(2 соат)

9.1. Корхона даромадлари

9.2. Корхонанинг фойдаси, уни тақсимлаш

9.3. Оптимал ишлаб чиқариш ҳажмларини аниқлаш ва даромадни максимал даражасини аниқлаш

9.4. Корхона рентабеллиги

1. Корхона даромадлари. Саноат корхоналари даромади – фойдаси тўғрисида тушунча.

Даромад — кенг маънода кирим бўлган ҳар қандай пул маблағлари ёки пул қийматига эга бўлган моддий бойликларни олиш, иқтисодий субъект ўз фаолияти натижасига қўра оладиган пул ва товар — моддий тушум.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳар бир корхона фаолиятининг энг асосий вазифаси ҳисобланади. У хўжалик юритишнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини, шунингдек, буюмлашган ва жонли меҳнат харажатлари ҳамда олинган натижалар ўртасидаги муносабатни ифодалайди.

Самарали ишлаш дегани, мўлжалланган фойдани олиш, ишлаб чиқариш қувватлари ва иш кучидан яхшироқ фойдаланиш, ноишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, меҳнат самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилашдир.

Самара - ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ёки кўрсатилаётган хизматнинг фойда ва даромад ҳажмини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш каби ижобий натижалардир. Натурал шаклда ишлаб чиқариш самарасини, пул шаклида иқтисодий самарани ифодаланади.

Самарадорлик - бу, фойдалилик, натижаликдир. Маълумки, қандайдир натижа олиш учун меҳнат қилиш, ишлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш ва маълум миқдорда харажат қилиш керак. Самарадорликни аниқлаш учун натижани шу натижага эришишга сарфланган харажатлар ёки ресурслар билан таққослаш керак. Самарадорлик, ишлаб чиқариш фаолияти натижалари билан уларга эришиш учун сарфланган меҳнат, моддий ва молиявий

ресурсларнинг ўзаро нисбатидир. Корхона ўзининг хўжалик, илмий-техник ва инвестицион сиёсатини белгилашда самарадорликдан келиб чиқади.

Самарадорликнинг иқтисодий ва ижтимоий турлари мавжуд.

Иқтисодий самара - материал, меҳнат, пул ва бошқа ресурсларни тежаш туфайли эришилган миқдор.

Ижтимоий самарадорлик - ишлаб чиқариш самарадорлигининг меҳнат шaroитларини, унинг ижодкорлик мазмунини бойитиш, ақлий ва жисмоний меҳнат ўртасидаги фарқни йўқотишни ифодалайди.

Иқтисодий самарадорлик ижтимоий самарадорликка нисбатан бирламчи ҳисобланади, чунки иқтисодий ютуқлар корхонанинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга ёрдамлашади. Самарадорлик туфайли корхона куйидагиларга эга бўлади:

" ўзининг иқтисодий барқарорлигини ва рақобатбардошлилигини таъминлайди;

" ўз имиджини яхшилади ва ҳамкорлар билан алоқаларини мустаҳкамлайди;

" ходимларнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволини яхшилади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш куйидаги омиллар билан боғлиқ бўлади:

"бозор талабларига жавоб берувчи юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда энг кам харажатлар билан ишлаб чиқаришнинг максимал ҳажмини таъминловчи, оптимал ишлаб чиқариш жараёнини танлаш;

" истеъмолчилар талабини қондирадиган маҳсулот ишлаб чиқариб сотиш ва фойда олиш;

" айланма воситаларни тежаш имкониятини яратувчи оптимал ишлаб чиқариш захираларини яратиш.

Хўжалик самарадорлигини баҳолаш, корхонада фойдаланиладиган ресурс турлари бўйича амалга оширилиши ва миқдор жихатидан ўлчаниши мумкин. Масалан: иш кучидан фойдаланиш самарадорлигини меҳнат унумдорлиги ва маҳсулотнинг меҳнат сиғими кўрсаткичлари ёрдамида баҳолаш мумкин. Меҳнат унумдорлиги-инсон меҳнатининг муайян вақт ичида озми - кўпми маҳсулот ишлаб чиқариш қобилиятидир.

$$M_u = \frac{Q}{I_s}$$

бу ерда:

M_u – меҳнат унумдорлиги;

Q - маҳсулот ҳажми қиймат кўринишида;

I_s - ишчилар сони.

Маҳсулотнинг меҳнат сиғими - меҳнат унумдорлигига тескари катталиқ бўлиб, сарфланган меҳнат миқдорининг ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбати билан аниқланади. Меҳнат унумдорлиги - инсоннинг муайян вақт ичида озми-кўпми маҳсулот ишлаб чиқариш қобилиятидир.

$$T = \frac{I_s}{Q}$$

Меҳнат қуролларида фойдаланиш самарадорлиги маҳсулотнинг фонд сиғими ва фонд қайтими кўрсаткичлари ёрдамида аниқланади. Фонд қайтими корхона асосий фондларининг бир бирлигига тўғри келувчи ишлаб чиқарилган маҳсулотни англатади. У маҳсулот сотишдан тушган бир йиллик тушумни асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қийматига нисбати сифатида аниқланади.

$$f_q = \frac{Q}{F}$$

бу ерда:

Q - маҳсулот ҳажми, қиймат пул кўринишида;

F - асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати

Фонд сиғими бир бирлик янги асосий фондларни ташкил қилиш учун зарур бўлган капитал кўйилмаларни англатади.

$$f_s = \frac{F}{Q}$$

Фондкайтими канчалик юкори ва фондсиғими канчалик паст бўлса, меҳнат қуроллари дан фойдаланиш самарадорлиги шунчалик юкори бўлади ва аксинча. Фондкайти миникўпайтиришнинг муҳим заҳираси, асбоб-ускуналардан умумли фойдаланиш, технологияларни такомиллаштириш ва ҳодимлар маалакасини оширишдир.

Меҳнат қуроллари дан фойдаланиш самарадорлиги, маҳсулотларнинг материал сиғими ёрдамидасарфланган ҳолаш, материал, ёкилги, энергия ва меҳнат предметларининг умумий қийматини ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбати орқали аниқланади.

$$m = \frac{MX}{Q}$$

бу ерда:

m – маҳсулотларнинг материал сиғими;

MX – моддий харажатлар миқдори, сўм;

Q – маҳсулот ҳажми, сўм

Самарадорликни ошириш омиллари қуйидагилар: маҳсулотнинг меҳнат сиғими, материал сиғими, фонд сиғимини камайтириш ва фонд қайтимини ошириш, табиий ресурслардан ратсионал фойдаланиш ва вақтни тежаш. Буларни амалга ошириш учун ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг барча омилларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари бўйича гуруҳлаш керак. Бу йўналишларга қуйидагилар киради:

" ишлаб чиқариш структурасини яхшилаш;

" фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқариш ва маҳсулотнинг техник-иқтисодий даражасини кўтариш;

" ишлаб чиқаришнинг иқтисослаштириш, кооперациялаш, комбинатлаштириш ва ҳудудий жойлаштириш даражасини ошириш;

" инсон омилини кучайтириш асосида меҳнаткашларнинг ижодий фаоллигини ва ташаббусини оширишнинг йўлга қўйиш ;

" ҳолаш ва материалларнинг замонавий турларини яратиш ва улардан фойдаланиш;

" ишлаб чиқариш ва меҳнатни илмий ташкил этиш.

2. Корхонанинг фойдаси, уни тақсимлаш

Саноат ва унинг барча бўғинлари ишини тавсифловчи сифат кўрсаткичларидан бири фойда ва рентабелликдир. **Фойданинг асосий вазифаси** ишлаб чиқариш фаолиятининг натижасидан олинган иқтисодий самарани тавсифлайди, чунки у сўнгги молиявий натижани ифодалайди.

Фойда саноат, тармоқ ва корхонанинг ҳамма, ишлаб чиқариш, хўжалик фаолияти натижаларини умумлаштирувчи кўрсаткичдир. Балансдаги фойда ёки фойданинг умумий суммаси - товар маҳсулотини сотишдан, ишлаб чиқаришдан ташқари, бажарилган ишлар ва хизматлардан олинган даромадлардан, корхона ёрдамчи хўжаликларининг маҳсулотларини сотишдан олинган даромадлардан ташкил топади.

Маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда (YaF) - бу, сотишдан олинган соф тушум билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

$$YaF = SST - MT$$

бу ерда:

YaF – ялпи фойда;

SST – сотишдан тушган соф тушум;

MT – маҳсулотнинг таннари.

Соф фойда (SF) –бу солик тўлангандан кейин хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолади,соликлар тўлангунга қадар олинган фойдадан минус даромад соликлари ва бошқа солик ва тўловлар айирмаси сифатида аниқланади.

$$SF = STF - DS - BS$$

бу ерда:

SF – соф фойда;

DS – даромаддан тўланадиган солиқ;

BS - бошқа солиқ ва тўловлар.

Фойда олишнинг асосий манбалари:

"корхонани махсулотнинг у ёки бу турини ишлаб чиқишдаги монополия ҳолати ёки махсулотнинг нодирлиги ҳисобига шаклланади;

"ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ, бозор конъюнктурасини билиш ҳамда ишлаб чиқаришнинг ривожланишини, доимий равишда ўзгариб турувчи бозор конъюнктурасига мослаштириш қобилиятига боғлиқ бўлади. Фойда миқдори корхонанинг махсулот ишлаб чиқариш бўйича йўналишини тўғри танлаш, махсулотларни сотиш ва хизмат кўрсатиш учун рақобатбардош шароитларни яратиш, ишлаб чиқариш ҳажми, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш билан боғлиқ.

"корхонанинг инновацион фаолиятидан келиб чиқиб, технологияларни такомиллантириш, ишлаб чиқарилаётган махсулотларни янгилаш, рақобатбардошлигини таъминлаш, сотиш ҳажми ва фойда миқдорини оширишни аниқлатади.

Фойдани тақсимлаш деганда унинг бир қисмини бюджетга жўнатиш тушунилади.

Фойдани тақсимлаш тамойиллари қуйидагилардан иборат:

" корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолияти натижасида олинган фойдаси давлат ва корхона ўртасида хўжалик субъекти сифатида тақсимланади;

" фойданинг давлатга тўланувчи бир қисми солик ва йиғимлар кўринишида бюджетга келиб тушади. Соликлар таркиби ва фоизи, уларни ҳисоблаш тартиби ва бюджетга тўланувчи бошқа тўловлар қонунчилик томонидан белгиланади;

" соликлар тўлангандан сўнг корхона тасарруфида қолувчи фойда миқдори, унинг ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш ҳамда ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият натижаларини яхшилашдан манфаатдорлигини камайтирмаслиги лозим.

Фойдани оширишнинг асосий йўллари:

" ишлаб чиқарилаётган махсулот миқдорини, сифатини ошириш;

" ортиқча асбоб-ускуналар ва бошқа мулкни сотиб юбориш ёки ижарага бериш;

" моддий ресурслар, ишлаб чиқариш қувватлари ва майдонлари, иш кучи ва иш вақтидан унумлироқ фойдаланиш ҳисобига махсулот таннархини пасайтириш;

" ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш;

" махсулот бозорини кенгайтириш ва ҳ.к.

3. Оптимал ишлаб чиқариш ҳажмларини аниқлаш ва даромадни максимал даражасини аниқлаш

Харажатларни камайтиришнинг ҳал қилувчи шарти доимий технологик тараққиётдир. Янги технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, технологияни такомиллаштириш, илғор материалларнинг турларини жорий этиш махсулот таннархини сезиларли даражада камайтириши мумкин.

Ишлаб чиқаришнинг ўсиши билан корхонанинг фойдаси нафақат харажатларнинг камайиши, балки ишлаб чиқарилаётган махсулотлар сонининг кўпайиши ҳисобига ошади. Шундай қилиб, махсулот ишлаб чиқариш ҳажми қанчалик катта бўлса, корхона томонидан олинган фойда шунча кўп бўлади.

Махсулот таннархини пасайтириш учун курашда энг муҳим нарса бу корхонанинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолиятининг барча соҳаларида қатъий иқтисодга риоя қилишдир.

Мамлакатимизда иқтисодиётда содир бўлаётган ўзгаришларга турли даражадаги жуда кўп омиллар таъсир кўрсатади. Омилларнинг таъсир даражаси салмоғининг катта ёки кичик бўлиши, муҳим ёки муҳим эмаслигига қарамай, ҳар бири натижа тавсифидаги ўзгаришларда ўз ўрнига эга. Корхоналарнинг бизнес фаолиятида юқори самарага эга бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳам иқтисодий субъектларни ривожлантирувчи муҳим омиллардан бири саналади. Ушбу омил иқтисодиётни барқарор ривожлантиришда, ҳам микро (корхона миқёсида), ҳам макро (корхоналар миқёсида) даражада катта аҳамиятга эга. Мамлакатимиз иқтисодиётидаги ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш эканлиги белгилаб қўйилган. Демак, бу борадаги ишларни тўғри йўлга қўйиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир.

Корхоналарда юқори иқтисодий самарага эга бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда соҳага оид адабиётларнинг роли ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки тегишли адабиётлардаги усул ҳамда услублар воситасида маҳсулотнинг самараси илмий-амалий асосда аниқланади, башоратланади, режалаштирилади, ҳисоб-китоб қилинади, назорати амалга оширилади ҳамда иқтисодий таҳлил қилиниб ўрганилади. Пировард натижада эса юқори самарага эга деб топилган маҳсулот бўйича ишлаб чиқариш фаолияти йўлга қўйилади ҳамда мақсадга мувофиқ бошқарилади. Кузатишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, соҳага оид адабиётларда маҳсулотнинг самараси кўрсаткичи турли ёндашувлар ҳамда улардан келиб чиқадиган услублар асосида аниқланмоқда. Қайд этиш керакки, муайян ёндашувлар асосида тавсия этилган кўрсаткичлар ўз тайинланишига кўра иқтисодий самарадорликни қайси бир жиҳатдан ўлчаб акс эттириб бермоқда ҳамда ўз амалий аҳамиятини намоён қилмоқда. Бироқ давримиздаги иқтисодий муносабатларнинг тез ва кескин ўзгариши уларнинг талабларини дарҳол эътиборга олишни зарурат қилиб қўймоқда. Бу эса муносабат ва унинг натижаларини ўлчаш ҳамда аниқлаш учун ўзига хос асос ёки ҳисоб-китоб объектларини ҳамда тартибларини талаб этмоқда. Замонавий ёндашувлар янги муносабатларнинг натижадорлигини тўғри аниқлашни таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Яъни амалдаги анъанавий усулларда эътибор берилмаган жиҳатлар ёки йўл қўйилаётган камчиликлар бартараф этилмоқда. Инновацион қарашлар асосида янги ҳисоблаш объектлари ҳамда тартиблари тавсия қилинмоқда. Фикримизга мисол тариқасида корхона бизнес фаолияти самарасини аниқлаб берадиган асослардан бири рентабеллик кўрсаткичини келтириб ўтамыз.

Амалиётда рентабеллик зарурати, ўрни ва аҳамиятига кўра самарадорликни акс эттириб берувчи бошқа турдаги кўрсаткичлардан фарқли жиҳатларга эга. Рентабеллик кўрсаткичи ҳисобот даврида муайян ҳисоб объектига (одатда сарфланган ишлаб чиқариш харажатлари, активлар, хусусий капитал ва шу кабилар) нисбатан тўғри келадиган фойдалилик даражасини ифодалаб беришга тайинланган. Бу билан муайян ҳисоб объектининг нисбий ўлчовлардаги самараси аниқланади ҳамда унинг самарали ёки самарасиз эканига баҳо берилади. Рентабеллик кўрсаткичи ҳам халқаро майдонда, ҳам миллий иқтисодиётдаги корхоналар ҳисоб тизимида кенг қўлланилади. Рентабеллик кўрсаткичи тайинланишига кўра бир неча турга бўлинади. Мисол учун, жами активлар рентабеллиги, асосий воситалар рентабеллиги, жорий активлар рентабеллиги, хусусий капитал рентабеллиги ва шу кабилар. Гарчанд рентабеллик кўрсаткичлари номланиши ва мазмунига кўра ўзаро бир-бирларидан фарқланса-да, моҳиятига кўра бир турга мансублигини сақлаб қолади.

Рентабеллик кўрсаткичларини бир тизимга келтириб, уларнинг зарур ёки камчилик томонларини бир мақола доирасида ёритиб бериш имконияти мавжуд эмаслигини эътиборга олиб, билдирмоқчи бўлган фикримизни маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллиги кўрсаткичи мисолида баён этамыз.

4. Корхона рентабеллиги

Хўжалик фаолияти самарадорлигининг умумлаштирувчи мезон кўрсаткичи рентабелликдир.

Рентабеллик - хўжалик фаолиятининг самарадорлик даражасини билдирувчи кўрсаткичлардан бири бўлиб, у маълум вақт (йил, ой, квартал) давомида ишлаб чиқариш фаолиятининг фойдалилиги (ёки зарарлилигини) кўрсатади.

Корхона рентабеллиги олинган фойдани килинган сарфларга таккослаш оркали аникланади ва у фоизларда ўлчанади.

Рентабеллик назариясида унинг бир канча турлари мавжуд бўлиб, улар жумласига куйидагилар киради:

" сотиш рентабеллиги;

" асосий фаолият рентабеллиги;

" хусусий капитал рентабеллиги;

" асосий капитал (фондлар) рентабеллиги;

" перманент капитал рентабеллиги;

" айланма капитал рентабеллиги;

" қарзга олинган капитал рентабеллиги;

" реал асосий капитал рентабеллиги;

" инвестирилган капитал самарадорлиги.

1. Сотиш рентабеллиги деганда, ҳар бир сотилган маҳсулот суммасига канча харажат килинганлик даражаси тушунилади.

Демак, бу кўрсаткич сотилган маҳсулот қиймати билан ана шу маҳсулотни ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларни таккослаш асосида юзага келади. Бундай коэффициент баҳолаш сиёсатидаги ўзгаришларни ва сотилган маҳсулот таннархини назорат қилиш бўйича корхонанинг қобилиятини тавсифлайди.

Сотиш рентабеллигини куйидаги формула оркали ифодалаш мумкин

$$R_s = \frac{\text{sotilgan mahsulot tan narxi}}{\text{haqiqiy sotilgan mahsulot}}$$

2. Асосий фаолият рентабеллиги- ишлаб чиқаришнинг фойдалилиги, натижалилигидир. Бу кўрсаткич ишлаб чиқариш самарадорлигини тавсифлайди ва куйидагича ифодаланади

$$R_a = \frac{\text{mahsulot sotishdan olingan foyda}}{\text{mahsulot ishlab chiqarish xarajatlari}}$$

3. Хусусий капиталнинг рентабеллиги - корхона (фирма), тармок хусусий капиталининг фойдалилиги ва натижалилигидир. У куйидаги формула ёрдамида аникланади

$$R_{xx} = \frac{\text{sof foyda}}{\text{xususiy xarajatlarning o'rtacha qiymati}}$$

Бундай коэффициент хусусий капиталдан фойдаланиш даражасини, яъни корхона томонидан хусусий капиталнинг ўртача қийматига канча соф фойда олинганлигини кўрсатади

4. Асосий капитал (фондлар) рентабеллиги - асосий фондлар ва бошқа оборотдан ташқари активларнинг фойдалилиги. У куйидагича аникланади.

$$R_{ak} = \frac{\text{sof foyda}}{\text{ko'p muddatli aktivlar qiymati}}$$

5. Перманент капитал рентабеллиги - перманент капиталнинг фойдалилиги, натижалилигидир. У куйидаги формула ёрдамида аникланади

$$R_p = \frac{\text{sof}}{\text{permanent kapitalining o'rtacha qiymati}} \frac{\text{foyda}}{\text{foyda}}$$

6. Айланма капиталнинг рентабеллиги - айланма капиталнинг фойдалилиги, натижалилиги. У хар бир сўмли айланма капиталдан канча фойда олиш мумкинлигини кўрсатади. Уни куйидаги формула асосида аниклаш мумкин

$$R_a = \frac{\text{sof}}{\text{aylanma kapitalining o'rtacha qiymati}} \frac{\text{foyda}}{\text{foyda}}$$

7. Карзга олинган капиталнинг рентабеллиги - карзга олинган капиталнинг фойдалилиги, унумлилиги. У куйидагича аникланади

$$R_q = \frac{\text{sof}}{\text{qarzga olingan kapitalining o'rtacha qiymati}} \frac{\text{foyda}}{\text{foyda}}$$

Бу коэффициент хар бир сўмли карзга олинган капитал канча фойда келтирганлигини ифодалайди.

8. Реал асосий капиталнинг рентабеллиги унинг фойдалилигини ифодалайди ва хар бир сўмли реал асосий капитал канча сўм фойда келтирганлигини кўрсатади. У куйидаги формула асосида аникланади

$$R_{RK} = \frac{\text{sof}}{\text{real asosiy kapital}} \frac{\text{foyda}}{\text{foyda}}$$

9. Инвестиранган капитал рентабеллиги - инвестиция маблағларининг натижалилиги, фойдалилиги. Бу кўрсаткич инвестиция туфайли олинган маблағларнинг канчалик самара беришини ифодалайди ва куйидаги формула оркали аникланади:

$$R_{IK} = \frac{\text{solisqlarsiz foyda} + \text{to'langan foizlar summasi}}{\text{xususiy kapital} + \text{uzoq muddatli qarz kapital}}$$

Рентабеллик даражаси кўрсаткичининг юкори бўлиши корхона (фирма) ихтиёридаги асосий ва айланма фондлардан окилона фойдаланилаётганини ва корхона (фирма)нинг маълум микдорда фойда (даромад) олаётганлигини кўрсатади.

Рентабеллик даражасини кўтариш учун саноатнинг барча тармоклари ва корхоналари сотилган махсулот хажмини оширишга, уни ишлаб чиқариш учун сарфланаётган харажатларни камайитиришга, ишлаб чиқарилган махсулот сифатини оширишга қаратилган тадбирларни амалга оширишлари зарур.

10-мавзу. Корхонанинг инвестицион фаолияти (2 соат)

- 1 Инвестициялашнинг вазифаси ва иқтисодий мазмуни
- 2 Корхона инвестицияларининг манбалари
- 3 Инвестицион лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолашнинг услубий асослари
4. Самарадорликни аниқловчи кўрсаткичлар
5. Иқтисодий самарадорлик
6. Инвестицияларнинг қопланиш муддати
7. Хатарлар ва уларнинг инвестицион лойиҳадаги зарари

1. Инвестициялашнинг вазифаси ва иқтисодий мазмуни

«Инвестиция» атамаси лотин тилидаги «invest» сўздан келиб чиққан бўлиб «қўйиш», «маблағни сафарбар этиш», «капитал қўйилмаси» маъносини беради. Кенг маънода инвестиция маблағни қўпайтириб ва қайтариб олиш мақсадида капитални сафарбар этишни билдиради.

Кўпгина ҳолларда «инвестиция» тушунчаси иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар тарзида таърифланади. Инвестиция деганда барча турдаги миллий ва интеллектуал бойликлар тушунилиб, улар тадбиркорлик фаолияти объектларига йўналтирилиб даромад келтириши ёки бирор-бир ижобий самарага эришиши зарур. Инвестиция киритишдан асосий мақсаддаромад олиш ва ижобий ижтимоий самарага эришишдир. Инвестиция тушунчасига янги капитални барпо этиш учун сарфланган харажат сифатида ҳам таъриф бериш ўринли.

Инвестициялар - бу янги корхоналар қурилишига, машина ва асбоб-ускуналар сотиб олишга, яъни янги капитални барпо этишга кетган харажатлардир.

Инвестиция тушунчасини тўла ёритиш учун унга берилган тарифларни келтириш жоиз. Инвестициялар - бу ҳали буюмлашмаган, лекин ишлаб чиқариш воситаларига қўйилган капиталдир. Ўзининг молиявий шаклига кўра, улар фойда олиш мақсадида хўжалик фаолиятига қўйилган активлар ҳисобланса, иқтисодий хусусиятига кўра, у янги корхоналар қуришга, узок муддатли хизмат кўрсатувчи машина ва асбоб ускуналарга ҳамда шу билан боғлиқ бўлган айланма капиталнинг ўзгаришига кетган харажатлардир.

Хорижий инвестициялар - бу чет эл инвесторлари томонидан юкори даражада даромад олиш, самарага эришиш мақсадида мутлок бошқа давлат иқтисодиётининг, тадбиркорлик ва бошқа фаолиятларига сафарбар этадиган барча мулкый, молиявий, интеллектуал бойликлардир.

Молиявий инвестициялар кимматбаҳо қоғозлар, акция ва облигациялар сотиб олиш, пул маблағларини банкларга фоиз олиш мақсадида депозит ҳисоб ракамларига қуйиш билан ифодаланади.

Реал инвестициялар пул маблағларини капитал қурилиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга киритишни ифодалайди. Реал инвестициялар корхона, тармок ва бутун миллий иқтисодиётининг куч-қувватини белгилаб беради.

Инвестициялар аввалдан уйлаб қурилган мақсад ва биринчи уринда инвестицион лойиҳа асосида корхона ишлаб чиқариш потенциалини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш вазифасини бажаради.

Иқтисодий категория сифатида инвестиция қуйидагича таснифланади:

" авайланган (бирламчи жамғарилган) капитални қўпайтириш мақсадида капитални тадбиркорлик объектларига жойлаштириш;

" инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида инвестиция фаолияти иштирокчилари ўртасида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлардир.

Инвестиция киритишда, аввало:

" инвестиция фаолияти субъектларнинг мустақиллиги ва ташаббускорлиги;

" киритилаётган моддий неъматларга инвестиция макomini бериш (фуқаро ўзининг эҳтиёжларини қондириш учун олган буюмлари инвестиция бўла олмайди);

" қонун билан белгиланган инвестиция фаолиятини амалга ошириш имқонияти яратилиши зарур бўлиб ҳисобланади.

2. Корхона инвестицияларининг манбалари.

Деярли барча фаолият кўрсатувчи корхоналар давлатга тегишли болган собик маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитларида инвестицияларнинг асосий манбаи давлат (бюджет) маблағларидан ташкил топар эди. Гарчи ўша шароитларда ҳам жамгарма фондлар - асосий инвестицион манбалар корхоналар фойдаси (даромади) ҳисобига амалга оширилган бўлсада, корхоналарнинг маблағларни қаердан олиш ва қаерга жойлаштириш тўғрисида "боши" оғримас эди. Қўшимча манба сифатида корхоналарнинг амортизация фонди хизмат қиларди.

Мазкур тушунчалар (жамгарма фонди, амортизация фонди, фойда) ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган бўлиб, инвестицияларнинг асосий манбаи ҳисобланади. Масалан, давлат корхоналари учун асосий инвестиция манбаи қуйидагилар: фойда, амортизация фонди ва бюджет маблағлари, қўшма корхоналар учун - фойда, амортизация фонди ва кредит ресурслари.

Режалаштириш ва бошқарув тизимида шунингдек, инвестиция манбаларини аниқлашнинг ички ва ташқи турларидан ҳам фойдаланилади.

Инвестицияларнинг ички манабалари куйидагилар:

- " ишлаб турган асосий капиталга хисобланувчи амортизация ажратмалари натижасида шаклланивчи, корхонанинг ўз молиявий воситалари;
- " фойданинг инвестиция эҳтиёжларига ажратилувчи қисми;
- " суғурта компаниялари ва муассасалари томонидан табиий офат ва бошқа ходисаларда тўланувчи маблағлар;
- " корхонанинг акциялар чиқариши ва сотиши натижасида олинувчи маблағлар;
- " юқори турувчи ва бошқа органлар томонидан қайтариб бермаслик асосида ажратилувчи маблағлар;
- " хайрия ва шу каби бошқа маблағлар.

Инвестицияларнинг ташки манбалари куйидагилар:

" марказий ва маҳаллий бюджетдан, тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи турли хил фондлар томонидан ажратилувчи қайтариб бермаслик асосидаги маблағлар;

" корхоналар Низом жамгармасида молиявий ёки бошқа моддий ва номоддий иштирок шаклида, шунингдек, халқаро молия институтлари ва алоҳида шахсларнинг тўғридан-тўғри қўйилмалари шаклида киритилувчи хорижий инвестициялар;

" давлат ва турли хил фондлар томонидан қайтариб бериш шарти билан берилувчи кредитлар, жумладан имтиёзли кредитлар.

Корхоналарнинг мустақил хўжалик фаолияти шароитларида ички маблағлар таркибида амортизация ажратмалари асосий ўринни эгаллайди. Унинг корхона инвестицион ресурсларидаги улуши 50% ва ундан купрокни ташкил этади.

Инвестицион мақсадларга йўналтирилувчи маблағлар танқислиги шароитида лизинг инвестицион фаолиятни фаоллаштирувчи муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Лизинг - молиявий-кредит муносабатларининг шаклларида бири бўлиб, корхоналарнинг қурилма ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқарувчи корхоналар ёки махсус ташкил қилинган лизинг компанияларидан узоқ муддатга ижарага олишини англатади. Лизинг битимида кўрсатилган томонлардан ташкари инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда уларни бунинг учун зарур бўлган маблағлар билан таъминлаш имкониятига эга бўлган тижорат ёки инвестицион банклар ҳам иштирок этиши мумкин.

Инвестициялардан (капитал қўйилмалардан) фойдаланишнинг асосий йўналишлари куйидагилар хисобланади:

- " янги қурилиш;
- " корхонани кенгайтириш ва қайта тиклаш;
- " ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ва техник жихатдан қайта қуrollантириш;
- " ҳаракатдаги қувватларни такомиллаштириш.

Янги қурилишга янги майдонларда махсус ишлаб чиқилган лойиҳалар асосида қурилувчи корхона, бино, иншоот ва қурилмалар мансубдир.

Фаолият юритаётган корхонани кенгайтириш қўшимча ишлаб чиқариш мажмуаларининг навбатдаги қисмларини янги лойиҳа асосида қуриш ёки асосий, қўшимча, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришнинг амалдаги цехларини кенгайтириш ёки қуришни англатади. У асосан, фаолият юритаётган корхона ҳудудида ёки унга туташ майдонларда амалга оширилади.

Қайта тиклаш бу, фаолият юритаётган корхонани маънавий ва жисмоний эскирган қурилма ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш, технологик бўғинлар ва ёрдамчи хизматдаги номутаносибликларни йўқотиш йўли билан алмаштириш ёрдамида тўлиқ ёки қисман ўзгартиришни англатади. Қайта тиклашда эски цехлар ўрнига янги цехларни қуришга рухсат берилади.

Техник қайта қуrollантириш алоҳида ишлаб чиқариш турларини замонавий талабларга асосан янги техника ва технологияларни киритиш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш, эскирган қурилма ва ускуналарни янгилаш ва алмаштириш, ишлаб чиқариш тузилмаси ва ташкил этилишини яхшилаш йўли билан, корхонанинг техник даражасини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуасидир. У ишлаб

чиқариш интенсивлигини кучайтириш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилашга йўналтирилган.

Молиявий ресурслар ва ер танқислиги шароитларида, иккинчи томондан эса, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан унумлироқ фойдаланиш учун янги қурилишни нисбатан чекланган ҳолатда, асосан жуда зарур ҳоллардагина амалга оширилади. Шу сабабли бугунги кунда инвестицияларнинг энг кўп тарқалган йўналишлари сифатида, умуман олганда янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳам кўзда тутувчи мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қайта тиклаш ва техник жихатдан қайта қуrolлантиришни кўрсатиш мумкин.

Янги қурилиш ҳамда мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва қайта тиклашга йўналтирилувчи капитал қўйилмалар асосан қуйидаги элементлардан иборат бўлади:

- " қурилиш-монтаж ишлари харажатлари;
- " машина ва ускуналар сотиб олишга сарфланувчи харажатлар;
- " лойиҳа кидирув ва бошқа илмий ишланмаларга сарфланувчи харажатлар.

Капитал қўйилмаларнинг юқоридаги турлари инвестицияларнинг технологик тузилмасини тавсифлайди. Ҳозирги пайтда иқтисодиёт ривожланишига киритилувчи капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажмида қуйидаги тузилма вужудга келди:

қурилиш-монтаж ишлари харажатлари - 55-60%, машина ва ускуналар сотиб олишга сарфланувчи харажатлар - 35-30%, лойиҳа кидирув ва бошқа илмий ишланмаларга сарфланувчи харажатлар - 10%.

Капитал қўйилмаларнинг мулк шаклига кўра тузилмаси бу, инвестицияларнинг давлат, акциядорлик, кўшма, ижара ва бошқа турдаги жамоа корхоналари ўртасида тақсимланишидир. Капитал қўйилмаларнинг самарали тузилмаси уларни тежаш, энг кам харажатлар билан энг кўп фойда олишга тенгдир.

Инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш тузилмаси янги қурилиш ҳамда мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қайта тиклаш ва техник жихатдан қайта қуrolлантиришга сарфланувчи харажатлари ўртасидаги ўзаро нисбатни ифодалайди.

3.Инвестицион лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолашнинг услубий асослари

Инвестиция лойиҳаси капитални корхона унинг ишлаб чиқариш қуввати ва бошқа сифат курсаткичларини кучайтириш мақсадида ривожлантириш ва кенгайтиришга киритишни режалаштириш ва амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуасидир. Инвестиция лойиҳасини тайёрлаш ва амалга ошириш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- " инвестициявий ғоя(фикр)ни шакллантириш;
- " ғоянинг дастлабки асосланиши;
- " лойиҳада кузда тутилган техник қарорнинг таҳлили;
- " сертификат талабларининг бажарилишини текшириш;
- " инвестиция лойиҳаси бўйича давлат бошқарув идоралари билан келишув юзага келтириш;
- " ахборот меморандумини тайёрлаш.

Юқорида кўрсатилганларни амалга оширгандан сунг лойиҳани ишлаб чиқиш ва техник-иқтисодий асослаб бериш (тушунтириш хатидан то инвестицион мулжалларнинг мақсад ва вазифалари ҳамда қутилаётган натижалар акс эттирилувчи лойиҳа-смета ҳужжатларига) зарурати туғилади.

Инвестициялар аввалдан ўйлаб қўрилган мақсад ва биринчи ўринда инвестицион лойиҳа асосида корхона ишлаб чиқариш потенциалини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш вазифасини бажаради.

Корхоналар учун инвестиция жараёнининг сўнгги босқичи муҳим аҳамият касб этади. Ушбу босқичда амалга оширилган янгиликлар эксплуатацион синовлардан ўтказилиб, амалдаги ва лойиҳа кўрсаткичлари баҳоланади ҳамда инвестиция жараёнининг худди шу жараёнида ҳал қилиниши лозим бўлган четга оғиш ва камчиликлар аниқланади.

4. Самарадорликни аниқловчи кўрсаткичлар.

Самарадорлик муайян натижаларга эришишни англатади. У сарафланган харажатлар ва олинган натижалар нисбати асосида аниқланади. Харажатлар канчалик кам ва натижалар канчалик кўп бўлса, самарадорлик ҳам шунчалик юқори бўлади.

Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлиги бутун ишлаб чиқариш самарадорлигининг таркибий қисмидир.

Турли даражадаги хўжалик фаолиятида инвестицияларнинг иложи борица кўпроқ фойда, кайтим келтириши асосий вазифа килиб белгиланади. Бу қоидадан четга чиқиш ресурсларни йўқотиш, жамиятнинг илгариги ва ҳозирги меҳнатини йўққа чиқаришга олиб келиши мумкин.

Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш зарурати, кўшимча капитал қўйилмалар киритилишини талаб қилувчи янги қурилиш, мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қайта тиклаш ва техник жихатдан қайта қуrolлантириш, ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ва ташкилий-техник чора-тадбирларни ишлаб чиқиш каби барча ҳолларда юзага келади. Баъзан махсулотларнинг янги турини ишлаб чиқариш ҳам инвестиция ва бошқа маблағлар киритилишини, демак, харажат ва натижалар нисбатини аввалдан баҳолашни талаб қилади.

Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда корхоналар иккита вазифани ҳал қилишлари лозим:

- " капитал қўйилмаларнинг копланиш муддати ва даромадлилиги нуктаи назаридан, энг мақбул вариант танлаш имкониятини яратувчи инвестицион лойиҳа самарадорлигини баҳолаш;
- " мавжуд ишлаб чиқаришга ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида киритилувчи инвестициялар самарадорлигини баҳолаш (кўшимча махсулот ишлаб чиқариш, таннархни камайтириш, фойдани ошириш ва хоказо).

Биринчи вазифанинг ечими мос келувчи маркетинг тадқиқотларини амалга оширишни кўзда тутиб, бу тадқиқот давомида талаб ва ундан келиб чикувчи таклиф, бозор сегментасияси, баҳони шакллантириш стратегияси, молиялаштириш манбалари ва бошқалар аниқланиши лозим.

Инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолашда қуйидагилар асосий кўрсаткич ҳисобланади:

1) Соф дисконтланган даромад (СДД) - бутун ҳисобот даври учун жорий самаралар йигиндисининг бошланғич кадамга келтирилган миқдори ёки интеграл натижаларнинг интеграл харажатлардан ошиб кетиши. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$СДД = \sum_{t=0}^T (H_t - X_t) \frac{1}{(1 + E)^t}$$

бу ерда:

N_t — ҳисоб-китобларнинг t - кадамида эришилувчи натижалар;

X_t — худди шу кадамда амалга оширилувчи харажатлар;

T – ҳисоб-китобларнинг вақт муддати;

E - дисконт нормаси.

Шу билан бирга копланиш муддати лойиҳанинг даромадлилиги курсаткичи ҳисобланмайди. Шу сабабли амалиётда инвестициялар бирламчи капитал (қўйилма)га нисбатан даромадлилик курсаткичи орқали қуриб чиқилади ҳамда қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$D_u = \frac{M_n}{K} \times 100$$

Бу ерда:

D_u — инвестициялар даромади, % да;

M_n – солиқлар тулангандан сунг қолган фойда, сўм;

K - инвестициялар (бошланғич).

У ёки бу инвестицион лойиҳани танлаш тугрисида қарор қабул қилишда корхоналар қуйидаги саволларга жавоб бериши лозим:

- * ишлаб чиқаришдаги бугунги ҳолат канча давом этиши мумкин ва бозорда маҳсулотга (иш, хизматга) бўлган талаб қандай;
- * капитал киритиш учун имкониятлар қандай;
- * рақобатчилик фаолияти қандай;
- * қандай муваффақият омиллари мавжуд;
- * янги бозорга кириш учун қандай имкониятлар мавжуд.

5. Иқтисодий самарадорлик

Самарадорлик – муҳим ўлчов бирликдир.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳар бир корхона фаолиятининг энг асосий вазифаси ҳисобланади. У ҳўжалик юритишнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини, шунингдек, буюмлашган ва жонли меҳнат харажатлари ҳамда олинган натижалар ўртасидаги муносабатни ифодалайди.

Самарали ишлаш дегани, мўлжалланган фойдани олиш, ишлаб чиқариш қувватлари ва иш кучидан яхшироқ фойдаланиш, ноишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, меҳнат самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилашдир.

Самара - ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ёки кўрсатилаётган хизматнинг фойда ва даромад ҳажмини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш каби ижобий натижалардир. Натурал шаклда ишлаб чиқариш самарасини, пул шаклида иқтисодий самарани ифодаланади.

Самарадорлик - бу, фойдалилик, натижалиликдир. Маълумки, қандайдир натижа олиш учун меҳнат қилиш, ишлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш ва маълум миқдорда харажат қилиш керак. Самарадорликни аниқлаш учун натижани шу натижага эришишга сарфланган харажатлар ёки ресурслар билан таққослаш керак. Самарадорлик, ишлаб чиқариш фаолияти натижалари билан уларга эришиш учун сарфланган меҳнат, моддий ва молиявий ресурсларнинг ўзаро нисбатидир. Корхона ўзининг ҳўжалик, илмий-техник ва инвестицион сиёсатини белгилашда самарадорликдан келиб чиқади.

Самарадорликнинг иқтисодий ва ижтимоий турлари мавжуд.

Иқтисодий самарадорлик ишлаб чиқаришнинг иқтисодий натижасини кўрсатади. Масалан, маҳсулот ишлаб чиқариш - бошқарув, янги техника ва технологияни жорий этиш, меҳнат сифатини ошириш ва хоказоларнинг натижаси.

Иқтисодий самара - материал, меҳнат, пул ва бошқа ресурсларни тежаш туфайли эришилган миқдор.

Ижтимоий самарадорлик - ишлаб чиқариш самарадорлигининг меҳнат шароитларини, унинг ижодкорлик мазмунини бойитиш, ақлий ва жисмоний меҳнат ўртасидаги фарқни йўқотишни ифодалайди.

Иқтисодий самарадорлик ижтимоий самарадорликка нисбатан бирламчи ҳисобланади, чунки иқтисодий ютуқлар корхонанинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга ёрдамлашади. Самарадорлик туфайли корхона куйидагиларга эга бўлади:

" ўзининг иқтисодий барқарорлигини ва рақобатбардошлилигини таъминлайди;

" ўз имиджини яхшилади ва ҳамкорлар билан алоқаларини мустаҳкамлайди;

" ходимларнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволини яхшилади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш куйидаги омиллар билан боғлиқ бўлади:

"бозор талабларига жавоб берувчи юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда энг кам харажатлар билан ишлаб чиқаришнинг максимал ҳажмини таъминловчи, оптимал ишлаб чиқариш жараёнини танлаш;

" истеъмолчилар талабини қондирадиган маҳсулот ишлаб чиқариб сотиш ва фойда олиш;

" айланма воситаларни тежаш имкониятини яратувчи оптимал ишлаб чиқариш захираларини яратиш.

Ҳўжалик самарадорлигини баҳолаш, корхонада фойдаланиладиган ресурс турлари бўйича амалга оширилиши ва миқдор жихатидан ўлчаниши мумкин. Масалан: иш кучидан фойдаланиш самарадорлигини меҳнат унумдорлиги ва маҳсулотнинг меҳнат сиғими кўрсаткичлари ёрдамида

баҳолаш мумкин. Меҳнат унумдорлиги-инсон меҳнатининг муайян вақт ичида озми - кўпми маҳсулот ишлаб чиқариш қобилиятидир.

$$M_u = \frac{Q}{I_s}$$

бу ерда:

M_u – меҳнат унумдорлиги;

Q - маҳсулот ҳажми қиймат кўринишида;

I_s - ишчилар сони.

Маҳсулотнинг меҳнат сиғими - меҳнат унумдорлигига тескари катталиқ бўлиб, сарфланган меҳнат миқдорининг ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбати билан аниқланади. Меҳнат унумдорлиги - инсоннинг муайян вақт ичида озми-кўпми маҳсулот ишлаб чиқариш қобилиятидир.

$$T = \frac{I_s}{Q}$$

Меҳнат куролларидан фойдаланиш самарадорлиги маҳсулотнинг фонд сиғими ва фонд кайтими кўрсаткичлари ёрдамида аниқланади. Фонд кайтими корхона асосий фондларининг бир бирлигига тўғри келувчи ишлаб чиқарилган маҳсулотни англатади. У маҳсулот сотишдан тушган бир йиллик тушумни асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қийматига нисбати сифатида аниқланади.

$$f_q = \frac{Q}{F}$$

бу ерда:

Q - маҳсулот ҳажми, қиймат пул кўринишида;

F - асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати

Фонд сиғими бир бирлик янги асосий фондларни ташкил қилиш учун зарур бўлган капитал кўйилмаларни англатади.

$$f_s = \frac{F}{Q}$$

Фондкайтими канчалик юқорива фонд сиғими канчалик паст бўлса, меҳнат куролларидан фойдаланиш самарадорлиги шунчалик юқори бўлади ва аксинча. Фондкайтими ниқупайтиришнинг муҳим захираси, асбоб-ускуналардан унумли фойдаланиш, технологияларни такомиллаштириш ва ходимлар малакасини оширишдир.

Меҳнат куролларидан фойдаланиш самарадорлиги, маҳсулотларнинг материал сиғими ёрдамида сарфланган хомашё, материал, ёқилғи, энергия ва меҳнат предметларининг умумий қийматини ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбати орқали аниқланади.

$$m = \frac{MX}{Q}$$

бу ерда:

m - маҳсулотларнинг материал сиғими;

MX - моддий харажатлар миқдори, сўм;

Q - маҳсулот ҳажми, сўм

Самарадорликни ошириш омиллари қуйидагилар: маҳсулотнинг меҳнат сиғими, материал сиғими, фонд сиғимини камайтириш ва фонд кайтимини ошириш, табиий ресурслардан ратсионал фойдаланиш ва вақтни тежаш. Буларни амалга ошириш учун ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг барча омилларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари бўйича гуруҳлаш керак. Бу йўналишларга қуйидагилар киради:

" ишлаб чиқариш структурасини яхшилаш;

" фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқариш ва махсулотнинг техник-иқтисодий даражасини кўтариш;

" ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, кооперациялаш, комбинатлаштириш ва ҳудудий жойлаштириш даражасини ошириш;

" инсон омилини кучайтириш асосида меҳнаткашларнинг ижодий фаоллигини ва ташаббусини оширишни йўлга қўйиш ;

" хомашё ва материалларнинг замонавий турларини яратиш ва улардан фойдаланиш;

" ишлаб чиқариш ва меҳнатни илмий ташкил этиш.

Саноат ва унинг барча бўғинлари ишини тавсифловчи сифат кўрсаткичларидан бири фойда ва рентабелликдир. Фойданинг асосий вазифаси ишлаб чиқариш фаолиятининг натижасидан олинган иқтисодий самарани тавсифлайди, чунки у сўнгги молиявий натижани ифодалайди.

Кейинги жадвалда модернизациянинг самарадорлик кўрсаткичлари динамикаси кўрсатилган.

Фойда саноат, тармоқ ва корхонанинг ҳамма, ишлаб чиқариш, хўжалик фаолияти натижаларини умумлаштирувчи кўрсаткичдир. Балансдаги фойда ёки фойданинг умумий суммаси - товар махсулотини сотишдан, ишлаб чиқаришдан ташқари, бажарилган ишлар ва хизматлардан олинган даромадлардан, корхона ёрдамчи хўжаликларининг махсулотларини сотишдан олинган даромадлардан ташкил топади.

Махсулотни сотишдан олинган ялпи фойда (YaF) - бу, сотишдан олинган соф тушум билан сотилган махсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

$$YaF = SST - MT$$

бу ерда:

YaF – ялпи фойда;

SST – сотишдан тушган соф тушум;

MT – махсулотнинг таннархи.

Соф фойда (SF) – бу солиқ тўлангандан кейин хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолади, солиқлар тўлангунга қадар олинган фойдадан минус даромад солиқлари ва бошқа солиқ ва тўловлар айирмаси сифатида аниқланади.

$$SF = STF - DS - BS$$

бу ерда:

SF – соф фойда;

DS – даромаддан тўланадиган солиқ;

BS - бошқа солиқ ва тўловлар.

Соф фойда – корхона ихтиёрида қоладиган фойда. У солиқ тўлангунгача фойдадан солиқларни айириш орқали аниқланади

Корхонада соф фойдадан корхона техник ривожланиши, резерв фонди ва дивидентлар учун фойдаланилади.

Фойда олишнинг асосий манбалари:

"корхонани махсулотнинг у ёки бу турини ишлаб чиқишдаги монополия ҳолати ёки махсулотнинг нодирлиги ҳисобига шаклланади;

"ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ, бозор конъюктурасини билиш ҳамда ишлаб чиқаришнинг ривожланишини, доимий равишда ўзгариб турувчи бозор конъюктурасига мослаштириш қobiliятига боғлиқ бўлади. Фойда миқдори корхонанинг махсулот ишлаб чиқариш бўйича йўналишини тўғри танлаш, махсулотларни сотиш ва хизмат кўрсатиш учун рақобатбардош шароитларни яратиш, ишлаб чиқариш ҳажми, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш билан боғлиқ.

"корхонанинг инновацион фаолиятидан келиб чиқиб, технологияларни такомиллантириш, ишлаб чиқарилаётган махсулотларни янгилаш, рақобатбардошлилигини таъминлаш, сотиш ҳажми ва фойда миқдорини оширишни аниқлатади.

Фойдани тақсимлаш деганда унинг бир қисмини бюджетга жўнатиш тушунилади.

Фойдани тақсимлаш тамойиллари қуйидагилардан иборат:

" корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолияти натижасида олинган фойдаси давлат ва корхона ўртасида ҳўжалик субъекти сифатида тақсимланади;

" фойданинг давлатга тўланувчи бир қисми солиқ ва йиғимлар кўринишида бюджетга келиб тушади. Солиқлар таркиби ва фоизи, уларни ҳисоблаш тартиби ва бюджетга тўланувчи бошқа тўловлар қонунчилик томонидан белгиланади;

" солиқлар тўлангандан сўнг корхона тасарруфида қолувчи фойда миқдори, унинг ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият натижаларини яхшилашдан манфаатдорлигини қамайтирмаслиги лозим.

Фойдани оширишнинг асосий йўллари:

" ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдорини, сифатини ошириш;

" ортиқча асбоб-ускуналар ва бошқа мулкни сотиб юбориш ёки ижарага бериш;

" моддий ресурслар, ишлаб чиқариш қувватлари ва майдонлари, иш кучи ва иш вақтидан унумлироқ фойдаланиш ҳисобига маҳсулот таннархини пасайтириш;

" ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш;

" маҳсулот бозорини қенгайтириш ва ҳ.к.

7. Хатарлар ва уларнинг инвестицион лойиҳадаги зарари.

Ўзбекистон иқтисодиётига инвестицияларни муваффақиятли жалб этиш маълум даражада уч гуруҳ омилларга боғлиқ бўлади.

Биринчидан, Инвестиция қувватининг мавжудлигига. Уни табиий, меҳнат захиралари, шунингдек ишлаб чиқариш, иқеъмол, молиявий, инноватсия, инцидентсионал ва инфратузилмавий қувватлар ташкил қилади.

Иккинчидан, мамлакатдаги мавжуд инвестиция шароитлари муҳим аҳамиятга эгадир.

Буларга: умумиқтисодий, бозор, меъёрий-ҳуқуқий, ахборот билан таъминланиш, экологик, ижтимоий- маданий шароитлар қиради.

Учинчидан, инвестиция таваққалчилиги омилдир, улар хорижий инвесторларнинг инвестиция қуввати ва инвестиция шароитларининг қулай афзалликларидан фойдаланиш бўйича вазифаларга қарама-қарши туради.

Барча гуруҳлар бир-бири билан қамбарчас боғлиқ бўлади. Мисол учун, етарли даражада жалб қилувчи бўлмаган инвестиция шароитлари, ҳатто юқори қувватли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш имкониятларини ҳам пасайтириб юборади.

Утиш иқтисодида бўлган, ички ва ташқи инвестицияларни жалб қилиш бўйича шароитларни шакллантираётган давлатлар учун инвестиция rischi riskнинг муҳим турларидан биридир.

инвестицион лойиҳалар келажакка тегишли бўлганлиги сабабли, уларни амалга ошириш натижаларини аниқ тахмин қилиш муаммодир.

Бундай лойиҳалар қутилиши мумкин бўлган riskлар ва ноаниқликларни ҳисобга олган ҳолда бажарилиши керак. Инвестицион қарор бир қатор қутилиши мумкин бўлган оқибатларга эга бўлган ҳолларда, қарор riskли ёки ноаниқликларга эга деб аталади..

Riskни маълум бир қарорни қабул қилиш натижасида захираларни юқотиш имконияти, даромадларни ололмаслик ёки қушимча қаражатлар зарурати сифатида белгиланган мумкин.

Risk – бу башорат қилинаётган лойиҳани амалга оширишга ҳалакит берадиган ёки лойиҳа самандорлигини пасайтирадиган riskларнинг йиғиндисидир.

Risk, бошқача қилиб айтганда, қутилиши мумкин бўлган хатар- бу инвестициядан мулжалланган фойдани олиш қараёнига ҳос бўлган ноумидсизликдир. Шу билан бирга потенциал инвестор томонидан қуйилган пул маблағларини юқотиш мумкинлиги ҳамдир.

Инвестицион ривожланишга қуйидагилар таъсир қурсатади: сиёсий, ижтимоий, савдо ва ишга алоқадор муҳитдаги қўпгина узғаришлар; техника-технологиядаги, меҳнат унумдорлиги ва баҳолардаги узғаришлар; атроф муҳит ҳолати; амалдаги солиққа тортиш, Ҳуқуқ бўйича ва бошқа лар бўйича муаммолар таъсир қурсатади. Буларнинг барчаси лойиҳаларда аниқ riskнинг мавжудлиги-лойиҳани муваффақиятсизликка учраш хатарини ёки фойдани урнига қара олиш мумкинлигини олдиндан аниқлаб беради.

Иқтисодий категория сифатида risk- бу бўлиши мумкин бўлган ёки бўлмайдиган ҳодиса.

Агар бу ходиса булса ижобий ва салбий натижа булиши ёки ҳеч қандай натижа булмаслиги мумкин.

Инвестиция лойиҳасини рискларни таснифини турли тизимлари мавжуд.

Биринчидан, лойиҳа фаолиятининг босқичлари ва фазалари бўйича таснифлаш: инвестиция олди фазасидаги, инвестициялаш фазасидаги, ишлаб чиқариш фазасидаги рисклар.

Иккинчидан, лойиҳа фаолияти иштирокчилари учун риск таҳдидларига таъсир этишининг имкониятларини мезонлари бўйича таснифлаш. Шу нуқтаи-назар бўйича рискни: ички ва ташқи рискларга ажратиш мумкин. Ташқи рискларга сиёсий рисклар ва форс-мажор рисклари қиради. Форс-мажор рискига табиий офатлар: ёнгин, сув тошқини, кургокчилик қабилар қиради. Ташқи рисклар лойиҳа фаолиятининг барча фаза ва босқичларида мавжуд.

Учинчидан, рискдан ҳимоялаш имкониятлари нуқтаи-назаридан таснифлаш:

1) Сугурталанадиган рисклар;

2) Сугурталанмайдиган рисклар.

Сугурталанадиган рисклар уз навбатида:

а) қафолат

б) сугурта

в) захира фонди ҳисобига қопланадиган рискларга бўлинади.

Бундан ташқари, лойиҳа фаолиятининг ҳақиқий амалиётига асосланган, энг қўлай учрайдиган рисклар ҳам бўлиб, уларга лойиҳа иштирокчилари эътибор берсалар ҳам, ҳеч бир гуруҳлаш мезони доирасига қирмайдиган рисклар ҳам мавжуд. Улар:

- Иқтисодий қонунларнинг ва иқтисодий ҳолатнинг ўзгариб туриши, инвестициялаш ва фойдадан фойдаланиш шартлари билан боғлиқ рисклар;

- ташқи иқтисодий рисклар- савдо ва маҳсулот етказиб беришга чеклашлар киритиш, чегараларнинг беркитилиши ва шу қаби эҳтимолликлар rischi;

- сиёсий ҳолатнинг ноаниқлиги, ҳудуддаги ёки мамлакатдаги номаъқул ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар rischi;

- табиий иқлим шароитларининг, табиий офатлар эҳтимолининг ўзгариб туриши;

- ишлаб чиқариш техник рисклари – асбоб- ускуналарнинг бузилиши ва тухтаб қолиши, ишлаб чиқаришдаги браклар ва бошқа лар;

- лойиҳа иштирокчиларининг ўзларини тутишлари, қизиқишлари, мақсадларнинг ноаниқлиги, уларнинг молиявий ҳолати ва ишдаги обрўси ҳақидаги маълумотларнинг тулиқ эмаслиги, ноаниқлиги.

Юқорида келтирилган таснифлашларга асосланган ҳолда, лойиҳа фаолиятидаги рискларни қуйидаги гуруҳини келтириш мумкин:

1. Лойиҳа иштирокчилари rischi;

2. Лойиҳа смета қийматининг ошиш rischi;

3. Қурилишни уз вақтида тугамаслик rischi;

4. Иш ва объект сифатининг пацлиги rischi;

5. Конҷруксион ва техник рисклар;

6. Ишлаб чиқариш rischi;

7. Бошқа рув rischi;

8. Сотиш rischi;

9. Молиявий риск;

10. Мамлакат rischi;

11. Маъмурий риск;

12. Ҳуқуқий риск ;

13. Форс-мажор rischi.

Охириги ўн йилларда лойиҳани тайёрлаш ва амалга ошириш малакавий фаолиятнинг алоҳида бир қўринишига айланди. Қўпгина саноати ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг давлат ва хусусий секторларида лойиҳани тайёрлаш ва амалга ошириш бўйича тажрибалар тўплана бошланди. Лойиҳани бошқариш доирасида ечиладиган масалалардан бири - бу лойиҳа

фаолиятининг рискни бошқаришдир. Бу масала лойиҳани бошқаришнинг бошқа функцияларидан алоҳида эмас. Молиявий талабни аниқлашда ҳам, смета ва бюджетни ҳисоблашда ҳам, шартномаларни тайёрлаш ва тузишда ҳам лойиҳа фаолияти иштирокчиларини турли хил рисклардан ҳимоялаш билан боғлиқ масалалар ечилади. Рисклар лойиҳа фаолиятининг барча босқичларида бўлганлиги сабабли, лойиҳа рискларини бошқариш функцияси лойиҳа тугагунга қадар давом этади. Лойиҳа рискларини бошқаришда қуйидаги масалаларга эътибор қаратилади: - лойиҳа рискларининг таснифи; лойиҳа рискларини аниқлаш ва баҳолаш усуллари; лойиҳа рискларини бошқаришнинг ахборот таъминоти; рискларнинг мониторинги ва ичикболини белгилаш; рискларни камайтириш технологиялари; рискларни бошқаришни ташкил этиш; рискларни бошқариш Ҳаражатларининг оптимал даражасини асослаш ва самарадорликни баҳолаш.

Рискни бошқариш турли фаолият доираларида рискни камайтириш бўйича технологияларни ва билимни талаб қилади. Ҳозирги вақтда рискни бошқариш фаолиятини қуйидаги асосий босқичларга бўлиш мумкин:

- Рискни аниқлаш.
- Рискни баҳолаш.
- Рискни бошқариш чоралари ва усулларини танлаш.
- Рискни олдини олиш ва назорат қилиш.
- Рискни молиялаш.
- Натижаларни баҳолаш.

Рискни аниқлаш ва уни баҳолаш босқичлари рискни таҳлили деб, ҳам аталади. Бунда рискни аниқлаш сифат таҳлиliga, рискни баҳолаш миқдор таҳлиliga киради. Риск таҳлилининг миқдор усуллари орасида рискни бошқариш назариясида энг машҳурлари қуйидагилар: цатицик усул, статистик тажрибалар усули; мақсадга мувофиқ келадиган ҳаражатлар таҳлили; эксперт баҳолари усули; аналитик усуллар ва бошқалар. Риск таҳлилининг аҳамияти лойиҳанинг потенциал иштирокчисига лойиҳани мақсадга мувофиқ тарзда амалга ошириш ҳақидаги қарорларини қабул қилиши учун зарурий маълумотларни беришдир.

Рискни бошқариш чоралари ва усулларини танлаш жуда муҳим босқич ҳисобланади. Аниқ танланган усул доирасида аниқ чора-тадбирларни қўллаш мумкин. Бу босқич лойиҳани амалга оширишни бошлаш ҳақидаги қарорни қабул қилишдан аввал ўтказилиши керак. Танлашда кечикиш лойиҳа иштирокчиси учун жиддий салбий оқибатларни келтириб чиқариши ёки иштирокчилар ўртасида жиддий келишмовчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Рискни бошқаришда чора ва усулларни оптимал вариантини танлаш барча лойиҳа иштирокчилари ўртасида жиддий музокаралар бўлишини талаб қилади.

Рискни олдини олиш ва назорат қилиш босқичи маълум режа ва дацурлар асосида аниқ ташкилий-техник тадбирларни кўриб чиқади. Бу босқичда қуйидаги тадбирлар амалга оширилади: рисклар мониторинги; рискни ичикболини белгилаш; таҳдид солувчи хатарлар Ҳақида раҳбарларга маълумот бериш ва бу билан боғлиқ кўрсатмаларни ишлаб чиқиш; рискни олдини олиш ва назорат қилиш дацури доирасида махсус ташкилий-техник тадбирлар.

Кўп рискларни олдини олиш ва назорат қилиш мумкин. Лекин шундай рисклар мавжудки, уларни олдини олиш ёки камайтириш мумкин эмас, яъни улар лойиҳа иштирокчилари таъсиридан ташқарида бўлади. Шундай рисклар кўп ҳаражат талаб қилганлиги сабабли, уларни молиялаш усули қўлланилади. Бунда лойиҳа иштирокчиларини Ўз-Ўзини суғурталаш, тажрибали суғуртачи ёрдамида суғурталанишга маблағ ажратиши тушунилади. Суғурта шартномаларида рискнинг кўпгина турлари бўйича суғуртачининг зарурий чора-тадбирларни амалга ошириши кўриб ўтилган моддалар мавжуд бўлади. Рискни бошқаришда лойиҳа иштирокчиларидан ташқари, суғурта ташкилотлари ҳам бевосита иштирок этади. Улар рискни баҳолашда ўз усуллари ва йўлларини амалга оширадilar, бу амалга ошириш режа - дастурларини назорат қилиб борадилар.

Юқорида кўриб ўтилган рискни бошқариш босқичлари ва рискни баҳолаш усуллари ёрдамида риск сабабли бўладиган йўқотишларни пасайтириш, улар билан боғлиқ кўнгилсиз оқибатларни камайитириш қуйидаги усуллари қўлланилади.

Лойиҳаларни молиялаштиришда рискни тақсимлаш усуллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: кафолатлар; харид ҳақидаги форвард келишув; ишлаб чиқариш тўловлари; хеджирлаштириш, суғурта ва своплар.

Одатда, кафолат берувчи томонлар сифатида ёки лойиҳа эгалари-ҳомийлар ёки манфаатдор томонлар бўлиши мумкин.

Лойиҳа эгалари-ҳомийлар. Давлат, шўъба корхоналарини назорат қиладиган компаниялар, қўшма корхоналардаги ички ва ташқи инвесторлар ва бошқа эгалар-ҳомийлар лойиҳани ишлаб чиқувчи компания қарзининг кафолатини беришлари мумкин. Агар компания лойиҳани ўз ҳисобидан молиялаштириш учун капитали етишмаса ёки етарли тажрибага эга бўлмаса, кредиторлар, одатда, ушбу шаклдаги кафолатни талаб қиладилар.

Манфаатдор томонлар. Бу жуда муҳим гуруҳга қуйидагилар киради:

Ускуна ва материалларни сотувчилар. Лойиҳа учун ускуна ва материалларни сотишда, заводни ёки ускунани ижарага беришда манфаатдор томонлар кафолат беришга тайёр бўладилар. Масалан, ўзида ортиқча ускунага эга бўлган компания, шу ускунага муҳтож лойиҳани кафолатлаши мумкин.

Хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотларни етказиб берувчилар. Мол етказиб берувчилар лойиҳа тугагандан кейин ўзларини бозор билан таъминлаш учун кафолат беришлари мумкин. Улар лойиҳани амалга ошиш мобайнида яратилган янги қувватларда фойдаланишдан ютишлари ҳам мумкин.

Лойиҳанинг якуний маҳсулотидан фойдаланувчилар. Булар кафолат беришлари ва ҳатто бевосита молиялаштиришлари мумкин. Барқарор мол етказиб берилишидан манфаатдор аниқ бир хом ашё ищёмолчиларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Қурилиш ташкилотлари. Лойиҳада иштирок этадиган пудратчилар, одатда қурилиш билан боғлиқ ишларни бажарадилар ва келгусида буюртма қабул қилиш мақсадида кафолат беришга тайёр бўладилар.

Миллий Ҳукумат ва халқаро агентликлар. Бу ташкилотлар мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий талаблари билан қизиқадиладар. Ҳукумат кафолатлари, лойиҳанинг бошқа иштирокчилари қоплай олмайдиган рискларни қоплаш учун жуда зарур ва шу сабабли, молиялаштиришнинг ютуғи учун ҳаётий жиҳатдан муҳимдир.

Бошқа томонлар. Кўп ҳолларда, юқорида саналганлардан ташқари, лойиҳа қурилишидан аниқ бир даромад оладиган бошқа томонлар ҳам бўлади ва улар кафолат беришга тайёр бўладилар. Масалан, лойиҳа билан бир қаторда амал қиладиган компания лойиҳа амалиётида ривожланган инфратузилмадан ютиши мумкин, шунингдек лойиҳа амалга ошиши натижасида миллий иқтисодиётни ривожланишидан ҳам ютиши мумкин.

Рискни тақсимлашда кафолат энг аҳамиятли усул, лекин бундан бошқа усуллар ҳам бор. Кўп ҳолларда харид ҳақидаги форвард келишув ва ишлаб чиқариш тўловлари қўлланилади.

Харид ҳақидаги форвард келишув. Форвард харид ҳақидаги оддий келишувни молиялаштиришда, кредитор етказиб берилмаган ёки яратилмаган минераллар ёки бошқа ресурсларни сотиб олиш учун кредит беради. Лойиҳа ишга тушгандан кейин ва минераллар қазиб олиниши бошлангандан кейин, кредиторлар қарзни узиш жадвалига мувофиқ келадиган миқдорни олиш ҳуқуқига эгалар.

Форвард шартномаларидан олинadиган даромадлар қатъий фоизга ва барқарор тушумга эга эмас. Чунки улардан олинadиган даромадлар битим валютасининг спот курсини ўзгаришига боғлиқ.

Калит сўзлар

Инвестиция, риск, фойда, капитал қўйилма, хорижий инвестициялар, лизинг, қайта тиклаш.

Назорат саволлари

1. Инвестицияларнинг қандай турлари мавжуд?
2. Хорижий инвестицияларга қандай омиллар таъсир этади?

3. Инвестицияларнинг ички манабалари нима?
4. Инвестицияларнинг ташки манбалари нима?
5. Инвестициялардан фойдаланишнинг асосий йўналишлари қандай?
6. Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда корхоналар қандай вазифани ҳал қилишлари лозим?
7. Инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари нима?
8. Хатарлар ва уларнинг инвестицион лойиҳадаги зарари.

11-мавзу. Корхонанинг инновацион фаолияти (2 соат)

- 1 Корхоналарда инновация фаолияти ва инновация
- 2 Корхонада инновацион фаолиятни ташкил қилиш усуллари
- 3.Инновацион лойиҳа яратиш ва амалга оширишнинг асосий босқичлари
- 4.Инновацион лойиҳаларни баҳолаш

1.Корхоналарда инновация фаолияти ва инновация.

Корхоналарга инновацион жараёнлар асосида киритилаётган янгиликлар ишлаб чиқарувчи кучлар ривожига ижобий таъсир кўрсатади, фаровонлик ўсишига, ҳаёт сифати ва таълим даражаси яхшиланишига қўмаклашиб, ижобий инновацион муҳитни шакллантиради. Шу тариқа мамлакатнинг инновацион салоҳиятини юксалтиради. Диёримизда саноат корхоналарини таркибий ўзгартириш юқори инновацион таркибий қисмларга эга ишлаб чиқаришлар ва маҳсулотлар салмоғини кўпайтириш мақсадини кўзлайди. Ривожланишнинг бу йўналиши жадал ўсиш ҳамда саноат маҳсулотлари ва хизматлари рақобатбардошлигини таъминлашнинг мустаҳкам негизини ташкил қилади.

Инновация сўзининг маъноси инглиз тилидаги “**INNOVATION**” сўзидан олинган бўлиб янгилик ва янгилик киритиш деганини билдиради. Бу янгилик замирида янги тартибни, янги одатни, янги услубни, кашфиётни тушуниш лозим. Янгиликни бозорга киритиш жараёнини тижоратлашиш жараёни деб аташ лозим. Янгиликнинг пайдо бўлиши ва уни ҳаётга татбиқ этилиши оралиғидаги вақт инновацион лойиҳаси деб аталади. Кунлик амалиётда одтада, янгиликлар, янгилик киритиш, инновация тушунчаларини ўхшатиш кўп учрайди. Қачонки ҳар қандай кашфиётлар, янги воқеалар хизматлар ва методлар хиллари тарқалишига қабул қилинса (тижоратлашиш) ўшанда халқ оммаси томонидан тан олинади.

Янгиликлар бозори (новациялар). Бозорни асосий маҳсулоти бўлиб, интеллектуал фаолиятнинг илмий ва илмий техникавий, натижавий продукти ҳисобланади. Унга авторлик ва шунга ўхшаш ҳуқуқлар (бу ҳуқуқлар халқаро, республика, корпоратив ва бошқа қонуний, меъёрий актлар таъсир доирасида бўлади) тааллуқлидир.

Инновация назариясининг ривожланишига асос солган олим австриялик иқтисодчи Й.А.Шумпетер ҳисобланади. Мутахассислар фикрича кўра айнан ушбу олим биринчи бор инновация тушунчасини илмий асослаб берган. Й.А.Шумпетер илгари сурган ғояга кўра, жорий этилган ҳар қандай янги техник қарор, технология, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, янги бозорларнинг таркиб топиши, хомашёлар манбаи инновация ҳисобланади.

Й.А.Шумпетер биринчилардан бўлиб, иқтисодий фанга ишлаб чиқариш омиллари сифатида “янги комбинация” тушунчасини киритди ва унинг тавсифномасини берди. Унга қуйидагилар киради:

- истеъмолчиларга маълум бўлмаган моддий неъматни яратиш ёки янги у ёки бу неъматни ишлаб чиқиш;
- тегишли тармоқга янги ҳали маълум бўлмаган ишлаб чиқариш усулини жорий этиш (унинг асосини илмий янги кашфиёт усулидан фойдаланиб яратилган товар ташкил этади);
- бозорнинг аввал мавжудлиги ва мавжуд эмаслигидан қатъий назар тегишли тармоқда мутлақо янги сотиш бозорини ўзлаштириш;
- янги хомашё ёки ярим фабрикат манбаларини топиш (ушбу манба олдин маълум бўлиши ёки уни яратиш имкони бўлишидан қатъий назар);
- бошқа корхоналарнинг монопол ҳолатига қарши курашиш учун корхонани таркибий қайта тузиш.

Иқтисодий ривожланишнинг ҳаракатлантирувчи кучи илмий-техник тараққиёт (ИТТ), яъни минимал харажатлар қилиб, ижтимоий эҳтиёжни қондиришнинг янги манбаларини топишга йўналтирилган инновацион тўхтовсиз жараён ҳисобланади.

Корхонанинг барқарор ривожланиши ва стратегик фаолияти инновацияга қаратилмоғи лозим. Акс ҳолда корхона нафақат ташқи бозорда балки ички бозорда ҳам ўзининг рақобатбардошлик қобилиятини сақлаб қола олмайди.

Корхоналарнинг инновацион йўналишлари қуйидагилар бўлиши лозим:


- инновацион жараёнларни бошқаришнинг янги усуллари ва ёндошувлари асосида инновацияни жорий этиш механизмларини такомиллаштириб бориш;
- иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари ва корхоналарини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига қаратилган лойиҳалар учун катта ҳажмдаги инвестицияларни жалб қилиш ва янги маҳсулотларни яратиш;
- инновация даврининг барча босқичлари бўйича ишлаб чиқариш – тадбиркорлик фаолиятини жадаллаштириш;
- корхоналарнинг барча ишлаб чиқариш тадбиркорлик фаолияти йўналишларида ахборот технологияларидан кенг миқёсда фойдаланиш.

Innovation сўзи инглизча бўлиб, янгиликнинг киритилиши деган маънони англатади. Иқтисодий адабиётларда И.А.Шумпетер томонидан берилган концепциясига асосланади:

- инновация – унинг тадбиркорлик фаолиятида илк бор қўлланилиш;
- диффузия – инновациянинг кенг тарқалиши.

Халқаро амалиётда инновация:

- биринчидан илмий-техник натижаси;
 - иккинчидан янги усуллар, ташкилий-бошқарув шакллари, технология, техникани яратиш ва уни жорий этиш;
- учинчидан, илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишларини ташкил этиш тушунилади.



11.1-расм. Инновация фаолияти соҳалари

Техник-технологик инновация – иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш учун хизмат қилади:

- ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш (ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва маҳсулот сифатини ошириш ҳисобига);
- тижорат нуктаи назаридан анъанавий технология асосида олиш мумкин бўлмаган янги маҳсулотларни ўзлаштириш имконияти туфайли;
- тижорат нуктаи назаридан истиқболда анъанавий технологиялар асосида ўзлаштириш имкони бўлмаган углеводород заҳираларини аниқлаш имкониятини мавжудлиги.

Инновация учта асосий функциясини бажаради: қайта ишлаб чиқариш, инвестиция, рағбатлантириш.

Бу уч компонент инновация фаолиятининг асосини ташкил этади.

Инновация деганда кенг маънода янгиликларнинг рентабеллик (фойдалилик) даражасини ошириш учун янги технологияни қўллаш, янги маҳсулот ишлаб чиқиш ёки хизмат кўрсатиш, ташкилий-техник ва ижтимоий-иқтисодий қарорларни ишлаб чиқиш, тижорат, бошқариш ва бошқа соҳаларда қўлланишини тушунамиз.

Янгилик тўғрисидаги ғоянинг пайдо бўлиши ва яратилиши ҳаётга тадбиқ этилиб кенг тарқалиши, инновация ҳаёт даври деб аталади. Олиб бориладиган ишларнинг изчиллигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши инновация жараёни деб аталади.

Маҳсулот сифатининг комплекс тизимини бошқариш методологияси, маҳсулот ҳаёт даврининг босқичини тавсия этади:

- Тадқиқот ва ишлаб чиқариш;
- Тайёрлаш;
- Муомалага чиқариш ва сотиш;
- Эксплуатация қилиш ва истеъмол.

Халқаро амалиёт (ИСО 0 004) талабларига мос равишда маҳсулотлар ҳаёт даври кичик босқичларга бўлинади:

1. Маркетинг, изланиш ва бозорни ўрганиш;
2. Лойиҳалаш ва технологик талаблар;
3. Маҳсулотни ишлаб чиқиш;
4. Моддий техника таъминоти;
5. Ишлаб чиқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва тайёрлаш;
6. Ишлаб чиқариш;
7. Назорат ва синовдан ўтказиш;
8. Монтаж қилиш ва эксплуатация;
9. Техник ёрдам ва хизмат кўрсатиш;
10. Фойдалангандан кейин маҳсулотни чиқиндига чиқариш.

Корхонанинг инновация салоҳияти – молиявий, кадрлар, ахборотлар, моддий-техник ресурслар, тегишли хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар мажмуини ташкил этади. Инновация салоҳияти корхонадаги ресурсларнинг мавжудлиги ва қўйилган вазифа ҳамда инновацияни жорий этиш учун унинг тайёргарлиги ва қобилиятини аниқлаб беради. Инновация салоҳияти корхонанинг ишлаб чиқариш, иқтисодий ва маркетинг имкониятларини ўзида намоён этади.

Инновация салоҳияти корхонанинг стратегик мақсадлари билан узвий боғлиқ бўлиб, ишлаб чиқариш, технологик ва ташкилий бошқарув ўзгаришларга оид дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга қай даражада тайёргарлигини ҳам кўрсатади.

Бу ўз навбатида янгиликларни ишлаб чиқаришда кенг тарқалишига, анъанавий технологиялар ўрнини янгилари эгаллаш даражасига, янги маҳсулотлар яратиш турларига боғлиқ. Инновация салоҳияти корхонанинг лойиҳаларда иштирок этиши ва унинг стратегик имкониятлари даражасини ҳам ўзида ифода этади.

Инновация салоҳиятини оқилона таркиби корхонанинг тижорат стратегиясини ишлаб чиқиш босқичида аниқланади. Юқори раҳбарият томонидан тегишли тайёргарлик ва келишилган бошқарув қарорларини қабул қилишда қуйидагилар ҳисобга олинади:

- корхона фаолиятининг йўналишлари бўйича инновацион жараёнларнинг муҳим индикаторлари;
- технологик ва бозор талабларини ҳисобга олган ҳолда инновацияни комплекс баҳолаш тизими, яъни маҳсулот ва корхона рақобатбардошлигини, ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш.

Тажрибалар шундан далolat берадики корхоналарнинг йирик халқаро лойиҳаларда иштироки, уларнинг инновацион салоҳиятини белгилаб беради.

Давлатнинг илмий ва инновация фаолиятига фаол аралашуви кўйидаги йўналишларда амалга оширилади:

" давлатнинг инновация соҳаси инфраструктурасини яратиш ва илмий-техник алоқа таклифларини киритиш;

" инновация соҳасида барча ташкилотчиларнинг инновация фаоллигини оширишга ёрдам берувчи шароит яратиш;

" хўжалик амалиётида кенг тарқалган янгиликка талабни шакллантиришнинг бошланғич босқичи учун давлат ресурслари ажратилиши.

" Илмий-тадқиқот натижаларини реализатсия қилиш натижасида олган фойдадан имтиёзли солиқ олиш;

" Илмий тадқиқотлар ихтиёрида бўлган ёрдамчи ва бошқа мулкдан солиқ олишни бекор қилиш;

" Илмий иш олиб бориш учун хорижий мамлакатлардан олиб келинадиган буюмлар учун тўловлардан озод қилиш;

" Индивидуал ихтирочилар ва кичик жорий этиш корхоналари учун фойсиз кредитлар бериш;

" Имтиёзли солиқлар имконияти бўлган венчур инновация фойдани яратиш;

" Индивидуал ихтирочилар учун давлат патент тўловини камайтириш;

" Ресурсларни иктисод килувчи ихтирочилар учун тўлов муддатини кечиктириш;

" Ускуналарни амортизациясини тезлаштириш ҳуқуқини бериш;

" Технопарк ва технополис тармоқларини яратиш.

Илмий ва инновация соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принципларига кўйидагилар қиради:

" илмий ва илмий-техник ижодкорлик;

" интеллектуал мулкни ҳуқуқий химоя қилиш;

" илмий, илмий-техник ва таълимнинг интеграцияси;

" илмий ва техника соҳасидаги рақобатни қўллаб-қувватлаш;

" илмий ривожнинг устивор йўналишлари бўйича ресурсларни консентрациялаш;

" илмий, илмий-техник ва инновация фаолиятининг тадбирлар фаоллигини моддий рағбатлантириш;

" халқаро илмий ҳамкорликни ривожлантириш.

Давлат органларининг функциялари. Давлат органларининг инновацион соҳадаги асосий функциялари қуйидагилар ҳисобланади:

" тадқиқот ва ишлаб чиқаришга маблағларни йўналтириш;

" инновацион фаолиятни мувофиқлаштириш;

" инновацион жараёнларни рағбатлантириш ва мазкур соҳада рақобатни кучайтириш;

" инновацион хавф-хатарни суғурта қилиш;

" захираларни ўзлаштириш ва махсулотларни ишлаб чиқиш бўйича мажбуриятларни бажарилмаганлиги учун давлат санкцияларини жорий этиш;

" инновацион жараёнларни бошқаришнинг ҳуқуқий асосини яратиш, хусусан муаллифлик ҳуқуқи ва интеллектуал мулкни химоя қилиш;

" инновацион фаолиятни кадрлар билан таъминлаш;

" инновацион жараённинг институционал таъминоти;

" инновациянинг ижтимоий ва экологик йўналиши;

" инновацион фаолиятнинг ижтимоий статусини ошириш;

" инновацион жараёнларни минтакавий тартибга солиш;

" инновацион жараёнларнинг халқаро йўналишларини тартибга солиш.

2. Корхонада инновацион фаолиятни ташкил қилиш усуллари

Давлатнинг таъсир этиш усуллари. Давлатнинг корхоналар инновацион фаолиятига таъсири иккита, яъни маъмурий ва иқтисодий (бевосита ва билвосита) усуллари орқали амалга оширилади. Маъмурий усул - маълум фаолият турини чеклаш ёки уни ривожлантиришга қаратилган қонуний асосга таянган бўлади. Бу стандартлаш ва патент сиёсатини ҳуқуқий меъёрлашдир. Булар ҳаммаси хўжалик субъектлари фаолиятида янгиликларга монополияни сақлаб қолиш ва товар ишлаб чиқарувчилар махсулотлари сифатини яхшилаш ва турларини кўпайтиришга қаратилган бўлади.

Инновацион фаолиятни тартибга солишнинг энг таъсирчан усулларида бири иқтисодий усул ҳисобланади. Ушбу усул товар маҳсулотларини ишлаб чиқишда мотивация омилига таянади.

Бевосита иқтисодий усуллар. Уларга қуйидагилар киради: молиялаштиришга йўналтирилган инвестиция (мақсадли, предметли мўлжалга, муаммо эчимини топишга йўналтирилган); лизинг; фонд операциялари; режалаштириш ва дастурлаш; давлат тадбиркорлиги.

Билвосита иқтисодий усуллар. Давлатнинг инновацион сиёсатидаги иқтисодий усуллари асосан билвосита иқтисодий тартибга солиш орқали амалга оширилади. Бунга инновацион ресурсларни олиш имкониятига эга бўлиш ва уларнинг таркиби ва баҳоси, инновацион хавф-хатарни юмшатиш оқибатлари киради. Энг кўпроқ қўлланиладиган усуллар кредит ва солиқ сиёсати ҳисобланади. Кредит сиёсати янгиликларни молиялаштиришга йўналтириладиган молиявий ресурслар ҳажмини тартибга солади.

3.Инновацион лойиҳа яратиш ва амалга оширишнинг асосий босқичлари

Иқтисодиётга лойиҳаларни бошқаришнинг нисбатан янги концепцияси (Project Management) жадал равишда кириб келмоқда. Бу концепциянинг асосини лойиҳасига ҳар қандай тизимнинг вақт ва маблағлар сарфланиши билан боғлиқ дастлабки ҳолатини ўлчашга қараш ташкил қилади. Олдиндан ишлаб чиқилган дастурлар бўйича бюджет ва вақтли чегаралашлар доирасида амалга оширилган бу ўзгаришлар жараёни эса – лойиҳаларни бошқаришдир. Ҳозирги вақтга келиб лойиҳаларни бошқариш барча саноати ривожланган ва янги саноатли мамлакатларда инвестицион фаолият методологияси томонидан тан олинган. Мамлакатимиз амалиётида бу концепция дастурий – мақсадий дастурлар (ДМД)ни қўлланилишида ўз аксини топган.

“Инновацион лойиҳа” тушунчаси қуйидагича кўриб чиқилиши мумкин:

- **инновацион фаолиятни мақсадли бошқариш шакли;**
- **инновацияларни амалга ошириш жараёни;**
- **ҳужжатлар мажмуаси.**

Инновацион лойиҳа инновацион фаолиятни мақсадли бошқариш шакли сифатида фан ва техникани устувор йўналтирилган ривожлантиришнинг аниқ мақсадлари (вазифалари)га эришишга қаратилган тадбирларнинг ресурслар, муддатлар ва ижрочилар бўйича ўзаро асосланган ва ўзаро боғланган мураккаб тизимдан иборатдир.

Инновацияларни амалга ошириш жараёни сифатида – бу инновацияларга олиб келувчи илмий, технологик, ишлаб чиқариш, ташкилий, молиявий ва тижорат тадбирларини белгиланган изчилликда бажариладиган мажмуасидир.


Шунинг билан бир вақтда инновацион лойиҳа – бу лойиҳа мақсадларини амалга ошириш учун зарур бўлган техник, ташкилий, режавий ва ҳисоблаш – молиявий ҳужжатларнинг йиғиндисидир.

Бу учта нукта назарларни ҳисобга олиш билан, қуйидаги таърифни бериш мумкин: инновацион лойиҳа – бу масофа ва вақтда муаммоларни ҳал қилиш, инновацион жараёнларни ташкил қилиш бўйича илмий асосланган мақсадлар ва тадбирларни белгилаб берувчи ҳужжатларининг йиғиндисидир. Мақсадлар ва тадбирларни илмий асосланишига менежментга илмий ёндашишларга риоя қилиш, замонавий усулларни қўллаш йўли билан эришилади.

Инновацион лойиҳани ишлаб чиқиш ва амалга оширишга раҳбарлик лойиҳа раҳбари (лойиҳа менежери) ва илмий техник кенгаши (ИТК) томонидан амалга оширилади. ИТК таркибига илмий – техник ечимларни танлаш, улар амалга ошириш даражаси, лойиҳавий мақсадларга эришиш учун зарур тадбирларнинг тўлиқлиги ва бутлиги учун жавобгарликка эга, ижрочиларни танлов асосида танлаш ва олинган натижаларнинг экспертизасини ташкил қилувчи лойиҳанинг тематик йўналишлари бўйича етакчи мутахассислар кирадилар.

Лойиҳа раҳбари – юридик шахслар, унга буюрмачи лойиҳа: режалаштириш, лойиҳа иштирокчилари ишларини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича ишларга раҳбарлик қилиш ваколатларини топширади. Лойиҳа раҳбари ваколатларининг аниқ таркиби буюртмачи билан шартнома томонидан белгиланади. Лойиҳа жамоаси – лойиҳа раҳбари томонидан

бошқариладиган ва лойиҳани амалга ошириш даврида режавий кўрсаткичларга ўз вақтида эришиш мақсадида ташкил қилинадиган ўзига хос ташкилий тузилмадир.



Лойиҳа жамоасининг таркиби ва вазифалари лойиҳанинг қўламлари мураккаблиги ва бошқа таърифларига боғлиқдир. Ўз вазифаларининг бир қисмини бажариш учун ишлаб чиқувчи ихтисослаштирилган ташкилотларни жалб қилиши мумкин. Лойиҳани қўллаб қувватловчиларга инновацион марказлар, дастурлар ва лойиҳаларни қўллаб қувватловчи фондлар, консалтинг фирмалари, мустақил экспертиза ташкилотлари, патент-лицензия фирмалари, аудиторлик фирмалари, кўргазма марказлари ва ҳ.к кирадилар.

Инновация лойиҳаси икки маънода ишлатилади.

Маълум мақсадга эришиш йўлида тадбирни, фаолиятни, ишни ва ҳаракатлар мажмуини амалга ошириш.

Қандайдир ҳаракатни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳисоб молия ҳужжатлар ва ташкилий-ҳуқуқий тизим.

Лойиҳани яратиш ва реализация қилиш қўйидаги босқичлардан иборат (12.1-чизма):

Инновация ғоясининг пайдо бўлиши.

Инновация имкониятларини тадқиқот қилиш.

Лойиҳани ташкилий ишлар Ассоциацияси.

Битим ҳужжатларини тайёрлаш.

Қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш.

Объектни эксплуатация қилиш ва иқтисодий кўрсаткичларнинг мониторинги

1-Босқич – инвестиция ғоясининг шаклланиши деганда, биз ўйлаган режанинг ҳаракатга келишини тушунамиз. Бу босқичда инвестиция субъекти ва объектини аниқлаш, унинг шакли ва манбаларини (ғояни ишлаб чиқарувчининг иш мўлжалидан қатъий назар) аниқлаш зарур бўлади.

Инвестиция субъекти – инвестициядан фойдаланиладиган бўлиб, тижорат ташкилотлари ва бошқа ҳўжалик субъектлари ҳисобланади.

Инвестиция объектига қўйидагилар киради:

Куриллаётган, реконструкция қилинадиган, кенгайдиган корхона, бино, иншоотлар (асосий фондлар) бўлиб, улар янги маҳсулот ва хизмат кўрсатишга мўлжалланган бўлиши керак;

Дастурнинг бирор вазифасини амалга оширишни мўлжаллаб комплекс куриллаётган ёки қайта тикланаётган (реконструкция) объектлар. Бундай шароитда инвестиция объекти сифатида, дастур мавжуд ишлаб чиқариш майдони амалдаги ишлаб чиқариш ва ташкилот доирасида янги буюмни ишлаб чиқишга қаратилган бўлади.

Ер: бино, иншоот, машина ва ускуналар, ўлчагич ва синовдан ўтказувчи воситалар, инструментлар ва бошқа ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган мулклар.

Мулккий ҳуқуқ одатда пул эквивалентида баҳоланади (12.1-чизма).

Инвестициянинг асосий манбалари:

-Хусусий молия маблағлари ва бошқа турдаги активлар (асосий фондлар, ер участкалари, саноат мулкчилиги) ва жалб қилинган воситалар;

-Федерал, минтақавий ва маҳаллий бюджетлардан ажратилган маблағлар;

-Хорижий инвестиция (қўшма корхоналар ташкил этишда, устав капиталининг шаклланишида иштирок этган молия ва бошқа шаклдаги);

-Ҳар хил шаклдаги заём воситалари, чет эл инвесторлари кредити, давлатнинг қайтариб олиш шарти билан берган кредитлари.

Инвестиция лойиҳасида қўйидаги инвестиция шаклларида фойдаланилади.

Пул маблағлари ва унинг эквиваленти (мақсадли жамғармалар, оборот маблағлари, кимматбаҳо қоғозлар, масалан, акция ёки облигация, кредит заём, гаров ва бошқалар).

II-Босқич-инвестиция имкониятларини тадқиқот қилиш кўзда тутилган.

-экспорт ва импортни ҳисобга олган ҳолда;

-маҳсулотга ёки хизматга бўлган талабни ўрганиш;

-маҳсулотга (хизмат) таянч, жорий ва истиқболдаги баҳоларни ўрганиш;

-лойиҳани реализация қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ва иштирокчилар таркиби ҳолида таклиф тайёрлаш;

-йириклаштирилган норматив бўйича тахминий инвестиция ҳажмини баҳолаш ва тижорат самарадорлигини тахминий баҳолаш.

- чиқиш рухсат ҳужжатларини тайёрлаш, ТИА бўлимлари бўйича тахминий баҳо тайёрлаш, жумладан лойиҳа самарадорлигини баҳолаш;

- асосланган инвестиция имкониятлари натижаларини тасдиқлаш;

- лойиҳа-изланиш ишлари, контракт ҳужжатларини тайёрлаш. Инвестиция имкониятлари тадқиқот мақсади – потенциал инвестор учун инвестиция таклифларини тайёрлаш. Агар инвесторга эҳтиёж бўлмаса ва барча ишлар ўз маблағи ҳисобига олиб борилса, унда лойиҳанинг ТИАни таёрлаш бўйича молиялаштириш ҳақидаги қарор қабул қилинади.

III-Босқич – лойиҳа ТИ асоснома тўла ҳажмда қуйидагилар кўзда тутилади:

- тўла ҳажмдаги маркетинг тадқиқотларини олиб бориш;
- маҳсулотни (хизматни) реализация қилиш учун дастур тайёрлаш;
- чиқиш-рухсат ҳужжатларини тайёрлаш;
- техник қарорларни ишлаб чиқиш, жумладан генерал режани;
- гидроқурилиш, архитектор-режалаштириш ва қурилиш қарорлари;
- инженер таъминоти;
- фуқаролар хавфсизлиги, табиат муҳофазаси тадбирлари;
- қурилишни ташкил этиш тавсифномаси;
- фуқаролар уй-жой қурилиши тўғрисидаги зарур маълумотлар;

корхонани бошқариш тизими, ишчи хизматчилар ишини ташкил этиш бўйича тавсифнома.

4.Инновацион лойиҳаларни баҳолаш

Смета молия ҳужжатларининг шаклланиши; ишлаб чиқариш харажатларини баҳолаш; капитал харажатларни ҳисоблаш; корхона фаолиятидан келадиган йиллик тушумни ҳисоблаш; оборот капиталига эҳтиёжни ҳисоблаш; лойиҳа ва тавсия этилган лойиҳадаги молия манбаларни ҳисоблаш; чет эл валютасига тахминий эҳтиёж; инвестиция шартлари, конкрет инвесторни танлаш ва келишувни расмийлаштириш;


- Лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ бўлган хавф-хатарни баҳолаш;


- Лойиҳани амалга оширишни режалаштириш;

- Лойиҳанинг (бюджет инвестициядан фойдаланган ҳолда) тижорат самарадорлигини баҳолаш;

-Лойиҳани реализация қилишни таъминлаш шартларини ишлаб чиқиш.

Инновацион лойиҳаларни таснифлаш инновацияларни таснифлашлар асосида амалга оширилади. Масалан, тасдиқлаш, молиялаштириш ва амалга ошириш даражаси бўйича инновацион лойиҳалар, давлатлараро, давлат, минтақавий, соҳавий, алоҳида корхонаникига бўлинишлари мумкин.





Такрорлаймизки, инновацион лойиҳани туркумлаштиришнинг чуқурлиги, лойиҳалаштиришда ҳисобга олинган илмий ёндашишлар ва тамойиллар, қўлланиладиган менежмент усуллари миқдори лойиҳанинг бош менежери (лойиҳа менежери) ва ИТК аъзолари томонидан муаммонинг мураккаблиги, лойиҳанинг қиймати ва инновацион ташкилот ташқи ва ички омиллари ҳолатига мувофиқ белгиланади.

Инновацион лойиҳани ишлаб чиқиш лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш билан якунланади. “Лойиҳа ҳужжатлари” нинг ягона таркиби ҳали белгиланмаган ва ҳар бир аниқ ҳолда унинг таркиби дастлабки (техник иқтисодий) вазифада белгиланади.

Ҳар қандай даражадаги инновацион лойиҳа кўйидаги бўлинмаларни ўз ичига олиши керак:

- муаммо (ғоя)нинг мазмуни ва долзарблиги;
- лойиҳа раҳбарининг резюмеси;
- маркетинг тадқиқотлари ва муаммони туркумлаштириш асосида қурилган лойиҳа мақсадлари дарахти;
- лойиҳа мақсадлари дарахтини амалга ошириш бўйича тадбирлар тизими;
- лойиҳани мажмуавий асосланиши;
- лойиҳани амалга оширилишини мажмуавий таъминланиши;
- ИТК нинг таърифи;
- лойиҳанинг эксперт хулосаси;
- лойиҳани амалга ошириш механизми ва ундовчи сабаблар тизими.

Калитли сўзлар

Новация, инновация, инфратузилма, инвестиция, капитал инвестиция, соф рақобат бозори, инновация лаги, фундаментал, назарий, инновацион лойиҳа.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Инновация сўзининг маъноси.
2. Корхоналарнинг инновацион йўналишларини сананг.
3. Корхонанинг инновация салоҳияти нималардан ташкил этади?
4. Инновацияларни рағбатлантиришда давлатнинг роли.

5. Корхонада инновацион фаолиятни ташкил қилиш усуллари изоҳлаб беринг.
6. “Инновацион лойиҳа” тушунчасини ифодалаб беринг.
7. Инновацион лойиҳа қандай бўлимлардан ташкил топади?
8. Инновация лойиҳасини яратилиш босқичларини айтиб ўтинг.
9. Инновацион лойиҳа қандай бўлимларни ўз ичига олиш керак?

12-мавзу. Корхона фаолиятини бошқариш асослари

1. Корхона бошқарувининг моҳияти ва принциплари
2. Бошқарувнинг ахборот таъминоти
3. Бошқарув қарорлар, уларнинг усуллари ва уларни қабул қилиш жараёни

1. Корхона бошқарувининг моҳияти ва принциплари

Бошқарув – бу ходимларга ва умуман ишлаб чиқариш жамоаларига таъсир кўрсатиш усуллари бўлиб, бу усуллар қўйилган мақсадларга эришиш жараёнида мазкур ходимлар ва жамоаларнинг фаолиятини уйғунлаштиришни назарда тутади.

Бошқарув тизимини турли микёсларга бўлиш мумкин:

- Миллий иктисодиётни бошқариш
- Хар бир тармок ва туманлар тасарруфидаги корхоналарни бошқариш
- Корхона ичидаги бўлимларни бошқариш

Бошқарув тузилмасини белгилловчи омиллар

а) Тузилмани аниқловчи омиллар

- Бошқарув мақсади
- Бошқарув функциялари ва вазифалари
- Иш вақтининг тартиби, оралиғи ва бошқалар

б) тузилмага таъсир қилувчи омиллар

- Ташки муҳит
- Технология
- Корхонанинг ката кичиклиги
- Ходимлар сони
- Бизнес стратегияси
- Қабул қилинган қарорлар тизими
- Танланган тузилма ва бошқалар

в) Тузилмани мувофиқлаштирувчи омиллар

- Юқори малакали ходимларга эга бўлган, унча ката бўлмаган бўлимлар ва бўгинлар
- Қўп бўлмаган бошқарув бўгинлари
- Ўзгаришларга нисбатан сезгирлик ва ҳозиржавоблик
- Юқори даражадаги унимдорлик
- Паст даражадаги ҳаражатлар
- Иш жадвалининг бевосита истеъмолчиларга мослиғи ва бошқалар.

Бошқарувнинг ташкилий тузилмаси бошқарув олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга ёрдам берадиган қилиб тузилиши керак. У қуйидаги талабларга жавоб бериши керак

1. Бошқарув тизимида бўгин ва босқичлар сони мақбул бўлиши керак. Бўгин ва босқичлар сонининг аксоссиз қўпайиб кетиши:

- Бошқарув аппаратини саклаш ҳаражатларининг ортиб кетиши
- Ахборотларнинг ўтиш йўли қўзилиб кетиши
- Бошқарувда паралеллизм ва такрорланишнинг юзага келишига
- Бошқарувда маъсулиятсизликка йўл қўйилишига ва бошқарув самарасини пасайишига олиб келади.

2. Бошқарув тузилмаси бошқарув аппаратининг тезкор ишлашини таъминлаши лозим. Бу фаолият вазифаларни ўз вақтида ва моҳирлик билан тез ҳал этишда намойон бўлади. Бўнга ишлаб чиқаришнинг микёси, мураккаблиғи, бошқарув объектларининг жойлашуви ҳам таъсир қурсатади.

Бошқариш принциплари. Умумий мақсадлар йўналишида ўзаро муносабатлар ўрнатиб биргаликда ҳатти-ҳаракатлар қилувчи ташкилотнинг турли таркибий қисмлари (элементлари)

муваффакиятли еки самарали фаолият курсатадилар, агар, муносабатлар умумий махраж асосида урнатилган булса. Умумий махражга келишнинг зарурийлиги нуктаи-назарларнинг турличалигидан келиб чиқади. Турли нуктаи-назарларнинг сохиблари инсонлар-ташкilot таркибига кирувчи рахбарлар, мутахассислар, оддий ишчи-ходимлар. Уларнинг ташкilot таркибига кирувчи машиналар, станоклар, ишлаб чиқариш бинолари, меҳнат куруллари ва х.клардан фoрки одамларнинг кейинги куядиган кадамларини (хатти-харакатларини, муносабатларини) илгаритдан айта олиш (белгилаш, режалаштириш) эҳтимоллик характериға эға, яъни аниқ белгилаш имконияти йук. Шунинг учун, умумий мақсадларға эришиш учун ечиладиган масалаларни режалаштириш, ташкilot этиш, назорат қилиш буйича барча учун умумий ҳисобланган хатти-харакатларнинг қоидалари (умумий махражлар) ишлаб чиқилиши зарур булади. Баъзида бу қаб қоидалар ташкilotнинг қонунлари еки бошқариш принциплари деб ҳам номланади.

Қоидалар одамлар орасидаги муносабатларни белгилаганлиги ҳамда одамлар орасидаги муносабатларнинг асосини социал муносабатлар ташкilot этганлиги учун бу қоидаларни социал бирикмаларни (структурасини) шакллантирувчи қоидалар, қонунлар еки принциплар деб аташ мумкин. Уларни умумий мақсадлар йуналишида муносабатлар урнатиш (еки хатти-харакатлар қилиш) чегаралари деб аташ ҳам мумкин. Одатда, муносабатларда урнатилган чегаралардан четға чиқиш тартибсизлик дейилади. Яъни, мақсад йуналишидан фарқли йуналиш буйича қилинган хатти-харакатлар тартибсиз хатти-харакатлар дейилади. Демак, қоида, қонун еки принцип деб аталувчи чегаралар орқали хатти-харакатларнинг фаолиятларнинг тартибли еки тартибсиз эканлиги баҳоланади. Фаолиятларнинг баҳоланишининг зарурияти умумий мақсадларнинг борлиги, яъни зарурий натижаларға муҳтожликдан келиб чиқади.

Лекин, қоида, қонун, принцип тушунчалари орасида фарқ борлигини таъкидлаш лозим. Ташкilotларнинг қундалиқ фаолиятида қоида тушунчаси оддий ва аниқ масалаларни ечиш билан боғлиқ хатти-харакатларнинг мантикий кетма-кетлигини, тартибини аниқлашға нисбатан ишлатилади. Қонун тушунчаси одатда, ташкilotлардан ташқарида амал қилувчи муносабатларға нисбатан қулланилади. Принцип эса, ташкilotлар доирасида амалға ошириладиган бошқаришнинг умумий функциялари орасидаги муносабатларға, меҳнат тақсмоти натижаларига, боғловчи жараёнларни ташкilot этиш ишларига нисбатан қулланилади. Шунинг учун ҳам ташкilotларнинг бошқариш(менежмент) принциплари турли ташкilotларда тахминан бир хил булиши мумкин. Хулоса қилиш мумкинки, бошқариш принциплари ташкilotларнинг бошқариш жараёнининг чегараларини аниқлайди.

Биз юқорида қоида, қонун, принцип тушунчаларига ягона таърифлар беришға интильганимиз йук. Факат, уларни ташкilotларни бошқариш жараёнидаги урнини тахлил қилишға харакат қилдик, холос.

Ҳозирги замон менежментининг принциплари ҳақида суз борганда А.Файольнинг “Общее и промышленное управление”(5) китобида еритилган бошқариш принциплари тушунилади. Уларға қуйидагилар қиради:

- меҳнат тақсмоти(разделение труда)
- ҳокимият (власть)
- интизом(дисциплина)
- фармойиш беришнинг бирлиги (единство распорядительства)
- рахбарликнинг бирлиги (единство руководство)
- хусусий интилишларнинг умумий интилишларға буйсундириш (подчинение частнўх интересов общему)
- рағбатлантириш (вознаграждение)
- марказлаштириш(централизация)
- бошқариш поғоналари(иерархия)
- тартиб(порядок)
- ҳаққонийлик (справедливость)
- ходимларнинг турғунлиги (постоянство состава персонала)
- (инициатива)

- ходимларнинг бирлиги (единение персонала)

Адабиетда (6), менежментнинг асосий принциплари сифатида асосан қуйидагилар такидланади:

- бошқаришда марказлаштириш ва номарказлаштиришнинг оптималъ бирлиги принципи.
- ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва масъулиятларнинг бирлиги принципи (принцип сочетания прав, обязанностей и ответственности)
- бошқаришни демократлаштириш : ходимларни бошқариш жараёнида катнашишлари (участие работников в процессе управления).

Г.Эмерсоннинг “Двенадцать принципов производительности” китобида бошқариш принциплари унумдорликни ошириш принциплари сифатида талкин қилинган. Уларга қуйидагилар қиради :

- мақсаднинг аниқ белгиланиши;
- соғлом фикр;
- мутахассис маслаҳати;
- интизом;
- ходимларга ҳаққоний муносабатда бўлиш;
- тез, ишончли, тула, аниқ ва доимий ҳисоб;
- диспетчирлик;
- меъёрлар ва жадваллар;
- шароитларни меъёрлаштириш;
- операцияларни меъёрлаштириш;
- ёзилган стандарт йуриқномалари;
- унумдорлик учун рағбатлантириш.

Биз юқорида бошқариш жараёнининг чегараларини аниқлашга нисбатан факат уч хил ёндошиш такидладик. Аслида, бошқариш илми билан шугулланувчи турли олимлар, мураккб ташкилотларнинг тажрибали раҳбарлари (бошқариш амалиёти мутахассислари) узларининг савияси, тажрибаси, нуктаи-назарлари, қўллаётган бошқариш усуллари ва раҳбарлик услубларидан ҳамда муаян ташкилотнинг фаолият курсатиш шароитлари ва вазиятларидан келиб чиққан ҳолда бошқариш принципларининг турли таркибини таклиф қилишлари ёки қўллашлари мумкин.

Усул – бу тадқиқот қилиш ёки та`сир кўрсатиш усулидир. Бошқарув об`ектини ўрганиш жараёнида қўлланиладиган усуллар:

- тизимли ёндашув;
- комплекс ёндашув;
- таркибий ёндашув;
- интегратсион ёндашув;
- моделлаштириш;
- иқтисодий-математик ёндашув;
- кузатиш;
- эксперимент;
- социологик кузатув.

Бошқарув усуллари:

- ташкилий-ма`мурий;
- иқтисодий;
- Социал-руҳий.

Ташкилий-ма`мурий усуллар бошқариш усуллари тизимида алоҳида ўрин тутди. Бу усулларга:

- бошқариш аппаратининг муайян структурасини тузиш;
- ҳар бир бошқарув бўғинининг функцияларини белгилаш;
- кадрларни тўғри танлаш;
- буйруқлар, фармойишлар ва қўлланмалар чиқариш, уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

- топшириқлар ва дериктив кўрсатмаларни бажармаётган бўлинма ва шахсларга нисбатан мажбурий чораларни қўллаш киради.

Ташкилий-ма`мурий усуллар юқори органлар ҳокимиятига ва қуйи органларнинг бўйсунушига асосланади. Ташкилий усуллар бошқариш тизимида ички онгли алоқаларнинг таркиб топишига ёрдам беради. Бошқариш функциялари бажарилишининг:

- ташкилий барқарорлигини;
- интизомлилигини;
- мувофиқлилигини;
- узлуксизлигини та`минлайди.

Ма`мурий усуллардан:

- исте`молчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;
- хавфли технологиялардан фойдаланиш, зарарли ишлаб чиқариш чиқитларини чиқариб ташлашни тақиқлаш;
- одамлар соғлиғига зарарли маҳсулотларни реклама қилишни тақиқлаш каби соҳаларда фаол фойдаланилади.

Бошқаришнинг ташкилий-ма`мурий усуллари икки шаклда:

- ташкилий та`сир кўрсатиш усуллари;
- фармойиш бериш усуллари шаклида намоён бўлади.

Ташкилий та`сир кўрсатиш турли ташкилий чораларни, я`ни:

- ишлаб чиқариш ва бошқаришнинг ташкилий структураларини белгилаш;
- ички тартиб-қоидаларни ўрнатиш;
- бошқарилувчи ва бошқарувчи тизимлар ўртасида оптималлик ва оқилона нисбатни ўрнатиш кабиларни ўз ичига олади.

Фармойиш бериш йўли билан та`сир кўрсатиш барча бошқариш бўлимлари ва органларининг ишлашини жорий та`минлаб туришдан иборат бўлиб, бунга э`лон қилинадиган ёзма ёки оғзаки кўрсатмалар бериш, ёзма шаклда нашр этилган ёки оғзаки буйруқлар воситаси билан эришилади.

Бошқаришнинг иқтисодий усуллари иқтисодий манфаатлардан фойдаланишга асосланади. Ҳар қандай жамиятнинг иқтисодий муносабатлари, энг аввало манфаатларда намоён бўлади. Манфаатлар уч хил бўлади:

- умумжамят манфаатлари;
- жамоа манфаатлари;
- шахсий манфаатлар.

Умумжамят манфаатларини рўёбга чиқариш мақсадида қуйидаги иқтисодий бошқарув усулларига э`тибор берилади:

- корхоналар ва хўжаликларга фаолият юритишларида эркинлик ва мустақиллик бериш;
- хўжаликларни пировард натижаларга биноан моддий рағбатлантириш, солиқ имтиёзларини бериш;
- молия-кредит муносабатларини такомиллаштириш;
- баҳо, фойда, солиқ, рентабеллик, рақобат ва ҳ.к.

Иқтисодий бошқарув усуллариининг **асосий вазифаси** ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирлигига сарфланадиган харажатларни камайтиришга имкон берувчи хўжалик механизмларининг янги усуллариини, шунингдек, манфаатдорлик муҳитини вужудга келтириш ва улардан самарали фойдаланишдир.

Бошқарилувчи объектга иқтисодий усуллар орқали кўрсатиладиган та`сир корхоналарни:

- жиддий режалар қабул қилишга;
- меҳнат ва молия ресурсларидан янада унумлироқ фойдаланишга;
- янги технологияларни жорий қилишга;
- меҳнат унумдорлигини оширишга;

- рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришга рағбатлантирувчи ва да'ват этувчи бўлиши керак.

Бошқарувнинг иқтисодий усуллари жумласига:

- кредит ва фоиз ставкалари;
- солиқ ва солиқ юки;
- бож тўловлари;
- субсидия ва санация;
- литсензия;
- трансферт тўловлари;
- нарх-наво ва ҳ.кх киради.

Субсидия –бу давлат томонидан аниқ мақсад йўлида ишлатиш учун қайтариб олмаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағи.

Субсидиялар:

- иқтисодиётни диверсификациялаш;
- экспорт-импортнинг мувозанатлаштириб туриш;
- инновация;
- айрим ҳудудларга ёрдам бериш;
- конверсия (ҳарбий ишлаб чиқаришдан ҳалққа керакли товар ишлаб чиқаришга ўтиш) мақсадида ажратилади.

Субсидия:

- жаҳон бозорида миллий манфаатни ҳимоя қилиш;
- дунё бозорида нарх пасайган шароитда товар экспортини тўхтатиб турган фирмаларга мадад бериш;
- зарур иш билан шуғилланувчи, лекин янги, ҳали молиявий заиф фирмаларни қўллаб-қувватлаш;
- давлат дастурлари ва тавсияларига биноан иш юритаётган фирмаларни сийлаш учун берилади.

Санация – иқтисодиёт учун аҳамияти катта корхоналарни танг ҳолатидан чиқариб, уларнинг нормал ишлаб туришини таъминлаш ҳамда корхоналарни оммавий банкрот бўлишига йўл бермасдан, рақобатчи корхоналар сонини керакли меъёрга сақлаб туриш мақсадида малга оширилади.

Санациялаш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

- корхона қарзини кечиб юбориш ёки уни ўзгалар ҳисобидан тўлаш;
- қарзни тўлаш муддатини кечиктириш;
- қарз учун берилган фоизни камайтириш ёки умуман фоиз олмаслик;
- корхонага солиқдан энгиллик бериш;
- солиқни кредитга айлантириш;
- корхонага буюртма бериб, унинг ҳақини олдиндан тўлаш;
- субсидия ажратиш;
- корхонага экспорт юзасидан имтиёзлар бериш.

Давлатнинг Санациядаги иштироки икки шартни ҳисобга олади.

- корхонанинг миллий ва ҳудудий иқтисодиёт учун аҳамияти катта бўлиши керак;
- корхонанинг танг аҳволга тушиб қолишига унинг ўзига боғлиқ бўлмаган бошқа объект сабаблар бўлиши лозим.

Трансферт тўловлар –бу ўтказма тўловлар, давлат бюджети воситаларини қайта тақсимлаш шакллари билан берилади.

Бу тўловлар:

- хусусий тадбиркорларга субсидиялар бериш;
- давлат қарзлари бўйича фоиз тўловлари;

- ижтимоий эҳтиёжларга давлат томонидан тўланадиган пул маблағлари кўринишида бўлиши мумкин.

Ижтимоий эҳтиёжларга ажратиладиган трансферт тўловлар кам таъминланган аҳоли гуруҳларига, ногиронларга, қариялар ва бировнинг боқувидигит кишиларга ҳамда ишсизларга нафақа тўлаш кўринишида бўлади.

Социал-руҳий усулларнинг асосий мақсади жамоаларда соғлом ижтимоий-руҳий муҳитни яратишдир. Бу усул ижтимоий-маънавий вазиятга таъсир этиш йўли билан кишиларнинг феъл-атвори, руҳиятини ҳисобга олиб уларнинг ижтимоий талабларини қондириш орқали бошқаришни билдиради. Социал-руҳий усуллар бу ишлаб чиқариш жамоаларини, улардаги “психологик вазиятни”, ҳар бир ходимнинг шахсий хусусиятларини ўрганишга асосланган усуллардир. Бошқариш усулларининг бу гуруҳи жамоанинг шаклланиш ва юксалиш жараёнига, кишиларнинг онгига, маънавий манфаатларига жамият манфаатларини ҳисобга олган ҳолда таъсир қилувчи воситалар мажмуидир.

Социал-руҳий методлардан самарали фойдаланиш учун бошқариш объектининг ҳолати тўғрисида кенг ахборотга эга бўлиш керак.

Социал тадқиқотлар хилма-хил ахборотлар олиш имконини беради:

- жамоа аъзоларининг меҳнатга ва раҳбарларга муносабати;
- бошқариш усулларининг бир-бири билан ўзаро муносабати;
- жамоанинг эҳтиёжлари ва қизиқишлари;
- ходимлар шахсияти;
- ходимлар қўнимсизлиги сабаблари;
- ходимларнинг ишлаб чиқаришдаги фаоллиги;
- жамоа аъзоларининг маънавий ва жисмоний рағбатлари;
- эҳтиёжларнинг қондирилиш даражаси ва ҳ.к.

2.Бошқарувнинг ахборот таъминоти

Ахбороттизими–ахборотни тўплаш, излаш, сақлаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жамия ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситаларидир.

Ахборот жараёнларининг автоматлаштириш даражасига қараб ахборот тизимлари (АТ) қўлдасозланадиган, автоматик ва автоматлаштирилган кабитурларга бўлинади.

Қўлдасозланадиган ахборот тизимлари ахборотларни қайта ишлайдиган замонавий техник воситаларнинг йўқлиги ва барча амалларни инсон томонидан бажарилиши билан таъсирланади. Автоматик АТларида ахборотларни қайта ишлаш бўйича барча амаллар инсон иштирокисиз бажарилади. Автоматлаштирилган АТларида маълумотларга ишлов бериш жараёнида ҳам инсоннинг, ҳам техник воситанинг иштироки назарда тутилади. Бунда компьютерга асосий ўрин берилади.

Ривожланган мамлакатлар ҳукуматларида Интернетдан ва web технологиялардан фойдаланишга ўтиш давлат бошқарувида АКТ тизимининг учта алоҳида, бироқ бир-бирига алоқадор элементларини бирлаштиради.

Бу қандай элементлар? 1-элемент – ташкилий самарадорликни ошириш нуктаи назаридан Интернетнинг бизнес ечими: яъни ҳукумат муассасаларига хусусий секторда майда ва йирик компаниялар фойдаланаётган ташкилий устунликларни бериш учун Интернет ва web-ечимлардан фойдаланиш – харажатларни камайтириш, махсусдорликни ошириш, сифатни яхшилаш. 2-элемент – ахборотни оммавий беришдан (publish) ва истеъмолчилар/фуқаролар билан ўзаро ҳамкорликнинг оддий шакллари (interact) тортиб мураккаброқ транзакцияларга (transact) кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш учун хизматларнинг истеъмолчиларига ва фуқароларга кўпроқ эътиборни қаратиш. 3-элемент – электрон демократия (e-Democracy) – онлайн маслаҳатлар (consultation), давлат қарорлари қабул қилинишида онлайн иштирок

этишнинг бошқа шакллари (participation) ва электрон овоз бериш (voting) воситасида фуқароларнинг демократик жараёнларда ва давлатни бошқаришда иштирокини кенгайтириш учун давлат бошқарувида АКТнинг тармоқли ва бошқа корпоратив ресурсларидан фойдаланиш.

Бунда қуйидаги омиллар барча уч элементнинг муваффақиятли амалга оширилишининг асосий шarti ҳисобланди:

- ривожланиш истиқболларининг давлат томонидан умумий тарзда қаралиши;
- стратегиядан уни бажаришга ўтиш учун давлатда амалий ишлар режаси мавжудлиги;
- бошқарувнинг ресурслари ва имкониятларини тўғри тақсимлаш;
- қўламли қайта ўзгартиришларга эмас, балки тизимли қайта ўзгартиришларга қодирлик;
- фаолиятни кузатиб бориш ва натижаларни баҳолаш мумкинлиги.

3. Бошқарув қарорлар, уларнинг усуллари ва уларни қабул қилиш жараёни

Қарор- бу умумий мақсадлар йўналишида имкониятлардан бирини танлашдир.

Бошқарув қарори - бу бошқарув фаолиятини охириги натижасидир. Агар бошқарувда меҳнат предмети ахборот бўлса, унинг меҳнат (натижаси) маҳсулоти-бошқарув қароридир.

Бошқарув қарори- муаммоли вазиятни ҳал этиш учун ёзма ёки оғзаки шаклда ифода этилган ва амалга ошириладиган, қайд этилган бошқарув фаолиятидир. Ёки, бошқарув қарори бошқарув тизими (менежмент)нинг аниқ мақсадга эришишда башорат этиш, оптималлаштириш, иқтисодий асослаш ва таҳлил этиш натижаси ва кўпгина муқобил вариантлардан бирини танлашдир. Бошқарув қарори - корхона олдида турган мақсадлар ва миссиясини амалга ошириш демакдир. Айнан шу жараёнда юзлаб, минглаб инсонлар ўз эҳтиёжларини қондиради, мавқеига эга бўлади, ҳар томонлама ўсади ва умуман жамият ўсади.

Қарор ишлаб чиқиш ва қабул қилиш - бу шундай бошқарув фаолиятининг асосий шаклики, у раҳбар меҳнатининг мазмуни, унинг жамоага мақсад сари йўналтирилган ҳаракат жараёнидир.

Бошқарув қарори икки ҳолатда ишлатилади:

биринчи ҳолатда - кимнингдир ёки ниманингдир томонидан ўрнатилган бошқарув ҳужжати, қабул қилинган ҳаракат режаси, қарор қилиш ва бошқалар .

бошқа ҳолатларда - бу бир неча вариантлардан битта ма'қул вариантли танлаш. Қарор пишиб этилган муаммо мавжуд бўлганда қабул қилинади.

Бошқарув қарорлари элементлари

- Вазифа
- Восита
- Жавобгарлик
- Муддат

Бошқарув қарорларини асосий таркибий қисмлари қуйидагилар ҳисобланади:

- Мақсадлар
- Масалалар
- Масалаларни эчиш усуллари (технология)
- Ресурсларга нисбатан талаблар
- Қарорнинг та'сир доираси
- Қарорнинг бажарилиш муддатлари
- Қарорни амалга оширилиш механизмлари (масалалар структураси)

Бошқарув қарорлари ма'лум хусусиятларга эга бўлиши зарур

- Қарорнинг илмий асосланганлиги
- Қарорларнинг бирлиги
- Қарорларнинг адолатлилиги - ҳаққонийлиги
- Қарорларнинг тўғри йўналтирилганлиги
- Қарорларнинг қисқалиги
- Қарорларнинг вақт бўйича аниқлиги
- Қарорларнинг оперативлиги

Қарор асосан режалаштирилган ва режалаштирилмаган турларга бўлинади.

- Режалаштирилган қарорлар такрорланувчи, илгаритдан аниқ вазиятларга тегишли бўлиб, уларни қабул қилишга мулохазали ёндошиш имконияти мавжуд.
- Режалаштирилмаган қарорлар асосан ташқи муҳит таъсири натижасида ташкилотда шакллланувчи фавкулотдаги вазиятларни (муаммоларни) ҳал қилиш билан боғлиқ.

Бошқарув қарори туркумланиши

Бошқарув фаолиятининг самарадорлиги нуқтаи назаридан қарорлар қуйидаги турларга бўлинади: стратегик ва оператив.

Стратегик қарор - бу корхонанинг фаолияти билан боғлиқ бўлган мақсад ва миссияларнинг шаклланиши.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида бу қарорлар корхонанинг фаолиятидаги янги ёндашувлар, кескин бурилишларни силлиқ утишини таъминлайди. Стратегик қарорлар корхона, ҳудуд, соҳа даражасида қарорлар жамиятдаги янги манбаалар ҳисобига бутун иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни эчишга ёрдам беради.

Оператив қарорлар бу моҳияти бўйича ҳўжалик бошқарув қарорларидир. Улар бошқариладиган объектни узлуксиз ишлаш жараёнини қўллаб-қувватлаши учун жорий шахсий муаммолар бўйича қабул қилинади. Яъни, унинг мураккаб механизмини структура ва ўзаро алоқаларни узгартирмасдан ушлаб туришдир. Бу қарорларни раҳбар махсус тайёргарликсиз ётарлича тез қабул қилади. Бундай қарорларга ходимларни ишга олиш ва бушатиш, уларнинг иш ҳақларини ўзгариши, корхонани кишга тайёрлаш ҳақидаги ва шу каби ҳужжатларни киритиш мумкин.

Харакат доираси бўйича бошқарув қарорларини **иқтисодий, ташкилий, ижтимоий, техник ва технологик** қарорларга бўлиш мумкин.

Қарорлар таъсир қилиш йўналиши бўйича **ташқи ва ички** бўлади.

Ташқи қарорлар бошқа даражага қаратилади, ички қарорлар эса алоҳида бўлимлар ёки қаратилади, ички қарорлар эса алоҳида бўлимлар ёки корхонани қамраб олади.

Бошқарув қарорлари функционал мазмуни бўйича **иқтисодий, ташкилий, координацион, рағбатлантирувчи, бошқарувчи ва назорат** қарорларга бўлинади.

Қайта ишлашни ташкиллаштириш бўйича **шахсий, ҳамкасбий ва малакавийларга** бўлинади. Шахсий қарорлар раҳбарнинг жамоадаги келишувисиз ва муҳокамасиз ёки алоҳида шахслар томонидан ишлаб чиқарилади. корхона тараққиёти йўлидаги принстипиал муаммоларга дахли бўлмаган оператив қарорлардир. Ҳамкасб қаролари асосан моддий тайёргарлик талаб қиладиган, бир гуруҳ мутахассислар ва раҳбарлар томонидан ишлаб чиқариладиган ва қабул қилинадиган қарорлардир. Улар ҳар томонлама мазмунга эгадирлар. Жамоа қарорлари мансаб ёки ходимлардан Қатъий назар бутун иштирокчилар томонидан умумий мажлисда ишлаб чиқарилади.

Меҳнат тури бўйича қарорлар **стандарт ва ностандарт** қарорларга бўлинади. Стандарт, баъзан дастурий қарорлар - бу қарорларнинг ўзини ишлаб чиқиш ва уни қабул қилиш жараёнидаги қарорлардир. Дастурлаш ва уни қабул қилиш жараёнидаги қарорлардир. Дастурлаш мумкин

Ностандарт қарорлар - бу энг мураккаб, асосий қарорлар. Ҳал қилинадиган муаммога ижодий ёндашиш учун кенглиги билан ажралиб туради. Ижодий қарорлар ҳар доим жадаллик ва янгиликда намоён бўлади.

Бозор муносабатлари мезонида бошқарув қарори менежментнинг бош омили ҳисобланади, тармоқ тараққиётининг бутун иқтисодий ва ижтимоий муаммолари кесишадиган ва бир жойда тўпланади. Бошқарув қарорларининг самарасига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади:

- раҳбариятнинг ёки гуруҳнинг шахсий сифатлари;
- қарорни ишлаб чиқишдаги шароитнинг ахборот таъминоти;
- ташкилий характер омиллари (қарорни ишлаб чиқишда мутахассисларни таклиф қилиш, усуллар тизими ва қабул қилинган қарорни бажарувчиларга ётказиш шакли, назорат тизими ва ҳ.к.);
- техник омиллар (ЕХМ техник воситаларидан фойдаланиш ва ҳ.к.);

- қарорни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга оширишдаги вақтинчалик омиллар. Бундан келиб чиққан ҳолда бошқарув қарорларига асосий талаблар қуйидагилардир:
- қабул қилинадиган қарорнинг демократлиги;
- илмий асослаш;
- аниқ йўналганлик;
- аниқ йўналтирилганлик;
- вақт бўйича қисқалик ва конкретлик;
- қарорни бажариш оперативлиги.

Менежмент амалиётида бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва амалиётга қўллашнинг қўллаб-қувватлаш шакли ва методлари йиғилган. Саволларнинг мураккаблиги ва мазмунига қараб, бошқарув қарорларини тайёрлаш ва қабул қилишдадан олдин раҳбар қуйидагиларни аниқлаб олиш шарт:

- ҳаракат мақсади ва унга эришиш йўллари;
- муаммонинг муҳим тарафларини;
- керакли моддий, пулли ва меҳнат ресурсларини;
- бажарувчиларнинг вазифаларини;
- вазифа бажарилишини ташкил этиш тартибини.

Менежментга қарорларни қабул қилиш хос, чунки ҳар бир раҳбар фаолияти, у қабул қилган қарорларда акс этади. Бошқарув қарорлари жамоа демократияси ва узини бошқариш принципи асосида коллективни қарор қабул қилишда қатнашувида амалга ошади.

Ҳар бир мураккаб қарорларни қабул қилиш жараёни ўз ичига қуйидагиларни олади:

- мақсадни аниқланиши, муаммони тушуниш ва керакли ахборотни йиғиш;
- йиғилган ахборотни классификацияси қилиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш, яъни ахборотни қайта ишлаш;
- қарорларни турли вариантларини ишлаб чиқиш;
- вариантларни таҳлил қилиш, муҳокама қилиш ва баҳолаш;
- охириги ва оптимал вариантни қабул қилиш;
- ҳар бир қарорни керакли шаклда ҳужжатлаштириш;
- қарорларни муҳрлаб қўйиш;
- қарорни бажарувчига қўйилиши;
- қабул қилинган қарорлар бажарилишини ташкил қилиш;
- қарорни бажарилишини назорати ва ҳисоби.

Бошқарув қарорларининг **асоси деб** оптимал вариантга энг яқин бўлган, энг зўр вариант қабул қилинади. Бу вариант меҳнатни, молиявий-техник ресурсларни ва вақтни энг кам сарф қилинган ҳолда, корхонадаги мавжуд ҳолат ҳақидаги мантиқий ахборотларни йиғиб, таҳлил қилиш орқали келиб чиқади.

Оптимал қарорни ёки унга яқин қарорни танлашда Керакли усул ва услубни қўллаш даркор. Бошқарув амалиётида қарорларни қабул қилиш ва улар билан ишлашнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

- тизимли-иқтисодий ва ижтимоий таҳлил, статистик жавоблар ва баҳолар усули;
- вариантли каторларнинг, яъни режа - ишлаб чиқариш каби моделларни таҳлили, ривожланиш тенденцияларини ва ишлаб чиқаришнинг мавсумий характерини аниқлаш усули;
- тажриба жавобларини статистик таҳлилининг ўз ичига олган, тажрибавий моделлаштириш усули. Эчилаётган муаммоларни, жараёнларни моделлаштириш усули, ЭХМ ва иқтисодий-математик методлар орқали бажарилса, ҳўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятидаги камчилик ва ютуқлари оптимал равишда кузатиш мумкин;
- математик дастурлаш усули;
- мақсадларни баҳолаш ва кутилаётган ҳавф назарияси усули. Бу усул ўқитиш ва мотивация назариясининг ҳисобга олиб табиатни ўлчаш ва башорат қилиш учун ишлатилади;

- моделлаштириш ва тадбиркорликка оид уйинлар усули. Бу усул эҳМ ишлатилишини тақозо этади;
- ноаниқлик шароитида индивидуал қарор қабул қилишга ҳар-хил ёндашишларни ўз ичига олган қидиришлар назарияси;
- ҳаражатлар усули. Бу усул я'ни, ахборотлар йиғиш, таҳлил қилиш ва ишлатиш жуда кўп маблағ талаб этади, бунда бошқарувчи агар бу усул оптимал жавоб топишга ёрдам берса ҳаражатлар олдида тухташи керак эмас;
- нома'лум ва ноаниқ вазиятларни баҳолаш ва таҳлил қилиш, одатда, мавжуд ишончли ма'лумотлар орқали амалга оширилади. Бу ҳолда қабул қилинадиган қарор корхона ўз олдида куйган мақсадга боғлиқ. Ба'зан қарор қабул қилиш иқтисодий-ижтимоий тизимнинг ривожланиш қонуниятига ва тенденцияси, шунингдек таҳлилий ҳисоб-китоблар асосида амалга ошириш мумкин бўлади. Бошқа ҳолларда албатта муаммонинг чуқур таҳлили ва ҳар томонлама бирлашуви керак бўлади, я'ни муаммонинг турлича қараб керакли таҳлил ва ҳисоб-китоблар утказилади;
- қарор қабул қилиш жараёнини соддалаштириш бошқарув жараёнидаги меҳнат доирасини пасайтиради. Агар тизимли таҳлил доимо ўтказилса, қарорларни ишлаб чиқиш усули борган сари соддалашиб аниқ ҳолатга келади. Соддалашган ҳолдаги қарорлар қабул қилиш ва уларнинг самарасини баҳолаш кўпинча корхона фаолиятининг таҳлили тақдорланувчи ҳолатида қўлланилади;
- мутахассислар баҳоси, мутахассислар таҳлили асосида олинади. Бу нарса хатоларни олдини олиш учун қилинади. Шундан сунг мутахассислар мавжуд мавжуд қарорлар рўйхати мавжуд фикрлар, таклифлар ва ҳулосалар билан танишиб чиқадилар ва ўзларининг якуний ҳулосаларини этадилар;
- бир гуруҳ мутахассислар томонидан қандайдир қийин муаммони ижодий муҳокама қилиш. Бу усул жамоа тажрибалари ва жамоанинг билимлари Бошқарувнинг ечимларига асосланиши ва шу билан бирга яхши гояларнинг юзага келишига муҳит яратиш ҳамда муҳокамадаги иштирокчиларнинг яхши танланганлиги алтернатив ечимни топишга ва муаммони тўғри ҳал қилишга катта та'сир кўрсатади.

Қабул қилинган қарорларнинг мақсадга мувофиқ ҳолда бажарилиши учун ишлаб чиқариш жараёнида махсус мақсадга йўналтирилган дастурлар, тармоқли графикларни, матристали бошқарув тизимини ишлаб чиқариш зарур. Бу маросимларнинг 3 та гуруҳга ажратиш мумкин:

- қарорларни ўз вақтида бажарувчиларга этказиб бериш;
- кадрлар ва ресурслар оптимал жойлаштириш оператив захираларни шакллантириш;
- қарорларни бажарилишини назорат қилиш.

Биринчи гуруҳ маросим. Қарорларни ўз вақтида бажарувчиларга этказиб бериш. Бу эрда уни ўз холига ташлаш мумкин эмас. Қарорларни бажарувчиларга бир ой-икки ойда этиб боришини кузатиш мумкин. Бу ҳолда у ўз фаоллигини ва мазмунини юқотади. Чунки у кеч этиб боради.

Бажарувчиларнинг фикрларини кенг тарқалган шаклларида бири уларни қарор қабул қилишга жалб қилиш. Шу асосда ишлаб чиқаришнинг иштирокчилари қарор констепцияси ва масалалар ечимлари билан танишадилар. Чунки улар ишлаб чиқариш жараёнини четдагиларга қараганда яхшироқ билишади.

Иккинчи гуруҳ маросими - бу кадрлар ва ресурслар манёври шунингдек оператив резервлар. Ҳар бир ечим моддий та'минотга муҳтож бўлиб, одамларнинг қайта ориентацияси ва уларнинг қайта тайёрлашга ва алмаштиришга тўғри келади. Шунинг учун ишлаб чиқаришдаги йирик дастурларнинг реализацияси ва ишлаб чиқаришни қайта қуриш ишларининг услуб ва формаларини кескин ўзгаришига олиб келади. Бу кадрлар структурасига ҳам та'сир кўрсатади.

Учинчи маросимлар гуруҳи - бу назорат, я'ни чуқур малакали таҳлил. Тизимли назоратсиз юқори натижаларга эришиб бўлмайди. Бошқарувнинг юқори даражасида, бундай назоратни ташкилот аниқ мақсадга ва керакли механизмга эришиш учун талаб қилади.

Калит сўзлар

Функция, режалаштириш, бош режа, умумий режа, бизнес режа, ташкил этиш, рағбатлантириш, мослаштирув, назорат, ҳисоб, принцип, демократия, марказлашув, иштиёк (мотив), иерархия, аксалока.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Менежмент тушунчаси, унинг объекти ва субъекти
2. Менежерлар бошқарув поғонасига кўра қандай турларга бўлинади?
3. Бошқарув усуллари нима?
4. Ташкилий-маъмурий усул нима?
5. Маъмурий усул нима?
6. Бошқарувнинг иқтисодий усули нима?
7. Бошқарувнинг рухий усули нима?
8. Субсидия деб нимага айтилади?
9. Санация нима?
10. Санацияга қўйиладиган шартлар қандай?
11. Давлат бошқарувида АКТ тизимининг нечта алоқадор элементларини бирлаштиради?
12. Бошқарув қарорлари қандай кўринишларга бўлинади?
13. Тезкор ва стратегик қарорлар нима билан фарқланади?
14. Бошқарув қарорлари самарадорлигига қандай омиллар таъсир этади?
15. Бошқарув қарорларига қандай талаб қўйилади?
16. Бошқарув қарорларининг илмий асосланганлиги деганда нимани тушунаси?
17. Қарорни бажаришнинг якунловчи босқичи деганда нимани тушунаси?
18. Қарорнинг бажарилишини назорат қилишдан қандай фойдаланилади?